ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қодиров Ш.

П Е Д А Г О Г И К М А Ҳ О Р А Т

(муаммоли маърузалар матни)

НАМАНГАН-2006

"Педагогик маҳорат" фанидан муаммоли маърузалар матни Ўзбекистон Республикаси Олий таълим стандарти асосида тузилган намунавий ўқув дастурга мувофиқ ҳолда ёзилди. Унда педагогик маҳорат-педагогик система сифатида қаралиб, унинг ташкил этувчилари ажратиб кўрсатилган. Ҳар бир ташкил этувчининг мазмуни ва уни эгаллаш усуллари баён этилган. Педагогик таъсир этиш шакллари ва улардан фойдаланишнинг ўзига хослиги кўрсатилган.

Муаммоли маърузалар матни профессионал-педагогик тайёргарлик йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларга мўлжалланган. Ундан ўз педагогик маҳоратини оширишга интилган барча ўқув юртлари ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Муаллиф: дотс. Кодиров Ш.
Тақризчилар: проф. Эшонов О.(НамДУ)
дотс. Мирзабоев Г. (НамВПХМИ)

Муаммоли маърузалар матни "Педагогика ва педагогик технологиялар" кафедрасининг 30 январ 2006 й. даги №5 йиғилишида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Муаммоли маърузалар матни НамМПИ Ўқув-услубий кенгашининг 31 январ 2006 й. даги №5 йиғилишда кўриб чиқилган ва чоп этишга тавсия этилган (рўйхат рақами №25).

Катталар ва болалар ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятдан қувонч ҳосил қилишлари-ҳуқуқий педагогик маҳорат яратилганлигини англатади.

Азиз тингловчи!

Сиз энди варақлашни бошлаган ушбу муаммоли маърузалар матни «Педагогик маҳорат» фанидан ўзбек тилида дарслик ва қўлланмалар ниҳоятда камёб бўлгани учун, мавжуд адабиётларнинг таржимаси сифатида яратилди. У педагогик маҳорат сирларини эгаллашингиз ва фанни мустақил ўқиб, ўзлаштиришингиз учун Сизларга ёрдам берувчи дастлабки дидактик материал бўлиб ҳисобланади.

Ушбу муаммоли маърузаларни тайёрлашда қуйидаги қисқартиришлар қўлланилади:

МС - муаммоли савол

МВ - муаммоли вазият

МТ - муаммоли топшириқ

ММ - муаммоли масала

Шунинг учун ҳам уни такомиллаштиришда Сизнинг фикрингизни билиш муҳимдир. Муаммоли маърузалар матни ҳақидаги таклиф ва мулоҳазаларингизни «Педагогика ва педагогик технологиялар» кафедрасига ёки муаллифларнинг ўзларига тақдим этишингизни илтимос қиламиз».

Муаллиф

1-маъруза "Педагогик маҳорат" фанининг мақсади ва вазифалари. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари

Ўқув модуллари:

1. "Педагогик маҳорат асослари" фанининг яратилиши, унинг мақсади ва вазифалари.
2. Педагог фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Педагогик маҳорат-педагогик системаси ва унинг таркибий қисмлари.

Маъруза бўйича аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу маърузани пухта ўзлаштирганидан сўнг:

- Педагогик мақсад ва объектнинг ўзига хослигини тушунтира олади;
- Муҳандис-педагог фаолиятининг асосий ташкил этувчиларини санайди (5 та) ва уларнинг ҳар бирини қисқача тушунтира олади;
- "Педагогик маҳорат" тушунчасини таърифини ёддан айтади (мазмунини тушунтиради);
- Педагогик маҳорат системасининг ташкил этувчиларини (4та) санайди;
- Педагогик шахсининг инсонпарварлик йўналишга эга бўлишининг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиради;
- Педагогик техника ҳақида тушунчага эга эканлигини билдиради;
- Педагогик такт (одоб) ҳақида тушунчага-педагог профессионал билимларининг ўзига хослигини тушунтиради;
- Педагогик техника ҳақида тушунчага эга эканлигини билдиради;
- Муҳандис-педагог профессионал билимларининг ўзига хослигини тушунтиради;
- Педагогик қобилият мазмунини тушунтиради;
- Педагогик маҳоратни эгаллаш босқичларини (5 та) санайди.

Таянч сўз ва иборалар

Педагогик мақсад, педагогик фаолият объекти, педагогик фаолият субъекти, педагогик фаолият воситалари лойиҳалаш, конструктсиялаш, коммуникативлик (мулоқотга мойиллик), ташқилотчилик, гностик (билишга оид), педагогик маҳорат, инсонпарварлик, педагогик такт, педагогик техника, профессионал билимлар, педагогик маҳоратни эгаллаш босқичлари.

1. Педагогик маҳорат асослари фанининг вужудга келиши, мақсади ва вазифалари

Азиз талаба!

Сиз институтни тугатиб, қадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бевосита ўзингиз бажаришга киришадиган вақтлар яқинлашмоқда. Чунки, кўпчилигингиз касб-ҳунар коллежларига йўлланма олиб, халқ хўжалиги соҳаларига малакали мутахассислар жараёнида мустақил равишда фаолият кўрсатишингиз табиийдир.

Ҳозиргача "Касб психологияси", "Касб педагогикаси", "Касб таълими методикаси" ва бошқа бир қатор профессионал-педагогик тафаккурни шакллантирувчи фанлардан маърузалар эшитдингиз, амалий тажриба ишларини бажардингиз. Бугун биз педагогик фанларни яна бири ҳисобланган, "Педагогик маҳорат"ни ўрганишини бошлаймиз. Бу фаннинг вужудга келиши буюк педагог А. С. Макаренко (1888-1939) номи билан бевосита боғлиқ. У болалар колониясидаги фаолиятида "Инсоният чиқиндисининг энг охирги сарқитлари", яъни фақат тарбиячи эмас, балки маънавий қиёфасини ҳам йўқотган болалар билан ишлаб, уларнинг бениҳоя хурмати ва ишончига сазовор бўлди. Шахсий тарбиявий усули билан бутун оламга машҳур бўлганлигининг ўзи ҳам А. С. Макаренконинг юксак педагогик маҳорат чўққисига эришганлигининг яққол далилидир. А. С. Макаренко асарлари жаҳондаги 104 мамлакатда 15 тилда нашр эттирилган. Унинг "Педагогик поэма"си Германияда 50 марта қайта нашр қилинган. Жазоирликлар бу асарни муқаддас китоблар қаторига киритадилар. С. Макаренконинг жаҳон педагогикасига қўшган буюк хизматларини эътиборга олиб ЮНЕСКО 1988 йилни унинг 100 йиллиги муносабати билан "Макаренко йили" деб эълон қилди ва бу байрам кенг нишонланди.

А. С. Макаренко бўлажак педагог-талабалик давридаёқ педагогик маҳорат сирларини ўрганиши зарурлигини таъкидлаб бундай дейди: "Нима учун олий техник ўқув юртларда материаллар қаршилиги ўқитилади-ю, педагогик ўқув юртларида тарбия жараёнида, унга шахснинг қаршилик кўрсатиши ҳақидаги фан ўқитилмайди?" Буюк педагогнинг бу фикрига Полтава (Украина) педагогика институти олимлари (А. С. Макаренко бу даргоҳда ишлаган) жуда катта маъсулият билан қарашди.

Улар бир неча йиллар давомида А. С. Макаренко педагогик маҳорат мактабини, мавжуд бўлган илғор педагогик назарий ва амалиётни атрофлича таҳлил қилишди. Натижада 1979 йилда "Педагогик маҳорат асослари" фани яратилди ва у барча олий педагогик ўқув юртларда ўқитила бошланди.

Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси фанларида ҳар бир ўқитувчининг ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича анчагина йўл-йўриқ ва тавсияномалар берилган бўлса, "Педагогик маҳорат асослари" фанида педагогик маҳорат нималарга боғлиқ ва унга қандай қилиб эришилади, маҳоратли педагог бўлиш учун нималарга эътибор бериш зарур, каби саволларга жавоб топасиз.

Бу фан тузилиш принципининг ўзига хослиги шундаки, у муҳандис-педагогда шахс ва жамоага таъсир эта олишни таъминлайдиган ва турли фанларга боғлиқ бўлган билимларни тинглаб, уларни ўзида мужассамлантиради. Шунинг учун ҳам фан дастурига педагогик маҳорат моҳияти талабага таъсир этиш воситалари ва усуллари каби педагогик маҳоратнинг одатдаги масалаларидан ташқари, театр педагогикаси ва нотиқлик санъати ҳақидаги маълумотлар ҳам киритилган. Бу фанни ўрганиш педагогика, психология, методика ва бошқа педагогик фанлардан эгалланган билимларга асосланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб "Педагогик маҳорат асослари" фанининг мақсади талабаларда педагогик жараённи мустақил, юқори савияда ташкил этиш ва ўз фаолиятида энг юқори самарадорликка эришиш малакаларини шакллантириш бўлиб ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш қуйидаги вазифаларни ҳал этиш, бўлажак муҳандис-муаллим шахсида қуйидаги хислатларни таркиб топтириш билан боғлиқ:

- инсонпарварлик хислатларини ривожлантириш;
- коммуникатив (мулоқотга мойиллик) малакаларини шакллантириш;
- касбий мустақиллик, ишчанлик, ҳиссий барқарорлик, ўз ишига ижодий ёндошиш хислатларини таркиб топтириш;
- педагогик такт ва педагогик техникадан оқилона фойдаланишни шакллантириш;
- нутқ техникасини, ўз товуш ва гавдасини бошқариш, жамоага ва шахсга таъсир кўрсатиш қобилиятларини такомиллаштириш.

Педагогик маҳорат-бу педагогик (ўқув тарбиявий) жараёнининг барча шаклларини энг қулай ва самарали ҳолатда ташқил этиш, уларни шахс камолоти мақсадлари томон йўллантириш, тарбияланувчиларда дунёқараш, қобилиятни шакллантириш ва уларда жамият учун зарур бўлган фаолиятга мойиллик уйғотишдир.

Педагогик маҳорат сирларини эгаллашда сизга омад тилаймиз.

2. Педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари

Инсон фаолиятининг бошқа турлари каби педагогик фаолият ҳам ўз хусусиятлари билан бир-биридан ажралиб турувчи: мақсад, объект ва субъект ва воситалардан ташқил топади.

Энг аввало, педагогик мақсаднинг ўзига хослигини тушунишига ҳаракат қиламиз. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Педагогик фаолиятнинг мақсади жамият томонидан белгиланади, яъни педагог фаолиятнинг натижаси жамият манфаатлари билан боғлиқдир. Унинг меҳнати ёшлар шахсини ҳар томонлама камол топтиришга йўналтирилган бўлиши зарур. Педагогик фаолият авлоднинг ижтимоий ўзвийлигини (кетма-кетлигини) таъминлайди, бир авлод тажрибасини иккинчи авлодга ўтказади, ёшларни ижтимоий муносабатлар томон йўллайди, ижтимоий тажриба орттириш учун инсондаги табиий имкониятларни рўёбга чиқаради.

2. Педагог фаолияти доимо шахс фаолиятини бошқариш билан боғлиқ. Бунда педагогик мақсад талаба мақсадига айланиши муҳимдир. Унга эришиши осонликча бўлмайди. Педагог ўз фаолияти мақсадини ва унга эришиш йўлларини аниқ тасаввур қилиш ва мақсадга эришиш талабалар учун ҳам аҳамиятли эканлигини уларга англата олиш зарур. Гёте таъкидлаганидек, "Ишонч билан гапир, ана шунда сўз ҳам, тингловчиларни маҳлиё қилиши ҳам ўз-ўзидан келаверади".

3. Педагогик (таълим, тарбия) жараёнида талаба фаолиятини бошқариш шунинг учун ҳам мураккабки-педагог мақсади доимо талаба келажаги томон йўналтирилган бўлади. Бу мақсадни талабадан кўра педагог яққолроқ тасаввур қилади. Талаба эса кўп ҳолларда, ҳаётий тажрибаси етишмаслиги сабабли ҳозирги ҳаёт, шу бугун ташвишлари билан яшайди, келажакни эса тўла тасаввур қила олмайди. Бунёдкор педагоглардан бири Ш. А. Амонашвили бу номувофиқликни "тарбиядаги асосий фожиа" деб атайди. Буни англаган ҳолда, моҳир педагоглар ўз фаолияти мантиғини талабалар эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда лойиҳалайдилар. Ҳамкорлик педагогикасининг туб моҳияти ҳам ана шундан иборат.

Шундай қилиб, педагогик фаолият мақсадининг ўзига хослиги ўқитувчидан қуйидагиларни талаб қилади:

- жамиятнинг ижтимоий вазифаларини (масалан, мухандис-педагоглар тайёрлашни) тўла англаб, ўз шахсига қабўл қилиши. Жамият мақсадларининг "ўсиб", унинг педагогик нуқтаи назарига айланиши;
- муайян ҳаракат ва вазифаларга ижодий ёндошиши;
- талабалар қизиқишларини эътиборга олиш, уларни педагогик фаолиятнинг белгиланган мақсадларига айлантириш. Талабалар билан касбга йўналтириш ишларини олиб боришда бунга эътибор бериш зарур.

Энди педагогик фаолият объектининг ўзига хослигини кўриб чиқамиз. Бу фаолиятининг объекти инсондир. Педагог- тадқиқотчиларнинг фикрича, педагогик объектининг ўзига хослиги қуйидагилардан иборат:

1. Инсон-табиатнинг жонсиз моддаси эмас, балки ўзининг индивидуал сифатлари, рўй бераётган воқеаларнинг идрок қилиши ва уларга ўзича баҳо берадиган, такрорланмайдиган фаол мавжудотдир. Психологияда таъкидланганидек, ҳар бир шахс-такрорланмасдир". У педагогик жараённинг ўз мақсади, иштиёқи ва шахсий хулққа эга бўлган иштирокчиси ҳамдир. Шундай қилиб, педагогик фаолиятнинг объекти бир пайтнинг ўзида бу фаолиятнинг субъекти бўлиб ҳисобланади.
2. Педагог доимо ўзгариб, ўсиб борадиган инсон билан ишлайди. Уларга ёндошишда бир хил қолип, шаклланиб қолган ҳатти-ҳаракатлардан фойдаланиш мумкин эмас. Бу эса педагогдан доимо ижодий изланиб туришни талаб қилади.
3. Талабаларга педагогдан ташқари атроф-муҳит, ота-она, бошқа фан ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий ҳаёт ҳам, баъзан сезилмайдиган, баъзан эса ҳар томонлама бир неча йўналишда таъсир этади. Шунинг учун ҳам педагог меҳнати бир вақтнинг ўзида жамики таъсирларга ва талабанинг ўзида пайдо бўлган фикрларга тузатишлар киритиб боришни назарда тутади. Масалан, диний экстремизм ва бошқа оқимларга кириб кетган ёшларнинг адашганлигини тушунтириш, оммавий ахборот воситалари орқали берилаётган ахборотларни тўғри англашга ундаш ва ҳ. к. Тарбия жараёни ўз-ўзини тарбиялаш билан уйғунлашган ҳолда олиб борилиши зарур.

Умуман олганда, ҳозирги замон педагогикаси ҳамкорлик педагогикаси бўлиб, у ўқув юртидаги тарбиявий муносабатларнинг инсонпарварлашуви ва демократлашувига йўналтирилган. Бунда талабалар фаоллигини ошириш, уларни педагогик жараённинг иштирокчисига, ўқитувчининг эса унинг меҳрибон устозига айлантириш муҳимдир. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунда таъкидланганидек, таълим жараёнининг демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш, мамлакатимиз таълим тизимини ташкил этишнинг асосий принципларидан биридир.

МС корлик педагогикасининг туб моҳияти нимада?

Педагогик фаолиятининг субъекти-тарбияланувчиларга асосан-педагог, ота-она ва талабалар жамоаси таъсир кўрсатадилар. Ўқитувчининг шахси, билими ва маданияти талабаларга таъсир кўрсатувчи асосий қурол бўлиб ҳисобланади. Агар талаба педагог шахсини ўзига қабул қилмаса (унга ҳиссий яқинлик ҳис этмаса), унинг таъсирига берилмайди, қайсарлик қилади, уни хурмат қилмайди. Талаба шахсига доимо ижобий-ахлоқий таъсир кўрсата оладиган кишигина ҳақиқий тарбиячидир. Бунга эришиш учун педагог ўзининг ахлоқий сифатларини доимо

такомиллаштириб бориши зарур. Педагог томонидан содир этилган арзимас бўлса-да аҳлоқсизлик, унинг талабалар ўртасида мисқоллаб йиғилган обрўсига жиддий путур етказиши муқаррар. Талабаларни меҳнат, мулоқот, ўйин, ўқиш каби фаолият турларида иштирок этишлари тарбиянинг асосий воситаси бўлиб ҳисобланади. А. С. Макаренко ўзининг тарбиявий системасининг маркази сифатида талабаларни унумли меҳнатда иштирок этишларини қўяди. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида касб-ҳунар коллежлари талабаларини махсулот яратувчи меҳнатга жалб қилиб, унинг натижасидан баҳраманд қилишда ҳам бу система яхши самара беради. Донетсклик мактаб ўқитувчиси В. Ф. Шаталов таянч сигналлардан унумли фойдаланган. Чортоқ туманидаги касб-ҳунар литсейи ишлаб чиқариш таълими устаси А. Ҳолиқов педагогик ўйинлардан самарали фойдаланиб, талабаларга пухта касбий малака беришга эришмоқда. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Демак, ҳар бир моҳир педагог ўзининг индивидуал педагогик системасига эга бўлиши зарур.

3. Педагогик маҳорат-системаси ва унинг ташкил этувчилари

Айрим педагоглар касбий маҳорат сирларини эгаллаш учун аввало таълим ва тарбия методларини такомиллаштиришга интиладилар. Бу табиий ҳол, чунки айнан методлар ёрдамида педагог ўз талабаларини турли ўқув фаолиятига жалб қилади. Бу билан талабаларда муайян билим, кўникма, малакалар ва хулқни шакллантиради.

Лекин, айнан бир хил метод билан ишлаган турли ўқитувчиларнинг эришган натижалари ҳам турлича бўлиши аниқланган. Бунинг устига, синовдан ўтказилган методлардан фойдаланган бўлсаларда, айрим ўқитувчилар, ҳатто энг қуйи даражадаги ўзлаштириш натижаларига ҳам эриша олмаганлар. Бундай ўқитувчилар: "Ҳамма нарсани методик тавсия асосида бажардим, нима учун болалар мавқий солиш, қайсарликни ва дарс тайёрламасликни яна давом эттирмоқдалар?"- деб ҳайрон бўладилар. Гап шундаки, талабаларни билим олишга қизиқтиришда ўқитувчи томонидан танланган методлар, усуллар ва топшириқлардан бошқа сабаблар ҳам таъсир кўрсатади. Педагог фаолиятининг муваффақиятли кечиши унинг шахси, характери, талабалар билан муомиласига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Лекин, одатда бўларнинг таълим-тарбия жараёнига таъсири аҳамиятсиздек туюлади. Лекин, тажрибали педагог унинг ҳатти-ҳаракати талабаларга қандай таъсир кўрсататганлигига аҳамият бериб, унга керакли тузатишлар киритиб, такомиллаштириб боради. Бундай ўқитувчиларнинг илҳомбахш муаммоларидан талабаларда ўқишга интилиш ўзларида янада яхшироқ ўқишни уддалай олишига ишонч ҳисси пайдо бўлади. Бу ҳолда таълим ва тарбия методлари педагог шахсида мужассамланган сифатларни амалга ошириш ва ундан талабага ахлоқий фазилатларни ўтказиш воситасига айланади. Шунинг учун ҳам, педагогик маҳоратни ўқитувчи шахси сифатларининг мажмуи сифатида қараб, уни ўқитувчи юқори даражада психологик-педагогик тайёргарликка эга бўлиши билан боғлиқ бўлишини эътироф этиш лозим.

Демак, педагогик маҳорат тушунчаси бир-бири билан боғлиқ бўлган бир неча қисмлардан ташқил топар экан. Бундай ҳолда педагогик маҳоратни «педагогик система» сифатида тасаввур қилинади ва у қуйидагича таърифланади: «Педагогик маҳорат шахс сифатлари мажмуи ва ўқитувчи томонидан профессионал-педагогик

фаолиятни мустақил равишда юқори савияда ташқил этишни таъминлаш бўлиб, у педагогни ўз фаолияти моҳирлигининг энг юқори чўққисига эришганлигини билдиради». Бундан кўриниб турибдики, педагогик маҳорат-бу педагогик фаолиятнинг барча турларини энг қулай ва самарали ҳолатда ташқил этиш, уларни шахс камолоти ва ҳар томнлама ривожлантириш мақсадларига йўналтириш, талабаларда дунёқараш қобилиятни шакллантириш ва уларда ижтимиоий зарур меҳнатга мойиллик уйғотишдир.

Муҳандис-муаллим педагогик маҳорати назариясини яратишда Урал давлат профессионал-педагогик университет олимлари (Безрукова В.С., Романтсев Г.М., Ткаченко Е.В., Зеер Э.Ф) муносиб ҳисса қўшганлар. Ўзбекистонда бу масала бўйича педагог олимлардан Жўраев Р.Х., Нишоналиев У.Н., Мирсаидов К.Ж., Чориев Э.Т. ва бошқалар самарали илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Педагогик маҳорат яхлит система сифатида қуйидаги таркибий қисмлардан иборат: педагог шахсининг инсонпарварлик йўналишига эга бўлиши, унинг қизиқишлари, қадрият йўналишлари ва идеалларининг олий мақсадга-баркамол авлод тарбиялаб етиштиришга йўналтирилганлиги; мутахассислик фанлари, ўқитиш методикаси, педагогика ва психологиядан профессионал билимларга эга бўлиши;

Педагогик қобилиятга эга бўлиши (мулоқотга мойиллик, ишчанлик, келажакни тасаввур қила олиш, касбий мустақиллик, сенсор ахборотларни тезлик билан англаш («юзидан уқиб олиш»)); педагогик техникани эгаллаши, яъни ўз-ўзини бошқара олиши, ўзаро таъсир этиш ва ҳамкорликда ишлашни уддалаши.

Педагог шахсининг инсонпарварлик йўналишга эга бўлиши-талаба шахсини хурмат қилиш, айрим масалаларни-ўзини талаба ўрнида сезиб ҳал этиши, адолатли бўлиши, педагогик фаолиятни пировард мақсадга – баркамол авлод тарбиялашга йўналтиришда ифодаланади. Ўз даврида Ибн Сино ҳам ўқитувчи шахсида ҳалоллик, адолат, поклик, меҳнатсеварлик, фидоийлик, одамгарчилик каби хислатларни қадрлаган.

Инсонпарвар бўлиш маҳоратли педагог фаолиятининг бирча жиҳатларини қамраб олади ва унинг аниқ вазифаларини ҳам белгилаб беради. Қуйидаги ҳолатни таҳлил қилайлик. Ёш ўқитувчи болаларни Темурийлар музейига олиб борди, Лекин «Нима учун Амир Темур ҳақида талабаларга сўзлаб бериш керак?»- деган саволга жавоб тополмайди. Маҳоратли педагог эса, бу саёҳатаҳамиятини бутунлай бошқача тушуниб, у талабаларда тарихимизни билиш, уни ардоқлаш, улуғ аждодларимиз борлиги билан қувониш ва ниҳоят миллий ғурур вужудга келтиришда катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида тўлқинланиб гапиради.

Педагог шахсининг инсонпарварлик йўналишига эга бўлиши, баъзан унинг эгаллаган нуқтаи назарда ҳам намоён бўлади. Масалан, биринчи курс талабаларини эртага яна пахта теримига олиб чиқиш керак, Лекин талабалар: «Биз бормаймиз, чунки олдинги кунларда терган пахтамиз далада чириб кетяпти, уни олиб кетишмади» - деб қайсарлик қилишади. Педагог талабаларнинг ҳақлигини сезиб турсада, «Йўқ чиқишингиз шарт, пахтани олиб кетиши билан ишларинг бўлмасин»- деб ўз фикридан қайтмаяпти.

Бундай нуқтаи назарда тўрган педагогда одамийлик, инсонпарварлик етишмаслигини яққол кўриш мумкин. У ҳамкорликда ҳаракат қилиб, пахтани тезроқ олиб кетилиши ҳақида фикр юритса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Профессионал билимлар педагогик маҳоратнинг туб асосини ташқил қилади. Педагог билими, бир томондан у дарс бераётган фан тўғрисидаги билимига, иккинчи томондан эса, уни ўзлаштираётган талабаларга қаратилган бўлади. Ўзи дарс бераётган фанни, ўни ўқитиш методикаси, педагогика ва психология фанларидан пухта билимга эга бўлиши, педагог профессионал билимлари мазмунини ташқил этади. Профессионал-педагогик билимларни ўзига хослиги, уларни комплекс ҳарактерга эга бўлиши ва ҳар бир талабада шахсий «оҳанг» касб этишидир.

Профессионал билимлар негизида педагог ҳатти-ҳаракати ва хулқининг асосини ташқил этувчи педагогик принциплар ва қоидалар вужудга келади. Бу принцип ва қоидаларни ҳар бир педагог ўз тажрибасига таянган ҳолда яратади, Лекин уларнинг қонуниятларини илмий билим ёрдамида аниқлайди. Бу билимлар доимо такомиллашиб бориши зарур. Буюк педагог А.Дестервег таъкидлаганидек, «Илмий изланишга интилмаган ўқитувчи таваккалига ишлаш, одийлик ва сохталик каби педагогикадан оздирувчи шайтонлар қаърига маҳкум бўлади».

Педагогик қобилиятлар, педагогик фаолиятни муваффақиятли ўтишига таъсир кўрсатувчи психик жараёнларни қандай кечаётганлигини билдиради. Бир қатор олимларнинг илмий тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, олтита етакчи педагогик қобилиятларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. коммуникативлик (мулоқотга мойиллик), одамларга нисбатан кўнгилчан бўлиш, меҳрибонлик;
2. ақл билан сезиш касбий зийраклик, бошқаларга ҳамдард бўлиш, ички (ҳиссий) сезгирлик;
3. шахснинг ҳаракатчанлиги, иродавий таъсир кўрсатиш ва мантиқий ишонтириш қобилиятлари;
4. ҳиссий барқарорлик-ўзини бошқара олиши;
5. келажакни энг мақбул ҳолда башорат қилиш;
6. касбий мустақиллик-ижод қилиши қобилияти.

Педагогик техника икки турдаги кўникмалар гуруҳидан иборат. Биринчиси-ўзини ўзи (гавдаси, ҳиссий ҳолати ва нутқ техникаси) бошқара олиши, иккинчиси- педагогик вазифаларни ҳал этишда талабалар билан ҳамкорликда ишлашни уддалаш (дидактик, ташкилотчилик малакалари, бевосита таъсир этиш техникаси), бу ҳақда кейинги маърузаларда батафсил тўхталамиз.

Педагогик маҳоратнинг биз юқорида кўриб чиққан таркибий қисмлари, уни системавий ҳарактерга эга эканлигини англатади. Педагогик маҳоратнинг яққол ташқи белгилари: фаолиятни аниқ мақсадга йўналтирилганлиги, вазминлик, мулоҳаза юритиш, талабалар билимини пухталиги, энг мақбул воситаларни танланганлиги, ўз фаолиятига ижодий ёндошуви.

Муҳандис-педагог ўз маҳоратига қуйидаги босқичларда эришиши мумкин:

Психология ва педагогика туркумидаги фанларни чуқур ўрганиш;

Махсус ва умумтехник фанлар, уларни ўқитиш методикасидан пухта билимга эга бўлиш;

Педагогик амалиётда фаол иштирок этиш ва уни самарали ўтказиш;

Ўз фаолиятини доимо таҳлил қилиб, унга нисбатан танқидий муносабатда бўлиш, бошқалар тажрибасини ўрганиш;

Ўз устида мустақил ишлаш, малака ошириш курсларида ўқиб бориш.

МВ

шимча ўз фикрингизни асосланг

Мустақил таълимга оид топшириқлар

1. Педагогика тарихидан хрестоматия тузувчи-муаллиф О. Хасанбоева-Т. : ўқитувчи 1992 йил 208 б. - китобидан А. С. Макаренко фаолиятини ўқиб, конспектлаштириш.

МТ

Қуйидаги матнни ўқиб унга нисбатан ўз муносабатингизни билдиринг.

Муҳандис-педагог фаолиятининг асосий ташкил этувчилари. (компонентлари)

1. Лойиҳалаш:

а) Талабалар имкониятларини ҳисобга олган ҳо лда уларни муваффақиятга элтувчи вазиятлар яратиш;

б) ахборотни иқтидорли ва паст ўзлаштрувчи талабаларга тушунарли қилиб ўзгартира олиш.

2. Конструктсиялаш:

а) машғулот лойиҳасини турли вазиятларда мослаб тўза олиш;

б) дарсда ихчам (гибкий) бўлиш, содир бўлган вазиятга қараб уни қайта кўриш (материални), тушунтириш, ахборотни ўзлаштирилишини таъминлаш.

3. Мулоқотга мойиллик (коммуникативлик)

а) хушмуомила ва талабчан бўлиш;

б) талабаларни жавобгарликни оширадиган вазиятларга дучор қилиш;

в) талабаларни ўзига яқин тутишларига эришиш.

4. Ташкилотчилик:

а) талабалар мустақил билиш фаоиятларини ташқил этиш ва бошқариш;

б) талабалар диққат ва қизиқишларини ўзига жалб қилиш.

5. Гностик (билишга оид):

а) ўзи ва талабалар фаолиятида рўй берадиган қийинчиликларни ташҳислаш, уларни бартараф қилишга ўргатиш;

б) ўз фаолиятини таҳлил қилиш;

в) фаолият натижасини олдиндан яққол тасаввур этиш.

Машғулотдан кўзланган аниқлаштирилган ўқув мақсадларига эришганлигингизни ўзингиз синаб кўринг. Янада юқорироқ балл олиш истагингиз бўлса ушбу маъруза матнига мурожаат қилинг.

2-маъруза. Педагогик мулоқот маданияти ва техникаси

Ўқув модуллари:

1. Педагогик мулоқот ҳақида тушунча, унинг функциялари.

2. Мулоқотнинг индивидуал услуби.

Маъруза бўйича аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу маърузани пухта ўзлаштирганидан сўнг:

- психологик муҳитни яратишни ўрганади;
- ўқитувчи-талаба ўртасида роллар позициясини ўрганади;
- профессионал педагогик мулоқот таркибини (4) санайди;
- Ўқув – тарбиявий жараённи ташаббуслари ва етакчиси тўғрисида тушунча олади;
- мулоқотни педагог томонидан индивидуал услублар. (3та)сини изоҳ лаб беради;
- педагог мулоқотни турларга ажратади ва таркибий қисмларини пухта ўрганади;
- мавзуга оид «Кластер» тузади.

1. Мулоқот-педагог фаолиятини энг муҳим профессионал қуролидир.

Педагогик мулоқот-қулай психологик муҳит яратиш мақсадида ўқитувчининг талаба билан дарс ва ундан ташқаридаги ҳақиқиий мулоқотидир.

Нотўғри педагогк мулоқот талабада қўрқув, ишончсизлик туғдиради, диққати, хотираси ва иш қобилиятини сусайтиради, нутқ меъёрини бузади. Натижада, талабаларда стериотип фикрлар вужудга келади. Уларни ўқишга ва мустақил ўрганишга, фикрлашга бўлган қизиқишлар сусаяди. Оқибат натижада, талабаларда ўқитувчига, унинг фанига нисбатан муайян салбий муносабатлар узоқ вақт шаклланиб қолади.

Педагогик мулоқот ижтимоий-психологик жараён сифатида қуйидаги функциялар билан ҳарактерланади: шахсни ўрганиш (билиш), ахборот алмашиш, фаолиятни ташқил этиш.

Мулоқотни ахборот алмашиш функцияси-маънавий бойлик ва янгиликлар билан ўртоқлашиш жараёнини таъминлаш билан бирга ўқув-тарбиявий жараённи ривожлантириш учун ижобий иштиёқлар. Ҳамкорликда фикрлаш учун шароитлар яратишдан иборат.

Роллар алмашиниши ёрдамида мулоқот ўрнатиш эса, уларда у ёки бу ижтимоий шаклланиб қолган ҳатти-ҳаракатни дастурлайди (ўқитувчи-талаба).

Ижтимоий роллар алмашинуви шахсни ҳар томонлама намоён бўлишини таъминлайди, ниқобни олиб ташлаб бошқа киши ролига кириш ва шу билан инсонни инсон орқали идрок қилиш жараёнига таъсир кўрсатадаи. Ўқитувчилар ўқув-тарбиявий жараёнда шахс-рол шаклидан фойдаланадилар, дарснинг айрим элементларини бажаришга талабаларни таклиф қиладилар, ҳар бир талабани ўқитувчи ролини бажаришга имкон берадилар. Ўз шахси қимматини намоён қилиш ҳам мулоқот функцияси сифатида намоён бўлади. Бунда талабалар томонидан ўз шахси (мен) ни, қадр-қимматини, шахсини муносиб баҳолаш ва келажагини тасаввур эта олиш учун интилишларини таъминлаш ўқитувчининг асосий вазифасидир.

Мулоқотнинг энг муҳим функцияларидан бири-ҳамдард бўлишдир. У бошқа киши ҳиссиётларини тушуниш, бошғалар нуқтаи назарини маъқуллаш қобилиятини шакллантириш жараёнида амалга ошади ва жамоадаги муносабатларни меъёрга келтиради. Бунда талабани, унинг истакларини тушуниш ва бўлар асосида талабага таъсир этиш зарурлиги англаш ўқитувчи учун жуда муҳимдир.

Мулоқот функцияларини билиш ўқитувчилар учун дарс ва ундан ташқарида талабалар билан бўладиган мулоқотларни яхлит жараён сифатида ташкил этишга ёрдам беради.

Дарсга тайёргарлик кўраётганда мулоқотнинг барча функцияларидан комплекс фойдаланишга эришиш зарур. Дарсни режалаштираётганда фақат ахборот бериш ҳақида эмас, балки талабаларнинг ўз шахсини намоён қилишларини ва ўз шахсий қобилиятини ҳам кўрсата олишга шароит яратишни ҳам режалаштириши зарур.

Бунда айниқса, ўқитувчи ёрдамига муҳтож бўлган талабаларга алоҳида эътибор бериш, ҳар бир талабани қизиқтириш усулларини, ҳамкорлик ва ижодкорликка асосланган меҳнатни ташкил этишни олдиндан ўйлаб қўйиш лозим. Мулоқот бўйича йирик мутахассис олим Канн Калик фикрича, профессионал педагогик мулоқот таркиби қуйидагиларлардан иборат:

- синф-гуруҳ билан бўладиган мулоқотни педагог томонидан моделлаш (лойиҳалаш);
- ўзаро таъсир эттиришнинг дастлабки онларида бевосита фаол мулоқот олиб бориш (коммуникатив ҳужум);
- педагогик жараён давомида мулоқотни бошқариш;
- амалга оширилган таҳлил қилиш ва уни келгуси фаолият учун моделлаш.

Мулоқотнинг ҳар бир элементларини муваффақиятли бажариш учун қуйидагиларга эътибор бериш зарур.

Моделлаш босқичи-синф (гуруҳ) талабаларнинг ўзига хос қуйидаги хусусиятларини, уларни билиш қобилиятлари характери, қийинчиликлар эҳтимоллиги, иш суръатини билишни талаб этади.

Дарсга тайёргарлик кўришда унинг мазмунини олдинги дарс мазмуни билан боғлаш ва у фақат ўқитувчи нуқтаи назаридан эмас, балки талаба шахси томонидан ҳам ўйланиб, турли вариантларда тайёрланиши зарур. Бу ҳақда педагогик технологияда батафсил маълумот берилади.

«Коммуникатив ҳужум» - ўз-ўзидан маълум бунда ўқитувчи талабаларни тезда жалб қилиш техникасини билиши, динамик таъсир ва ўзини салобатли қилиб кўрсатиш усулларини эгаллаши зарур.

«Коммуникатив ҳужум» ва «Мия ҳужуми» нинг фарқи нимада?

Мулоқотни бошқариш босқичида талабалар ташаббусини маъқуллаш, диалогик мулоқот олиб бориш, ҳақиқий шароитга мослаб ўз фикрларига тузатишлар киритиш зарур. Ва ниҳоят, мулоқотни таҳлил қилиш-унинг мақсади, мазмуни ва натижасини таққослашдир.

Табиийки, ўқитувчи мулоқотни, ўқув-тарбиявий жараённи ташаббускори ва етакчиси бўлиши зарур. Бунинг учун қуйидагилар тавсия этилади.:

«биз» сезгисини вужудга келтириш;

талабаларга таъсир этишда шахс аспектларини киритиш;

ўзини синф (гуруҳ) ҳақида ижобий фикрга эга эканлигини ҳис эттириш;

фаолиятнинг аниқ мақсадларини кўрсатиш;

талабаларнинг ички ҳиссиётларини тушуниш ва уларга буни сездириши;

айрим талабаларги нисбатан шаклланиб бораётган стериотип фикрларни ўзгартириш.

Буларнинг ҳаммаси ёш ўқитувчи фаолиятида самарали мулоқот ўрнатишда тўсиқларга барҳам беради.

Мулоқотнинг индивидуал услуби

Педагоглар томонидан турли типдаги раҳбарларнинг аниқ ижтимоий-психологик қиёфаси яратилган. Уларнинг жамоа билан мулоқот техникаси доимо таҳлил қилиб борилади. Ўқитувчи ҳам раҳбар сифатида тарбияланувчилар фаолиятини бошқаради, улар билан турли хил мулоқотда бўлади. Мулоқотнинг ўзаро таъсир этиш функциясини эътиборга олган ҳолда раҳбарлик фаолияти уч услубга бўлинади. Бу услублар А.Н.Лутошкин (Ўзини қандай тутмоқ керак) китобида қуйидагича баён этилган:

1. Авторитар услуб-таранг тортилган камон. Бунда талабалар фаолияти, ким-ким билан ўтириши ва ишлашини фақат ўқитувчи белгилайди. Талаба ташаббусини бўғади, уларни ўзига хос қизиқарли оламда яшашларини тан олмайди. Асосан буйруқ, кўрсатма, йўлланма бериш ва ҳайфсан эълон қилиш билан талабаларга таъсир этади. Ҳатто жуда кам айтиладиган ташаккурномани ҳам буйруқ ва нафсониятига тегадиган оҳангда айтилади: «Бугун жуда яхши жавоб бердинг, сендан буни кутмаган эдим?!». Бундай ўқитувчи талабани хатосини кўрганда унинг устидан кулади ва кўп ҳолларда бу хатоларини тузатиш йўлларини кўрсатмайди. Унинг йўқлигида талабалар иш суръати пасаяди ва хатто тўхтаб қолади. Ўқитувчининг фикри бунда кўпроқ бошлиқлик охангида сезилади, бошқалар фикрини қабул қилмайди.

2. Демократик услуб (қайтувчи бумеранг). Бу услубда раҳбар ўқитувчи жамоа фикри асосида ишлайди. Ўқитувчи ўз фаолияти мақсадини ҳар бир талаба онгига сингдиришга интилади, муҳокамада барча талабаларни иштирок этишларини таъминлайди. Ўз вазифасини фақат назорат ва тўзатишлар киритишдан эмас, балки тарбиялашдан иборат деб тушунади. Ҳар бир талаба тақдирланади, унда ўзига ишонч ҳислари туғилади. Ўз-ўзини бошқариш ривожланади. Демократик ўқитувчи ҳар бир талабани қизиқиши ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда иш тақсимлашга ҳаракат қилади, фаол талабаларни тақдирлаб боради, ташаббусга кенг имкон беради. Бундай ўқитувчи талабаларга асосан илтимос, маслаҳат бериш билан мулоқот ўрнатади.

3. Либерал (келишувчи) услуб. Бу анархистик ва кўра-била туриб индамайдиган, талабаларни бебош, тарбиясиз, ялқовликка олиб борувчи услубдир. Ўқитувчи талабалар ҳаёти билан қизиқмайди, унга аралашмайди, жонбозлик кўрсатмайди, масалаларни ҳал қилишга эътиборсиз билан ёндошади, бир-бирига қарама-қарши фикрларни ҳам маъқуллайди, содир бўлаётган воқеаларга жавобгар бўлишдан ўзини олиб қочади. Бундай ўқитувчига ишониш ва унинг ҳақиқий хурматига сазовор бўлиш мумкин эмас.

Юқоридаги фикрларга асосланиб педагогик мулоқотни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- ўзаро ижодий фаолиятга қизиқтиришига асосланган мулоқот;
- ўзаро дўстликка асосланган мулоқот;
- мулоқот-масофа;

- мулоқот-қўрқитиш;
- мулоқот-ҳазил-мутоиба.

Мулоқот маданияти-бошқаларни тушунишга бўлган эҳтиёж ва қобилиятни шакллантириш, ўзини тушунишга эҳтиёж туғдиришдир.

Мулоқотдаги камчиликлар:

- эҳтиётсизлик, шахсиятпарастлик, суҳбатдошини ортиқча мажбурлаш;
- пассивлик, ўзини жуда юқори ва паст қўйиш;
- ҳаддан ташқари жонбозлик кўрсатиш.

МТ

Жисмоний ривожланиш, шахснинг ижтимоий мақоми, моддий таъминот даражаси мулоқот психологиясига таъсир кўрсатади. Бу ҳақда ўйлаб кўринг.

3-маъруза Мавзу: Педагогик такт-педагогик маҳоратнинг бир қисми

Ўқув модуллари

1. Дарсдаги педагогик такт. Такт ва тактика.
2. Педагогик тактнинг амалга ошириш шартлари.
3. Педагогда коммуникатив кўникмаларни ривожланиши.

Маъруза бўйича аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу маърузани пухта ўзлаштирганидан сўнг:

- Педагог мулоқот жараёнида, тактга эга бўлиши;
- Такт маъносини ўтганади ва қўллайди;
- Педагог такт ва тактикани амалга ошириш шартларини ўрганади;
- Педагогик мулоқотда танлашда роллар позициясидан (3та)сидан фойдаланади;
- Педагогда коммуникатив кўникмаларни шакллантиради;
- Педагог коммуникатив малакаларга тавсифнома бера олади;
- Педагогик мулоқотда роллар позициясини қўллашда А.С. Макаренконинг услубидан фойдаланишни билади;
- Мавзуга оид «Кластер» тузади.

1. Дарсдаги педагогик такт. Такт ва тактика.

Олдинги мавзуда айтилганидек, ўқитувчи ва талабанинг мулоқат жараёни талабаларда икки хил ҳиссиёт туғдириши мумкин, фақат ижобий ҳиссиётланган мулоқотгина ҳақиқий тарбиявий характерга эга бўлиши мумкин. Салбий хиссиётлар эса, таъсир кўрсатишнинг оқибат натижаси сифатида эмас, балки ижобий хиссий самарага эришиш йўлидаги хусусий хол сифатида содир бўлиши мумкин (масалан, хурмати кетишидан қўрқиш).

Тажрибаларнинг кўрсатишича ўқитувчида айнан педагогик такт бўлганидагина, талабалар ижобий хиссиётли мулоқот ва психологик боғланиш ўрнатиши мумкин.

Педагогик такт талабларига амал қилган ўқитувчиларга ўзида демократик мулоқот услубини шакллантириш, талабалар билан ҳақиқий мулоқот маданиятига эришиши мумкин.

Такт сўзини айнан маъниоси-тегиб туриш, дахлдор бўлиш демакдир. У одамлар ўртасидаги муносабатларини созлаб турувчи аҳлоқий тоифадир.

Инсонийлик принципига асосланган ҳолда тактли аҳлоқ-энг мураккаб холатларда ҳам инсон хурматини сақлашни талаб этади.

Тактли (одобли) бўлиш-ҳар бир инсон, айниқса камол топаётган ёшлар билан ишлайдиган педагоглар учун муҳим аҳлоқий талабдир. Педагогик такт ўқитувчининг профессионал сифати, педагогик маҳоратининг муҳим қисмидир. Педагогик тактнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у фақат ўқитувчи шахси хусусиятини (хушмуомалалик, талабани севиш, хурмат қилиш) англаш, балки талаба кўнглига тўғри йўл топа олишини ҳам билдиради.

Педагогик такт-бу ўқитувчининг талабага таъсир этиши педагогик жиҳатдан мувофиқлик ўлчови, энг самарали мулоқот услуб ўрнатишига боғлиқдир. Педагогик такт талабалар билан мулоқотда ҳаддан ошиб кетишига йўл қўймайди. Ўқитувчилик фаолиятини ҳарактерлаб К.Д.Ушинский шундай деган эди: «Мактабда ҳазилга йўл қўйувчи, Лекин ҳамма ишни хазилга айлантирмайдиган-жиддийлик, фақат талтайтирмайдиган-эркалатиш, инжиқсизлик-ҳақгўйлик, лоқайдсизлик-хушмуомала, расмият-чиликсиз-тартиб, энг муҳими домио оқилона фаолиятда бўлиши керак». Бундай таъсир кўрсатиш меъёри тарбиявий воситалардан фойдаланишда ҳам намоён бўлади.

Тиббиётдаги дорилар каби ўқитувчининг сўзи ва методи ҳам аниқ ўлчовга, фойдаланиш режимига эга бўлиши керак. У юқори самарали, зўравонликсиз ва олийжаноблик билан қўллаши зарур.

Ўқитувчини талабалар тимсолида барча талабаларни хурмат қилувчи шахсни ифодалаши зарур. Хурматни англаган талабада ўз шахси қимматини сезиш ҳислари вужудга келади, педагогик таъсирга берилмаётган қайсарларни мойиллаштиради-уларни тарбиявий жараён қатнашчиларига айлантиради.

Хурмат қилиш, кўнгилни яқин тутиш, эркалатиш талабчанликни инкор этмайди, балки айнан уни назарда тўтади. Бу ўринда А.С.Макаренконинг: «Инсонни иложи борича кўпроқ хурмат қилиш ва ундан қаттиқроқ талаб қилиш принципига амал қилиш зарур. Бизнинг жамиятда хурмат ва талабчанлик ўзаро органиқ ҳолатда амалга оширилади».

Ўқитувчининг педагогик тактга эга эканлиги, унинг юриш-туришида, вазминлигида, ўзини тўта-билишида намоён бўлади ва талабага ишонч билан қарашни назарда тўтади. Талабага ишончсизлик билан қараш ва буни ҳар доим унга эслатиш ўқитувчининг педагогик тактга эга эмаслигини билдиради.

МС

Мутахассислик фанларида тактни қўллаш мумкинми?

Талабалар ва ўқитувчи ўртасидаги зиддиятларни таҳлил қилиш, унинг асосий сабабларидан бири ўқитувчининг педагогик тактга эга эмаслиги, деб топилган. Талабанинг ташқи кўриниши, ақли, қобилиятларини қўпол танқид қилиш, улар устидан қўлиш, ўқитувчини ҳеч қандай тактга эга эмаслигини белгиларидир. «Намунча питтиллайсан, тагинда мих борми?»-деган танбеҳни айрим ўқитувчилар

одатдагидек ишлатишади. /азабланган ўқитувчи бутун синфга айрим талаба ҳақида, уни кўчада учратганда, ким билан қандай юрганлигини эълон қилади. Кўп ҳолларда айнан шундан зиддиятчилик бошланади.

2. Педагогик тактни амалга ошириш шартлари

Педагогик такт дарснинг ҳамма босқичларида ўқитувчи учун зарурдир. Айниқса, талабалар билимини баҳолашда жуда эътиборли бўлиши керак. Бу такт - талаба жавобини тўла эшитишда, яъни жавоб шакли ва мазмунига диққат билан эътибор беришда, талаба адашганда вазминлик билан тўзатишда, баҳони ҳаққоний қўйиш ва уни изоҳлаб беришир. Албатта «Сен ҳеч нарсани билмайсан!», «Ўтир!», «Ҳар доимдагидек ўқимай келибсан!»- деган аччиқ эътирозлар ўринсиздир.

Моҳир ўқитувчилар ҳатто дудуқланиб жавоб бераётган талабани камчилигини тўғрилаб борадилар. Тактсиз ўқитувчида эса, ҳатто қобилиятли бола ҳам дудуқланиб жавоб беролмаслиги аниқланган.

Барча талабалар, уларни диққат ва хурмат билан тинглайдиган, жавобни тўғрилаб, йўллаб турадиган ўқитувчига жавоб беришни ёқтирадилар. Жавоб бераётган талабага жилмайиш, имо-ишора, бош қимирлатиш билан маъқуллаб туриш жуда аҳамиятлидир.

Айниқса, баҳо қўйиш пайти ниҳоятда масъулиятлидир. Баҳорнинг психологик таъсири ҳақида Б.Г.Ананев: нотўғри қўйилган баҳонинг талабага салбий таъсири уч ойгача сезилиб туришини аниқлаган. Талабалар фаолиятини баҳолашда В.А.Сухамлинский тажрибасидан фойдаланиш жуда эътиборлидир. Унинг баҳолаш системаси асосан қуйидаги икки педагогик асосда яратилган.

1. Болага функционал ёндошиш эмас, балки унга шахс нуқтаи назаридан ёндошиш (талаба бўлгандан кейин ўқиб келиш керакда, деб қараш нотўғри). «Менинг талабаларим, энг аввало инсон, бола, сўнгра эса талабадир. Мен унга қўядиган баҳо унинг билимлари ўлчови эмас, балки менинг унга нисбатан инсоний муносабатимдир».

Баҳо талабани келажакка ишонч руҳида тарбиялаши зарур. У талаба меҳнатини рағбатлантириши, Лекин унинг дангасалиги ва қобилиятсизлиги учун жазолаш воситаси бўлмаслиги зарур.

МВ	Дарсдан ташқари ҳолатда тактни қўллашда сизнинг фикрингиз?

3. Педагогда коммуникатив кўникмаларни шакллантириш

Педагогда коммуникатив кўникмаларни шакллантириш. Педагогик такт-ўқитувчи ҳулқининг ихчам бўлишини, яъни тактикасини ҳам назарда тутади. Чунки ўқитувчи талабалар билан турли ролларда мулоқат қилади. Дарсда аниқлик, уддабуронлик, қатъийлик, агар дарсга тайёр бўлмаса сохта мулоқат ва ҳоказо. Дарсдан ташқари ишларда эркинлик, кўнгилчанлик, бемалоллик-бўлар, айниқса, индивидуал суҳбатда, поход (юриш) ларда, саёҳатларда муҳимдир. Ўйин, кечки дам олиш ва гулхан атрофидаги ўтиришларда эса ўртоқларга муносабат ва ишонч билдириш ниҳоятда муҳимдир. Шунинг учун ҳам мулоқотнинг турли шакллари: йиғилиш, мунозара, бўш вақтни ўтказиш, ўқитувчидан мулоқотнинг ўзига хос

услубидан фойдаланишни, унинг оҳангдорлигини ўзгартириб туришни тақозо қилади.

Мулоқотда тактикани танлаш роллар позициясидан фойдаланиш билан боғлиқдир. А.В.Добрович роллар позицияси уч хил бўлишини исботлаган.

«Юқоридан келиш позицияси»-ўқитувчи ўзининг тўла мустақиллиги жавобгарликни ўз зиммасига олишини намоён қилади. Бу позиция ота-она позицияси деб аталади.

«Пастдан келиш позицияси» - ўқитувчи ўз шахсини мустақил эмас, балки бўйсинувчи ва ўзига ишонмайдиган қилиб кўрсатади. Бу болалар позицияси деб аталади ва талаба мустақиллигини ошириш мақсадида ишлатилади (доскада ўқитувчи атайлаб хатога йўл қўяди).

«Ёнма-ён туриш»-ўқитувчи хушмуомалалигида ва вазминлигида, вазиятга қараб ишлашни билишида, бошқалар ҳолатини тушунишида ва жавобгарликни ўзи ва бошқаларга тақсимлашида ифодаланади. Бу «катталар» позицияси деб аталади (В.А.Кан-Калик 126-бет).

Ўқитувчининг тўғри мулоқот услубини танлаши, ҳар қандай шароитда педагогик тактга амал қилиши, такомиллашган коммуникатив кўникмаларга эга бўлишини талаб қилади. А.Н.Леонтев коммуникатив малакаларга қуйидагича характеристика беради:

ижтимоий перстепция ёки (юзидан уқиб олиш) малакасини эгаллаш;

талабанинг ташқи белгиларига хос равишда унинг шахси, психик ҳолати ва бошқа хусусиятларини моделлаш;

талабалар билан мулоқот пайтида вазмин бўлиши;

нутқни психологик нуқтаи назардан энг мақсадга мувофиқ қилиб тузиш, яъни нутқ мулоқотининг талабалар билан нутқли ва нутқсиз мулоқот қилишни билиш («Советў начинаюҳим педагогам» мустақил ўқиш «Основў педагогического мастерства» стр. 152-154).

Мулоқотда роллар позициясидан унумли фойдаланишга А.С.Макаренконинг кўча безори (опришка) ни қоллектордан қолонияга олиб келишидаги маҳоратини мисол келтириш мумкин.

Уни коллектордан қолонияга боришга ҳеч ким кўндира олмади, ўзим боришга мажбур бўлдим. Мен у кроватда ётган ҳолда эътиборсиз назар ташлаб кўтиб олди.:

- Ҳаммангни жин урсин! Мен ҳеч қаёққа бормайман! Менга унинг қаҳрамонларча ғурури маълум эди. Шунинг учун ҳам мулойимлик билан сўз бошладим:

- Хурматли жаноб, Сизни безовта қилиш мен учун ҳам ноқулай, Лекин мен ўз хизмат бурчимни бажаришга мажбурман. Шунинг учун ҳам ўрнингиздан туриб, сиз учун мўлжалланган экипаждан жой олишингизни илтимос қиламан.

Мени бундай «ажойиб» муомаламдан Опришко дастлаб ҳайратланди, ҳатто кроватдан бироз кўтарилди, Лекин унинг ўжарлиги устун келди ва ўзини ёстиққа отди:

Бормайман дедимми-бормайман! Йўқол!

У ҳолда, хурматли жаноб, маълумингиз бўлсинки, мен сизга нисбатан куч ишлатишга мажбур бўламан!

Буни қаранг-а! Сен қаердан келиб қолдинг? Мени куч билан кўндириш осон деб ўйлаяпсанми?!

Ҳар қалай эътиборга олиб қўйинг

Мен товушимни баланд кўтариб, истеҳзо билан:

«Хурматли Опришко» Ва бирданига унга бақирдим:

Тур ўрнингдан! Нега чузилиб ётибсан. Тезда тайёрлан! Сенга тур деяпман!!! У ўрнидан турди ва дераза томон отилди.

Худо урсин, ҳозир ўзимни деразадан ташлайман!!!

Менга унга хавотир билан қараб шундай дедим:

Ё зудлик билан деразадан ташла ёки арага чиқ! Сен билан ади-бади айтишгани вақтим йўқ!

Биз учинчи қаватда эдик, шунинг учун Опришко шўҳ ва қувноқ кулиб юборди:

Мунча ёпишиб қолдинг! - нима дердим? Сиз Горький қолониясини мудиримисиз?

Ҳа

Шундай демайсизми! Аллақачон жўнаб кетган бўлар эдим! (А.В.Кан-Калик «Учителю о педагогическом обшении» стр. 125-126).

МВ

Шбу педагогик вазиятни таҳлил қилиб, қачон «ота-она», «болалар» ва «ёнма-ён туриш» позициясидан фойдаланилганлигини аниқланг.

4-маъруза Мавзу: Педагогик техникани эгаллаш усуллари

Ўқув модуллари:

1. Педагогик техника-ўқитувчи хулқининг ўзига хос шакли.
2. Педагогнинг ташқи кўриниши ва унинг мақсадли йўналганлиги.
3. Нутқ техникаси

Маъруза бўйича аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу маърузани пухта ўзлаштирганидан сўнг:

- Педагогик техникада қандай усуллар борлигини аниқлайди;
- Педагог ўз хулқини бошқара олиши қобилиятини тушунтира олади;
- Педагогни ташқи кўриниши, шахс ва жамоа таъсир кўрсатиш усулларини санаб беради;
- Педагог ўз-ўзини созлашда энг муҳим (7та) усулдан фойдаланади;
- Мавзуга оид «Сингквейин» тузади.
- Педагог рухий барқарорликни амалга оширишда В.А.Сухомлинский маслахатидан фойдаланиш;
- Педагог дарсда мимика _____ларни қўллаш;
- Педагог нутқ техникасида, нафас олиш ва нафас чиқариш усулларини ўрганиш;
- Педагог товуш, сухандонлик, ритмикаларига катта эътибор бериш.

1. Педагогик техникани эгаллаш усуллари

Педагогик техника усуллар тўплами, нутқ ва мулоқот воситалари эса уни эгаллаш воситаларидир. Педагогика қуйидаги икки гуруҳ йиғиндисидан иборат:

1. Педагог ўз хулқини бошқара олиши:

а) ўз гавдасини бошқара олиши (мимикалар, пантамимикалар);

б) ҳиссёти ва кайфиятини бошқара олиши (ортиқча руҳий

чарчашларни йўқота олиши, ижодий ҳиссиётларни вужудга келтира олиши);

в) ижтимоий-пертсептик қобилиятлари (диққат «юзидан уқиб олиш», кузатувчанлик, тасаввури);

г) нутқ техникаси нафас олиши, овозини тингловчиларга мослашиши, талаффуз тарзи, нутқ суръати.

МВ Юқоридагиларга қўшимча фикрингиз?

2. Педагогнинг ташқи кўриниши ва унинг мақсадли йўналганлиги

Педагогик шахс ва жамоага таъсир кўрсатиши бўлиб, у таълим тарбиявий жараённинг технологиясини очиб беради. Унга педагогни дидактик ташкилотчилик, конструктивлик, коммуникатив кўникмалари, қўйиладиган талабларнинг технологик усуллари, педагогик ишларни ташқил этиш ва бошқалар киради.

Ёш ўқитувчилар педагогик техникасида қуйидаги жузъий камчиликлар учрайди:

1. Талаба ёки унинг ота-онаси билан сидқидилдан сўзлаша олмаслик;
2. /азабни тўхтата олмаслик ёки уни ўз ўрнида ишлата олмаслик;
3. Ўзида ишончсизликни енга олмаслиги;
4. Нутқини равон этмаслик;
5. Ортиқча қаттиқ қўллик;
6. Хушмуомала бўлишдан қўрқиш;
7. Жуда тез гапириш (айниқса дарсда);
8. Ортиқча ҳаракат ёки бир жойда қотиб қолиш, қўлларини қаерга қўйишни билмаслик;
9. Ўз гавдасини тутишдаги камчилик (букчайиб, ерга қараб юриш, бефойда қўлиш, ортиқча ҳаракат) турли жисмларни қўлида айлантириб юриши.

Товушдаги камчиликлар: монотон-бир оҳангни зерикарли, нутқнинг ҳаётий эмаслиги, ифодали ўқиш малакасини йўқлиги (дикстия).

Нутқдаги камчиликлар: аниқ талаффуз тарзининг йўқлиги, хона учун зарур товуш қаттиқлигини танлай билмаслиги.

Юқоридаги камчиликлар ўқитувчи учун талабаларга самарали таъсир этишга ҳалақит беради. Уларга талабалик даврида барҳам бериши, бўлажак муҳандис-педагоглар учун жуда аҳамиятлидир. Бунга махсус машқларни мустақил равишда такрорлаш натижасида эришилади.

Тарбиячининг ташқи кўриниши эстетик жиҳатдан ифодали бўлиши зарур. Ташқи кўринишга бефарқ қараш ҳам, унга ортиқча зеб бериши ҳам тарбиявий ишида зарарлидир.

Ўқитувчи сочининг таралиши, костюми, кийимдаги тақинчоқлар ҳам ҳар доим педагогик мақсад вазифасига-тарбияланувчи шахси шаклланишишга самарали таъсир этишга қаратилган бўлиши керак. У зеб-зийнат тақиб юришга, косметикага хуқуқи бўлса ҳам, меъёрга амал қилиши ва ҳолатни тушуниши зарур. Тарбиячининг эстетик ифодаси унинг юз ифодасидан, очиқ кўнгиллигида, ҳаракатидаги вазминлик ва ихчамлигида, имо-ишорасининг ҳақиқийлиги ва талабага эътиборлилиги, ўз танасини тутишида ва тутишида билиниб туради. Афтини тириштириш, пала-

партишлик, имо-ишоранинг сунъийлиги, бўшангликка йўл қўйиши мумкин эмас. Ҳатто, хонага қандай киришингиз, болаларга қандай қарашингиз, саломлашишингиз, стулни қандай суришингиз, хонада юришингиз-бу «майда-чуйдаларнинг» ҳаммаси сизни болага таъсир кўрсатадиган кучингиздир.

Вазмин, хушмуомала, ўзига ишонган тарбиячи энг кучли тарбиячидир.

МС

Талабаларга ўз ҳиссиётингизни намойиш қилишни доимий деб ҳисоблайсизми?

Ўқитувчининг ташқи кўринишиаг қуйидаги талаблар қўйилади:

а) ўз ҳиссий ҳолатларини бошқара олиши. Педагогнинг талабалар билан бўладиган мулоқоти, расмий характерига эга бўлганлиги учун, «мушаклар сиқилиши», ўзига ишонмаслик, танглик сезгиларини вужудга келтиради. Ўқитувчилар доимо талабалар, ота-оналар ва жамоатчилик назоратида ишлайди. Бу-ўқитувчи фикрининг қатъийлигига, овоз аппарати ҳолатига жисмоний ҳолатига (оёқларнинг қотиб қолиши, қўлларни таёққа ўхшаб қолиши) руҳий ҳолатига (кулгили ҳолда қолиши ўзини уддалай олмайдиган бўлиб кўриниши) таъсир этади. Бўларнинг ҳаммаси бўладиган машғулотга ўзини психофизик нуқтаи назардан мослаш, мулоқат пайтида ўзининнг ҳиссий ҳолатларини бошқара олишини талаб қилади.

Ўзини ростлаш қобилиятини қуйидаги тест ёрдамида текшириб кўриш мумкин:

Сизни кайфиятингиз ва руҳий ҳолатингизга оид қуйидаги саволларга «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобини беринг.

- Сиз доим ўзингизни вазмин тута оласизми?

Сиз табиатан жўшқин кайфиятга эгамисиз?

Синфда дарс ўтаётганингизда ва уйда сиз доимо эътиборли ва сергакмисиз?

Сиз ўз ҳиссиётларингинзни бошқара оласизми?

Сиз яқин кишиларингиз ва ўртоқларингиз билан хушмуомала ва эътиборлимисиз?

Янгиликни жуда тез ўзлаштирасизми?

Сизда қутулиш зарур бўлган зарарли одат йўқми?

- Бирор вазиятдан сўнг сиз «ўзимни яхшироқ тутишим керак эди», деб афсусланмайсизми? «Ҳа» ва «Йўқ» ларни ҳисоблаб, хулоса ясанг. Агар ҳамма жавоблар ижобий бўлса, у сизни вазминлигингизни, ўзингизни бошқара олишингизни ёки ўзингизни юқори баҳолаганингизни билдиради. Агар ҳамма жавоблар салбий бўлса, бу сизни бесарамжонлигингизни, ўзингизга ишона олмаслигингизни, бошқаларга танқидий муносабатда бўлишингизни билдиради.

«Ҳа» ва «Йўқ» лар аралашган жавоб, ўзингизни камчиликларинигизни била олишингизни кўрсатади, бу ўз-ўзини тарбиялашга қўйилган дастлабки қадамдир. Ўз-ўзини созлашни билиш, ўз-ўзини тарбиялаш учун дастлабки йўналишдир.

Ўз-ўзини созлашнинг энг муҳим усуллари қуйидагилардан иборат:

хушмуомалалик ва келажакка ишонч билан қарашни тарбиялаш;

ўз хулқини назорат қилиш (мускуллар зўриқишини ростлаш, ҳаракат, нутқ ва нафас олишни ростлаш);

фаолиятнинг бирор турида ҳордиқ чиқариш (меҳнат терапеяси, мусиқа терапеяси, китоб ўқиш, ҳазил мутоиба);
ўз-ўзини ишонтириш, ихлос қилиш.

Руҳий барқарорликни тарбиялашда В.А.Сухамлинскийнинг қуйидаги фойдали маслаҳатларидан фойдаланиш маъқулдир:

ортиқча бадқовоқ бўлмаслик;

бошқалар нуқсонларини ошириб кўрсатмаслик;

ҳазил мутоиба мойил бўлиш;

хушмуомалали бўлиш ва келажакка ишонч билан қараш.

Бундай сифатларни эгаллаш шартлари қуйидагича: ўз касбини жамиятдаги ўрнини онгли равишда тушуниш, бурч сезгисини устунлиги, педагогик зийраклик, ҳиссий сезувчанлик ҳамда ўзини таҳлил қилиш ва тўғри баҳолаш.

Дарсга тайёргарлик кўраётган ва ўзида ишончсизлик, қўрқинч сезаётган ёш ўқитувчи жисмоний ва руҳий эркинликка эришиш мақсадида қуйидагича релаксатсия сезгиси (тренинг) ни ўтказишлари тавсия этилади.

а) Мен тинчман, мен ишонч билан дарс бераяпман, болалар мени тингламоқдалар. Дарсда ўзимни бемалол ҳис этаман. Мен дарсга пухта тайёрланганман. Дарс қизиқарли, болаларни танийман ва кўриб турибман. Мен дарсни яхши тугатаман. Мен билан бўлиш болалар учун ниҳоятда қизиқарли. Мен ўзимга ишонаман ва тетикман. Мен ўзимни бошқара оламан. Кайфиятим яхши, ўқитиш жуда қизиқарли. Талабалар мени хурмат қиладилар, талабларимни бажарадилар. Дарсдаги меҳнат менга ёқади, мен ўқитувчиман.

б) Пантамимика-бу гавда, қўл ва оёқларнинг ҳаракатидир. У асосий фикрни ажратиб кўрсатишга имкон беради. Яққол қиёфаларни гавдалантиради. Ўқитувчи дарсда талабалар олдида тўғри туриш ҳолатини машқ қилиш керак (оёқлар оралиғи 12-15 см, ўнг оёқ бироз олдинда), барча ҳаракатлар ўзини оддийлиги ва нафислиги билан талабалар эътиборини тортиши зарур. Гавда тутиш эстетикаси: олдинга-орқага тебраниш, оғирликни бир оёқдан иккинчи оёққа ўтказиб туриш, стул суянчиғига таяниб туриш, бошни қашлаш, қўлда бирор буюмни айлантириб туриш, бурунни артиш, қулоқ қашлаш каби зарарли одатларга йўл қўймайди. Ўқитувчи гавдасининг ҳаракати чегарали ва босиқ бўлиши, ортиқча силкиниш ва кескин ҳаракатлардан ҳоли бўлиши зарур.

в) Мимика-юз мускуллари орқали ўз сезгиси, фикри, кайфиятини ифодалашдир. Ўқитувчининг юз ифодаси ва қараши баъзан талабаларга сўздан ҳам қаттиқроқ таъсир кўрсатади. Жест ва мимика ахборотнинг ҳиссий аҳамиятини оширади, уни пухтароқ ўзлаштирилишини таъминлайди. Талабалар ўқитувчи кайфияти ва муносабатини унинг юзидан «уқиб» турадилар. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг юзи, унинг сезгиларини ифодалаш билан бирга, уларни яшириб туриши ҳам муҳимдир. Оила ташвишлари, ташқаридаги келишмовчиликларни дарс пайтида ўқитувчи ўзининг юз ифодасида билдирмаслиги керак. Пиёда юриш, дам олиш, китоб ўқиш билан руҳий зўриқишларни бартараф қилинади. Юз ифодаси ва ҳаракатлар фақат дарс мақсадига, ўқув-тарбиявий ишни яхшилашга йўналтирилиши зарур. Юз ифодасида кўзлар муҳим ўрин тутади. «Жозибасиз кўзлар маъносиз қалбни акс эттиради» (К.С.Станиславский).

Ўқитувчи юз мускулларини ва кўзларини тез-тез ҳаракатлантиришдан, шу билан бирга уларни бирдай қотиб қолишидан эҳтиёт бўлиши керак. Ўқитувчи

нигоҳи талабаларга қаратилган бўлиши, бевосита кўриш контактини вужудга келтириши зарур. Девор, дераза ва шипга қараб туришдан сақланиши зарур. Баоча талабаларни диққат марказида ушлаб туришга интилиши зарур.

Нутқ техникаси

Ўқитувчининг такомиллашган нутққа эга бўлиши, ўқув материалини талабалар томонидан пухта ўзлаштирилишини таъминлаш гаровидир. Болалар ўқитувчи нутқига жуда эътибор берадилар. Бирор ҳарф ёки товушни нотўғри айтилиши қўлгига сабаб бўлади. Бир оҳангдаги нутқ-тезда чарчатади. Индивидуал суҳбат пайтидаги баланд овоздан талаба ўзини алданаётгандек ҳис этади. Бу ўқитувчга ишончсизлик билан қараш ҳисларини уйғотадаи. Айрим мутахассислар товуш ва унинг тембри туғма хусусият деб айтишади. Лекин ҳозирги экспериментал физиология товуш сифатини ўзгартириш мумкинлигини тасдиқлайди. Бугунги кунда нутқ техникаси бўйича бир неча машқ комплекслари шилаб чиқилган. Улар асосан театр педагогикаси тажрибасига асосланган бўлиб, сўзлашиш пайтида нафас олиш, товуш ҳосил қилиш ва уни маъниоли ифодалаш малакаларини такомиллаштиради, бу эса ўқитувчига ўз сўзи мазмунини талабаларга янада тўлақонлироқ қилиб етказишга имкон беради.

а) Нафас олиш. Нафас олиш организмга ҳаёт бағишловчи физиологик функцияни бажаради. Сҳу билан бирга нутқнинг энергия базаси бўлиб ҳам ҳисобланади.

Нутқ сўзлаётганда нафас олиш фонатсион нафас олиш деб аталади (ренго-товуш). Кундалик ҳаётдаги нутқ асосан диалог шаклида бўлади. Шунинг учун ҳам нафас олиш ортиқча қийинчилик туғдирмайди. Дарс давомида ўқитувчи жуда кўп гапиради, янги мавзуни тушунтиради, маърўза ўқийди. Агар ўқитувчи нафас олиш техникасини яхши эгалламаган бўлса, унинг қон томирларини уриши тезлашиб, юзини қизариб кетиши, нафас қисиши содир бўлиши мумкин.

Қайси мушакларнинг иштирок этишига қараб нафас олиш 4 турга бўлинади:

Юқори нафас олиш-елкаларни кўтарилиб тушиши ва кўкрак қафасининг юқори қисми иштирокида ҳосил қилинади. Бу бўш, юзаки нафас олиш бўлиб, унда фақат ўпканинг юқори қисми иштирок этади;

Кўкрак қафасоқовурғалар ўртасидаги мушаклар ёрдамида ҳосил қилинади. Бунда кўпроқ нафаснинг кўндаланг ҳажми ўзгаради. Диафрагма кам ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам нафас чиқариш кучсиз бўлади.

Диафрагма иштирокидаги нафас-кўкрак қафаснинг бўйлама ҳажмини ортиши ҳисобига вужудга келади. Бунда диафрагма қисқаради.

Диафрагма-қовурғали нафас-диафрагманинг қисқариши, қовурғачалар оралиғидаги нафас мушаклар ҳамда қорин мушаклари иштирокида вужудга келади.

б) Товуш-чиқарилган ҳавони ҳиқилдоқдан ўтиш пайтида овоз пардаларнинг тебраниши натижасида вужудга келади. Товуш ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан ҳарактерланади:

товуш кучи-товуш аппарати органларининг фаол ишлашига боғлиқ. Чиқарилаётган ҳаво оқимининг товуш тирқишига бўлган босими қанча катта бўлса, товуш ҳам шунча кучли бўлади;

товуш пардози-товушни ўзоқ масофага узатилиши ва қаттиқлигини созлай олишини билдиради;

товушнинг ихчамлиги ва ҳаракатчанлиги-унинг мазмунига, тингловчиларга мослаб ўзгартира олиш қобилиятини билдиради;

диапазон-товуш ҳажми бўлиб, унинг чегараси энг юқори ва қуйи оҳанглар билан белгиланади. Диапазоннинг қисқариши нутқни бир оҳангли (зеркарли) бўлиб қолишига сабаб бўлади. Бир оҳангда гапириш ахборотни идрок қилишни сусайтиради, уйқуни келтиради.

тембр-товуш рангдорлиги, ёрқинлиги ҳамда унинг юмшоқлиги ва алоҳидалигидир.

в) диктсия-аниқ талаффуз қилиш. Талаффузнинг аниқлиги ўқитувчи учун профессионал зарурат бўлиб, ўқитувчи нутқини талабалар томонидан тўғри тушунилишини таъминлайди. Талаффузнинг аниқлиги айтилаётган сўз, бўғин ва товушларнинг қатъий аниқлигидир. У нутқ аппарати барча аъзоларини (лаблар, жағ, тишлар, юмшоқ ва қаттиқ танглай, кичик тил, кёкирдак, томоқ орқа девори, товуш найчалари) биргаликда ишлашига боғлиқдир. Тил, лаблар, юмшоқ танглай, кичик тил, ва пастки жағ нутқда фаол иштирок этади. Шунинг учун ҳам уларни машқ қилдириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Аниқ талаффуз қилишни такомиллаштириш-артикулястия-нутқ органларини ҳаракатлантириш орқали вужудга келтирилади. Артикулястия гимнастикаси икки турга бўлинади. Биринчиси нутқ аппаратини дастлабки машқлари ва иккинчиси ҳар бир унли ва ундош товушларни тўғри айтишга ўргатувчи машқлар (ифодали ўқиш, тез айтишлар).

г) Ритмика-бу айрим сўз ва бўғинларнинг айтилиш муддати ва тўхталиши, нутқ ва ифодаларнинг навбат билан ўз ўрнида ишлатилишини билдиради.

Ритм нутқнинг энг асосий қисмидир, чунки «Нутқ оҳанги» ва тўхтамлар ҳам тингловчиларга беихтиёр ўзгача ҳиссий тасир кўрсатади. К.С.Станиславский «Қуруқ сўз» новдан тушаётган нўхатдек ёпирилиб чиқади, маъноли сўз эса худди симоб тўлдирилган шарча каби аста-сёкин шаклланади. Берилаётган билимларнинг қийин қисмини ўқитувчи аста-секин тушунтиради ва сўнгра янада тезроқ гапиришга ўтиши мумкин.

МТ

Нутқ техникасига эришиш учун хафтасига 15 км тоза ҳавода югуриш натижаси?

5-маъруза Мавзу: Комммуникатив таъсир кўрсатишнинг ўзига хослиги

Ўқув модуллари:

1. Кишиларнинг ўзаро таъсир этиш усуллари
2. Коммуникатив ўзаро таъсир самарасини оширувчи воситалар
3. Педагогик мулоқот ўзаро таъсир кўрсатишдир.

Маъруза бўйича аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу маърузани пухта ўзлаштирганидан сўнг:

- Талаба кишиларни ўзаро таъсир кўрсатишини 4 та вазиятини аниқлайди;
- Коммуникатив ўзаро таъсир этиш омилларини ўрганади;
- Талаба нутқ орқали таъсир кўрсатишда психологик холатини хис қилади;
- Педагогик муносабатларнинг бошланғич даврида коммуникатив ташаббускорлик;
-Педагогик мулоқотда (4 та) қатламни санайди;
- Дарсда талабалар билан доимий мулоқотда бўлганда схемаларда фойдаланади;
- Мулоқотни такомиллаштиришда (12 та) қоидасини ёддан билади;

4-маъруза Мавзу: Педагогик техникани эгаллаш усуллари
Ўқув модуллари:

1. Педагогик техника-ўқитувчи хулқининг ўзига хос шакли.
2. Педагогнинг ташқи кўриниши ва унинг мақсадли йўналганлиги.
3. Нутқ техникаси

Маъруза бўйича аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу маърузани пухта ўзлаштирганидан сўнг:

- Педагогик техникада қандай усуллар борлигини аниқлайди;

- Педагог ўз хулқини бошқара олиши қобилиятини тушунтира олади;
- Педагогни ташқи кўриниши, шахс ва жамоа таъсир кўрсатиш усулларини санаб беради;
- Педагог ўз-ўзини созлашда энг муҳим (7та) усулдан фойдаланади;
- Мавзуга оид «Сингквейин» тузади.
- Педагог рухий барқарорликни амалга оширишда В.А.Сухомлинский маслахатидан фойдаланиш;
- Педагог дарсда мимика _____ларни қўллаш;
- Педагог нутқ техникасида, нафас олиш ва нафас чиқариш усулларини ўрганиш;
- Педагог товуш, сухандонлик, ритмикаларига катта эътибор бериш.

1. Педагогик техникани эгаллаш усуллари

Педагогик техника усуллар тўплами, нутқ ва мулоқот воситалари эса уни эгаллаш воситаларидир. Педагогика қуйидаги икки гуруҳ йиғиндисидан иборат:

1. Педагог ўз хулқини бошқара олиши:
   а) ўз гавдасини бошқара олиши (мимикалар, пантамимикалар);
   б) ҳиссёти ва кайфиятини бошқара олиши (ортиқча руҳий чарчашларни йўқота олиши, ижодий ҳиссиётларни вужудга келтира олиши);
   в) ижтимоий-пертсептик қобилиятлари (диққат «юзидан уқиб олиш», кузатувчанлик, тасаввури);
   г) нутқ техникаси нафас олиши, овозини тингловчиларга мослашиши, талаффуз тарзи, нутқ суръати.

МВ

Оқоридагиларга қўшимча фикрингиз?

2. Педагогнинг ташқи кўриниши ва унинг мақсадли йўналганлиги

Педагогик шахс ва жамоага таъсир кўрсатиши бўлиб, у таълим тарбиявий жараённинг технологиясини очиб беради. Унга педагогни дидактик ташкилотчилик, конструктивлик, коммуникатив кўникмалари, қўйиладиган талабларнинг технологик усуллари, педагогик ишларни ташқил этиш ва бошқалар киради.

Ёш ўқитувчилар педагогик техникасида қуйидаги жузъий камчиликлар учрайди:

1. Талаба ёки унинг ота-онаси билан сидқидилдан сўзлаша олмаслик;
2. /азабни тўхтата олмаслик ёки уни ўз ўрнида ишлата олмаслик;
3. Ўзида ишончсизликни енга олмаслиги;
4. Нутқини равон этмаслик;
5. Ортиқча қаттиқ қўллик;
6. Хушмуомала бўлишдан қўрқиш;
7. Жуда тез гапириш (айниқса дарсда);
8. Ортиқча ҳаракат ёки бир жойда қотиб қолиш, қўлларини қаерга қўйишни билмаслик;
9. Ўз гавдасини тутишдаги камчилик (букчайиб, ерга қараб юриш, бефойда қўлиш, ортиқча ҳаракат) турли жисмларни қўлида айлантириб юриши.

Товушдаги камчиликлар: монотон-бир оҳангни зерикарли, нутқнинг ҳаётий эмаслиги, ифодали ўқиш малакасини йўқлиги (дикстия).

Нутқдаги камчиликлар: аниқ талаффуз тарзининг йўқлиги, хона учун зарур товуш қаттиқлигини танлай билмаслиги.

Юқоридаги камчиликлар ўқитувчи учун талабаларга самарали таъсир этишга ҳалақит беради. Уларга талабалик даврида барҳам бериши, бўлажак муҳандис-педагоглар учун жуда аҳамиятлидир. Бунга махсус машқларни мустақил равишда такрорлаш натижасида эришилади.

Тарбиячининг ташқи кўриниши эстетик жиҳатдан ифодали бўлиши зарур. Ташқи кўринишга бефарқ қараш ҳам, унга ортиқча зеб бериши ҳам тарбиявий ишида зарарлидир.

Ўқитувчи сочининг таралиши, костюми, кийимдаги тақинчоқлар ҳам ҳар доим педагогик мақсад вазифасига-тарбияланувчи шахси шаклланишишга самарали таъсир этишга қаратилган бўлиши керак. У зеб-зийнат тақиб юришга, косметикага ҳуқуқи бўлса ҳам, меъёрга амал қилиши ва ҳолатни тушуниши зарур. Тарбиячининг эстетик ифодаси унинг юз ифодасидан, очиқ кўнгиллигида, ҳаракатидаги вазминлик ва ихчамлигида, имо-ишорасининг ҳақиқийлиги ва талабага эътиборлилиги, ўз танасини тутишида ва тутишида билиниб туради. Афтини тириштириш, пала-партишлик, имо-ишоранинг сунъийлиги, бўшангликка йўл қўйиши мумкин эмас. Ҳатто, хонага қандай киришингиз, болаларга қандай қарашингиз, саломлашишингиз, стулни қандай суришингиз, хонада юришингиз-бу «майда-чуйдаларнинг» ҳаммаси сизни болага таъсир кўрсатадиган кучингиздир.

Вазмин, хушмуомала, ўзига ишонган тарбиячи энг кучли тарбиячидир.

МС

Талабаларга ўз ҳиссиётингизни намойиш қилишни доимий деб ҳисоблайсизми?

Ўқитувчининг ташқи кўринишиаг қуйидаги талаблар қўйилади:

а) ўз ҳиссий ҳолатларини бошқара олиши. Педагогнинг талабалар билан бўладиган мулоқоти, расмий характерига эга бўлганлиги учун, «мушаклар сиқилиши», ўзига ишонмаслик, танглик сезгиларини вужудга келтиради. Ўқитувчилар доимо талабалар, ота-оналар ва жамоатчилик назоратида ишлайди. Бу-ўқитувчи фикрининг қатъийлигига, овоз аппарати ҳолатига жисмоний ҳолатига (оёқларнинг қотиб қолиши, қўлларни таёққа ўхшаб қолиши) руҳий ҳолатига (кулгили ҳолда қолиши ўзини уддалай олмайдиган бўлиб кўриниши) таъсир этади. Бўларнинг ҳаммаси бўладиган машғулотга ўзини психофизик нуқтаи назардан мослаш, мулоқат пайтида ўзининнг ҳиссий ҳолатларини бошқара олишини талаб қилади.

Ўзини ростлаш қобилиятини қуйидаги тест ёрдамида текшириб кўриш мумкин:

Сизни кайфиятингиз ва руҳий ҳолатингизга оид қуйидаги саволларга «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобини беринг.

- Сиз доим ўзингизни вазмин тута оласизми?

Сиз табиатан жўшқин кайфиятга эгамисиз?

Синфда дарс ўтаётганингизда ва уйда сиз доимо эътиборли ва сергакмисиз?

Сиз ўз ҳиссиётларингинзни бошқара оласизми?

Сиз яқин кишиларингиз ва ўртоқларингиз билан хушмуомала ва эътиборлимисиз?

Янгиликни жуда тез ўзлаштирасизми?

Сизда қутулиш зарур бўлган зарарли одат йўқми?

- Бирор вазиятдан сўнг сиз «ўзимни яхшироқ тутишим керак эди», деб афсусланмайсизми? «Ҳа» ва «Йўқ» ларни ҳисоблаб, хулоса ясанг. Агар ҳамма жавоблар ижобий бўлса, у сизни вазминлигингизни, ўзингизни бошқара олишингизни ёки ўзингизни юқори баҳолаганингизни билдиради. Агар ҳамма жавоблар салбий бўлса, бу сизни бесарамжонлигингизни, ўзингизга ишона олмаслигингизни, бошқаларга танқидий муносабатда бўлишингизни билдиради.

«Ҳа» ва «Йўқ» лар аралашган жавоб, ўзингизни камчиликларинигизни била олишингизни кўрсатади, бу ўз-ўзини тарбиялашга қўйилган дастлабки қадамдир. Ўз-ўзини созлашни билиш, ўз-ўзини тарбиялаш учун дастлабки йўналишдир.

Ўз-ўзини созлашнинг энг муҳим усуллари қуйидагилардан иборат:

хушмуомалалик ва келажакка ишонч билан қарашни тарбиялаш;

ўз хулқини назорат қилиш (мускуллар зўриқишини ростлаш, ҳаракат, нутқ ва нафас олишни ростлаш);

фаолиятнинг бирор турида ҳордиқ чиқариш (меҳнат терапеяси, мусиқа терапеяси, китоб ўқиш, ҳазил мутоиба);

ўз-ўзини ишонтириш, ихлос қилиш.

Руҳий барқарорликни тарбиялашда В.А.Сухамлинскийнинг қуйидаги фойдали маслаҳатларидан фойдаланиш маъқулдир:

ортиқча бадқовоқ бўлмаслик;

бошқалар нуқсонларини ошириб кўрсатмаслик;

ҳазил мутоиба мойил бўлиш;

хушмуомалали бўлиш ва келажакка ишонч билан қараш.

Бундай сифатларни эгаллаш шартлари қуйидагича: ўз касбини жамиятдаги ўрнини онгли равишда тушуниш, бурч сезгисини устунлиги, педагогик зийраклик, ҳиссий сезувчанлик ҳамда ўзини таҳлил қилиш ва тўғри баҳолаш.

Дарсга тайёргарлик кўраётган ва ўзида ишончсизлик, қўрқинч сезаётган ёш ўқитувчи жисмоний ва руҳий эркинликка эришиш мақсадида қуйидагича релаксатсия сезгиси (тренинг) ни ўтказишлари тавсия этилади.

а) Мен тинчман, мен ишонч билан дарс бераяпман, болалар мени тингламоқдалар. Дарсда ўзимни бемалол ҳис этаман. Мен дарсга пухта тайёрланганман. Дарс қизиқарли, болаларни танийман ва кўриб турибман. Мен дарсни яхши тугатаман. Мен билан бўлиш болалар учун ниҳоятда қизиқарли. Мен ўзимга ишонаман ва тетикман. Мен ўзимни бошқара оламан. Кайфиятим яхши, ўқитиш жуда қизиқарли. Талабалар мени хурмат қиладилар, талабларимни бажарадилар. Дарсдаги меҳнат менга ёқади, мен ўқитувчиман.

б) Пантамимика-бу гавда, қўл ва оёқларнинг ҳаракатидир. У асосий фикрни ажратиб кўрсатишга имкон беради. Яққол қиёфаларни гавдалантиради. Ўқитувчи дарсда талабалар олдида тўғри туриш ҳолатини машқ қилиш керак (оёқлар оралиғи 12-15 см, ўнг оёқ бироз олдинда), барча ҳаракатлар ўзини оддийлиги ва нафислиги билан талабалар эътиборини тортиши зарур. Гавда тутиш эстетикаси: олдинга-орқага тебраниш, оғирликни бир оёқдан иккинчи оёққа ўтказиб туриш, стул суянчиғига таяниб туриш, бошни қашлаш, қўлда бирор буюмни айлантириб туриш,

бурунни артиш, қулоқ қашлаш каби зарарли одатларга йўл қўймайди. Ўқитувчи гавдасининг ҳаракати чегарали ва босиқ бўлиши, ортиқча силкиниш ва кескин ҳаракатлардан ҳоли бўлиши зарур.

в) Мимика-юз мускуллари орқали ўз сезгиси, фикри, кайфиятини ифодалашдир. Ўқитувчининг юз ифодаси ва қараши баъзан талабаларга сўздан ҳам қаттиқроқ таъсир кўрсатади. Жест ва мимика ахборотнинг ҳиссий аҳамиятини оширади, уни пухтароқ ўзлаштирилишини таъминлайди. Талабалар ўқитувчи кайфияти ва муносабатини унинг юзидан «уқиб» турадилар. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг юзи, унинг сезгиларини ифодалаш билан бирга, уларни яшириб туриши ҳам муҳимдир. Оила ташвишлари, ташқаридаги келишмовчиликларни дарс пайтида ўқитувчи ўзининг юз ифодасида билдирмаслиги керак. Пиёда юриш, дам олиш, китоб ўқиш билан руҳий зўриқишларни бартараф қилинади. Юз ифодаси ва ҳаракатлар фақат дарс мақсадига, ўқув-тарбиявий ишни яхшилашга йўналтирилиши зарур. Юз ифодасида кўзлар муҳим ўрин тутади. «Жозибасиз кўзлар маъносиз қалбни акс эттиради» (К.С.Станиславский).

Ўқитувчи юз мускулларини ва кўзларини тез-тез ҳаракатлантиришдан, шу билан бирга уларни бирдай қотиб қолишидан эҳтиёт бўлиши керак. Ўқитувчи нигоҳи талабаларга қаратилган бўлиши, бевосита кўриш контактини вужудга келтириши зарур. Девор, дераза ва шипга қараб туришдан сақланиши зарур. Баоча талабаларни диққат марказида ушлаб туришга интилиши зарур.

Нутқ техникаси

Ўқитувчининг такомиллашган нутққа эга бўлиши, ўқув материалини талабалар томонидан пухта ўзлаштирилишини таъминлаш гаровидир. Болалар ўқитувчи нутқига жуда эътибор берадилар. Бирор ҳарф ёки товушни нотўғри айтилиши қўлгига сабаб бўлади. Бир оҳангдаги нутқ-тезда чарчатади. Индивидуал суҳбат пайтидаги баланд овоздан талаба ўзини алданаётгандек ҳис этади. Бу ўқитувчга ишончсизлик билан қараш ҳисларини уйғотадаи. Айрим мутахассислар товуш ва унинг тембри туғма хусусият деб айтишади. Лекин ҳозирги экспериментал физиология товуш сифатини ўзгартириш мумкинлигини тасдиқлайди. Бугунги кунда нутқ техникаси бўйича бир неча машқ комплекслари шилаб чиқилган. Улар асосан театр педагогикаси тажрибасига асосланган бўлиб, сўзлашиш пайтида нафас олиш, товуш ҳосил қилиш ва уни маъниоли ифодалаш малакаларини такомиллаштиради, бу эса ўқитувчига ўз сўзи мазмунини талабаларга янада тўлақонлироқ қилиб етказишга имкон беради.

а) Нафас олиш. Нафас олиш организмга ҳаёт бағишловчи физиологик функцияни бажаради. Сҳу билан бирга нутқнинг энергия базаси бўлиб ҳам ҳисобланади.

Нутқ сўзлаётганда нафас олиш фонатсион нафас олиш деб аталади (ренго-товуш). Кундалик ҳаётдаги нутқ асосан диалог шаклида бўлади. Шунинг учун ҳам нафас олиш ортиқча қийинчилик туғдирмайди. Дарс давомида ўқитувчи жуда кўп гапиради, янги мавзуни тушунтиради, маърўза ўқийди. Агар ўқитувчи нафас олиш техникасини яхши эгалламаган бўлса, унинг қон томирларини уриши тезлашиб, юзини қизариб кетиши, нафас қисиши содир бўлиши мумкин.

Қайси мушакларнинг иштирок этишига қараб нафас олиш 4 турга бўлинади:

Юқори нафас олиш-елкаларни кўтарилиб тушиши ва кўкрак қафасининг юқори қисми иштирокида ҳосил қилинади. Бу бўш, юзаки нафас олиш бўлиб, унда фақат ўпканинг юқори қисми иштирок этади;

Кўкрак қафасоқовурғалар ўртасидаги мушаклар ёрдамида ҳосил қилинади. Бунда кўпроқ нафаснинг кўндаланг ҳажми ўзгаради. Диафрагма кам ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам нафас чиқариш кучсиз бўлади.

Диафрагма иштирокидаги нафас-кўкрак қафаснинг бўйлама ҳажмини ортиши ҳисобига вужудга келади. Бунда диафрагма қисқаради.

Диафрагма-қовурғали нафас-диафрагманинг қисқариши, қовурғачалар оралиғидаги нафас мушаклар ҳамда қорин мушаклари иштирокида вужудга келади.

б) Товуш-чиқарилган ҳавони ҳиқилдоқдан ўтиш пайтида овоз пардаларнинг тебраниши натижасида вужудга келади. Товуш ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан ҳарактерланади:

товуш кучи-товуш аппарати органларининг фаол ишлашига боғлиқ. Чиқарилаётган ҳаво оқимининг товуш тирқишига бўлган босими қанча катта бўлса, товуш ҳам шунча кучли бўлади;

товуш пардози-товушни ўзоқ масофага узатилиши ва қаттиқлигини созлай олишини билдиради;

товушнинг ихчамлиги ва ҳаракатчанлиги-унинг мазмунига, тингловчиларга мослаб ўзгартира олиш қобилиятини билдиради;

диапазон-товуш ҳажми бўлиб, унинг чегараси энг юқори ва қуйи оҳанглар билан белгиланади. Диапазоннинг қисқариши нутқни бир оҳангли (зеркарли) бўлиб қолишига сабаб бўлади. Бир оҳангда гапириш ахборотни идрок қилишни сусайтиради, уйқуни келтиради.

тембр-товуш рангдорлиги, ёрқинлиги ҳамда унинг юмшоқлиги ва алоҳидалигидир.

в) диктсия-аниқ талаффуз қилиш. Талаффузнинг аниқлиги ўқитувчи учун профессионал зарурат бўлиб, ўқитувчи нутқини талабалар томонидан тўғри тушунилишини таъминлайди. Талаффузнинг аниқлиги айтилаётган сўз, бўғин ва товушларнинг қатъий аниқлигидир. У нутқ аппарати барча аъзоларини (лаблар, жағ, тишлар, юмшоқ ва қаттиқ танглай, кичик тил, кёкирдак, томоқ орқа девори, товуш найчалари) биргаликда ишлашига боғлиқдир. Тил, лаблар, юмшоқ танглай, кичик тил, ва пастки жағ нутқда фаол иштирок этади. Шунинг учун ҳам уларни машқ қилдириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Аниқ талаффуз қилишни такомиллаштириш-артикулястия-нутқ органларини ҳаракатлантириш орқали вужудга келтирилади. Артикулястия гимнастикаси икки турга бўлинади. Биринчиси нутқ аппаратини дастлабки машқлари ва иккинчиси ҳар бир унли ва ундош товушларни тўғри айтишга ўргатувчи машқлар (ифодали ўқиш, тез айтишлар).

г) Ритмика-бу айрим сўз ва бўғинларнинг айтилиш муддати ва тўхталиши, нутқ ва ифодаларнинг навбат билан ўз ўрнида ишлатилишини билдиради.

Ритм нутқнинг энг асосий қисмидир, чунки «Нутқ оҳанги» ва тўхтамлар ҳам тингловчиларга беихтиёр ўзгача ҳиссий тасир кўрсатади. К.С.Станиславский «Қуруқ сўз» новдан тушаётган нўхатдек ёпирилиб чиқади, маъноли сўз эса худди симоб тўлдирилган шарча каби аста-сёкин шаклланади. Берилаётган билимларнинг

қийин қисмини ўқитувчи аста-секин тушунтиради ва сўнгра янада тезроқ гапиришга ўтиши мумкин.

МТ

Нутқ техникасига эришиш учун хафтасига 15 км тоза ҳавода югуриш натижаси?

5-маъруза Мавзу: Комммуникатив таъсир кўрсатишнинг ўзига хослиги

Ўқув модуллари:

1. Кишиларнинг ўзаро таъсир этиш усуллари
2. Коммуникатив ўзаро таъсир самарасини оширувчи воситалар
3. Педагогик мулоқот ўзаро таъсир кўрсатишдир.

Маъруза бўйича аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу маърузани пухта ўзлаштирганидан сўнг:

- Талаба кишиларни ўзаро таъсир кўрсатишини 4 та вазиятини аниқлайди;
- Коммуникатив ўзаро таъсир этиш омилларини ўрганади;
- Талаба нутқ орқали таъсир кўрсатишда психологик холатини хис қилади;
- Педагогик муносабатларнинг бошланғич даврида коммуникатив ташаббускорлик;
-Педагогик мулоқотда (4 та) қатламни санайди;
- Дарсда талабалар билан доимий мулоқотда бўлганда схемаларда фойдаланади;
- Мулоқотни такомиллаштиришда (12 та) қоидасини ёддан билади;

1. Кишиларнинг ўзаро таъсир этиш усуллари

Кишиларнинг ўзаро таъсир этишдаги барча вазиятлар, асосан тўртта ўзаро боғлиқ муносабатлар орқали амалга оширилади: ишонтириш, ўзига ром қила олиш, тақлид қилиш, уқтириш.

Ишонтириш-бу бирор фикр ёки хулосани мантиқий асослашдир. Ишонтириш суҳбатдош ёки гуруҳ онгини ўзгартириб, маълум фикр (нуқтаи назарни) қўллаб- қувватлайдиган ва унинг асосида фаолият кўрсатишни назарда тутади.

Сўз билан ишонтириш энг қийин тарбиявий воситалардир. Бунда тингловчилар фикрини ўзгартира оладиган мантиқ ёки суҳбат оҳангини танлаш жуда муҳимдир. Психолог А. Г. Ковалев ишонтиришни сафсата ўқиш билан аралаштириш ёки унга тенглаштиришга йўл қўймаслик зарур деб огоҳлантиради. Ишонтиришда вазият исботланади, сафсатабозликда эса?!

"Уялмайсанми?" "Ҳар ким... билиши зарур!" шаклларда расмий равишда агапирилади (Декларатив ҳолат). Сафсатабозликда, у кимнинг номига ўқилаётганлиги маълум бўлади. Шунинг учун ҳам суҳбатдошлар бундай таъсир кўрсатишга, истеҳзоли, кўпинча эса жирканиброқ қарайдилар.

Ишонтириш-ишонтирувчи ахборотнинг мазмунли бўлиши, тингловчи эса унга онгли муносабатда бўлишини назарда тутади.

Тақлид қилиш-инсон руҳиятини ўзига ром қилишнинг бир туридир. У асосан индивиднинг маълум бир ҳулқ-атвор, ҳаракат тарзи, қилиқлари такрорлашини англатади. Машҳур психотерапевт В. Л. Леви ички ва ташқи тақлид қилиш мавжудлигини аниқлаган. У ички тақлид қилишда бошқа киши сезги мантиғи ва хулқи интуитив (онг билан сезиш) равишда қамраб олинади, деб ҳисоблайди.

Ички тақлид қилишда кишининг ташқи қиёфаси ҳам ҳисобга олинади, Лекин улар табиийдек туюлади. Ахир биз ихтиёрий киши билан мулоқотда бўлганимизда, уни хаёлан ифодалай олишимиздан кўпроқ маълумотни ўзимизга оламиз, ва сезамиз (текст Аникеева стр. 7). Ички ва ташқи тақлид қилишни билиш ёш ўқитувчига ўз устида ишлашга ёрдам беради.

Уқтириш-бу бир кишини иккинчи кишига ёки кишилар гуруҳига руҳий таъсир этиши бўлиб, унда сўз ифода ва фикрларни ҳеч қандай танқид аломатисиз эркин тушунтирилади. Фанда таъкидланганидек, уқтиришнинг моҳиятии тингловчининг сўзловчига нисбатан тўла ишонч билдиришдир. Бу ҳолда сўзловчи тингловчида айнан ўзидаги тасаввур, қиёфа ва сезгиларни гавдалантиради-ю натижада унинг олдида тўла ишонч қозонади.

Уқтириб таъсир этишнинг асосий шакли бир томондан ахборот мамбаи созловчининг обрўга эга бўлиши, иккинчи томондан эса тингловчида ишонч ҳосил қилиши, ҳеч бўлмаганда, таъсир кўрсатишга қаршилик билдирмаслигига эришишдир. Мана шунга амал қилгандагина уқтиришни муваффақиятли амалга ошириш мумкин (текст Аникеева стр. 9).

Уқтириш, кишиларнинг мулоқотда ўзаро таъсир этиш жараёни сифатида ихтиёрий ва ихтиёрсиз тўғридан-тўғри кўринишга эга бўлиши мумкин. Педагогик жиҳатдан тўғри қўлланган уқтириш жуда катта тарбиявий кучга эга бўлиши мумкин.

МТ	Тақлид қилишда ўқитувчи, актёр билан фарқини кўрсатинг

Коммуникатив ўзаро таъсир этиш самарасини оширувчи омиллар

Мулоқот техникасини билиш ўқитувчига ҳар бир вазиятда ўз ҳатти-ҳаракатларини тўғри ташкил этишига ёрдам беради. Ўзаро таъсир учун танланган нотўғри педагогик ҳатти-ҳаракат ёки нотўғри мулоқот шаклини қўлланилиши, яъни мулоқотга уни амалга ошириш нуқтаи назардан тайёрланмаганлик, ўқитувчи ва талаба ўртасида келишмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Коммуникатив ўзаро таъсир самарадорлигини оширувчи қуйидаги воситаларга тўхталиб ўтамиз: мулоқотга мослашиш мушакларнинг сафарбарлиги, ташаббускорлик, роллар позициясидан оқилона фойдаланиш, имо-ишора, ҳар бир фикрни олдингисига нисбатан баландроқ товуш билан бошлаш, мулоқотнинг кўп қатламлигини эътиборга олиш.

Мулоқотга мослашиш-ибораси К. С. Станиславский томонидан киритилган бўлиб, у ҳал этилаётган масала ва педагогик вазият хусусига мослашган руҳий мимика ва пантамимика, нутқ ва ҳаракат усуллари системасини танлаб мулоқот таркибини ташқил этишни англатади. Инсоний мулоқатнинг ҳар қандай акти

объектга мослашлар системасидан иборат бўлади. Профессионал коммуникатсияда мослашиш ўзаро таъсир этиш самарасини оширади.

М. О. Кнебил мослашишни "кишилар мулоқотининг ички ва ташқи шакли" деб тасвирлайди, бунда у бир-бирига қўллайдиган руҳий юришларни бир кишининг иккинчисига таъсир этиш танланувчанлик хусусиятига эга эканлигини назарда тўтади. Бу ҳақда А. С. Макаренко "Мен бери кел" ни 15-20 оҳангда айтишга ўрганганимда, ва юз ифодам, гавда ва товушимни 20 дан ортиқ, ҳолатга солишга муваффақ бўлганимдагина ўзимни ҳақиқий маҳоратимни сеза бошладим. Шундагина кимдир мени олдимга келиб зарур нарсани сеза олмаслигидан қўрқмайдиган бўлдим", деб ёзган эди. Коммуникатив мослашиш педагогик мулоқатда муҳим рол ўйнайди, чунки педагогик вазиятлар одатда жуда тез ривожланади ва бутун педагогик жараён ҳаракатланувчи коммуникатив система сифатида гавдаланади. Уни самарали бошқариш педагог томонидан мулоқот учун кетма-кет мослашувларни топа олинишига боғлиқдир.

Ёш ўқитувчи ўзида ҳар бир янги педагогик вазиятга коммуникатив мослашувлар системасини жуда тез кирита олиш малакаларини ўзида шакллантириш зарур. Таъсир кўрсатишнинг ҳар бир методи мулоқатга мослашиш системаси билан биргаликда ўзгача оҳанг, аҳамият, куч ва йўналиш касб этади.

Мушаклар сафарбарлиги-ҳар қандай сўзга чиқишнинг зарурий шаклидар. У диққатнинг бир мақсадга қаратилгани ва демак, нигоҳ йўналиши, кўз қарашлари, нафас олиш ва умуман мушакларнинг умумий сафарбарлиги ва айнан елка, умуртқа системасининг ихчамлигидир. Бу гавданинг ишчан ҳолати бўлиб уни содир бўлган ва тез орада содир бўладиган тўсиқларни енгишга тайёр эканлигидир.

Мушаклар сафарбарлиги ҳар қандай педагогик таъсир кўрсатишнинг дастлабки қисмида ҳам зарур, у педагогнинг мулоқотда фаол ва ташаббускор бўлишига ундайди. Нутқли таъсир кўрсатишни болаларда акс этадиган умумий коммуникатив ҳолат билан мустаҳкамлайди. Мушаклар сафарбарлигини нутқли таъсир этишидан илгарироқ вужудга келтириш маъқулдир. Шундагина мулоқотга болаларда ҳам ички сафарбарлик яратилади, ва унинг одатдаги асослари янада мустаҳкамланади. Бу ўринда нотиқлар учун қуйидаги тавсияномани ўқитувчилар учун ҳам тегишли эканлигини эслаш ўринлидир: мингбар томон бораётган нотиқ-ҳозир ҳамманинг диққати унга қаратилишини сезади. Шунинг учун ҳам, у ташқи кўриниши билан, ўзининг ҳаракатчанлиги, тингловчиларга муҳимроқ ахборотни айтишга тайёрлиги ва бунга ҳоҳиши борлигини ҳам намойиш қилишга интилади. Нотиқнинг юришида хижолат тортиши, журъатсизлиги ёки бефарқлигининг сезилиши жуда ёмондир". (Кан-Калик стр. 125). Бу мулоқатга тайёргарлик кўришининг умумий "ташқи" манзараси бўлиб, у тингловчиларга мойилликни вужудга келтиришнинг энг зарур созловчисидир.

Педагогик системада-ташаббускорлик педагогнинг энг муҳим коммуникатив вазифаси сифатида намоён бўлади. Табиийки, ташаббус кўрсатиш шакллари турлича бўлади. Улар ҳозирги фаолиятдаги ҳиссиётлар ва билим жараёнида яратилади ва педагогик вазиятларни ўзгариб туриши натижасида улар ҳам ўзгариб боради.

Педагог ташаббускорлиги икки кўринишда бўлиши мумкин: а) педагог очиқдан очиқ фаолият (мулоқат) ташаббускори сифатида намоён бўлади; б) У ўз фаолиятини яширин ташабускори сифатида кўрсатади (талабаларда бирор

фаолиятга зарурат туғдириш. Бунда талабалар ўзларини ташаббускор деб ҳисоблайдилар).

Мулоқотда бир томондан ташаббусни қўлдан бермаслик иккинчи томондан эса мулоқотдаги мослашишлар системаси орқали бу ташаббускорликни бошқариш, унга зарур коммуникатив вазият шаклини бериш зарур. Худди шу маънода авторитар ташаббус болалар ташаббусини яратувчи демократик яширин авторитарлик деб фикр юритиш мумкин.

Педагогик муносабатларнинг бошланғич даврида коммуникатив ташаббускорлик жуда муҳимдир. Педагог синфга нисбатан ўзига хос коммуникатив ҳужумни амалга оширгандагина, коммуникатив устунликда эришиши мумкин.

Роллар позициясидан унумли фойдаланиш ҳам таъсир кўрсатишни мустаҳкамловчи воситалардан биридир (баланд келиш, паст келиш, рўпарадан келиш, иштирок этмаслик).

Роллар позицияси педагогик мулоқотни ранг-баранглигини янада оширади, тарбиячининг сўз билан таъсирини кўп марта мустаҳкамлайди. Педагогик мулоқотда қўлланаётган роллар позицияси қуйидагича талабларга жавоб бериш зарур: а) ҳал этилаётган комуникатив вазифага мос бўлиши; б) педагог ва талаба ўртасида шаклланган ёки таркиб топаётган ўзаро муносабатларга мос бўлиши; в) ўқитувчининг индивидуал-педагогик ижодкорлигига мос бўлиши; г) тарбияланувчиларни индивидуал хусусиятларига мос бўлиши.

Имо-ишора педагогик мулоқотнинг фаоллаш-тирувчи, унинг таъсирчанлигини оширувчи восита бўлиб, у педагог коммуникатив маданиятининг муҳим қисми бўлиб ҳисобланади. Имо-ишора таъсир кўрсатишни янада кучайтиради, тинловчиларда маълум ҳиссий кайфият яратади, баён этилаётган ахборотга нисбатан ўқитувчининг шахсий муносабатини билдиради. Имо-ишора аҳамиятли ва маъносиз каби турларга бўлинади. Агар биринчиси педагогнинг нутқли коммуникатсияси самарадорлини оширса, иккинчиси эса талабаларни мулоқот жараёнининг муҳим вазифаларидан чалғитади.

Нотиқ ўз сезгиларини пайқаши бошқаларни қизиқтиришнинг кучли воситаси эканлиги унутмаслиги зарур. Лекин, кўп ҳолларда нотиқ ўз сезгиларини қандай яшириб туришига қараб тингловчиларни жуда тез жонлантириб юбориш мумкин. Шунинг учун ҳам педагогик ўзаро таъсир кўрсатишда мулоқотнинг бошқа воситаларининг аҳамиятини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур. Ҳар бир фикрни олдингисидан баландроқ товуш билан бошлаши ҳам педагогик мулоқот таъсир кучини оширувчи воситадир. Бу усул мулоқотда ташаббусни қўлдан бермасликни, талабалар диққатини муҳим нарсага қаратишга ёрдам беради ва айниқса, янги мавзуни тушунтиришда нутқнинг таъсир этиш бўёқларини ранг-баранг қилади. Бу эса, дарснинг педагогик самарасини янада оширади. Куатишларнинг кўрсатишича, материални зерикарли (бир оҳангда) баён этиш, ўзлаштиришни 35-55 фоизга камайтирган.

Педагогик мулоқотнинг кўп қатламлигини эътиборга олиш ҳам унинг таъсир кўрсатиш кучини оширувчи воситадир. Ўқитувчи бир вақтнинг ўзида бутун синф билан ва ҳар бир талаба билан, талаба орқали эса бутун синф билан мулоқотда бўлади. Бир талаба билан мулоқотда бўлган ҳолда (дарсда ниманидир тушунтириш, ишонтириш) ўқитувчи ўз эътиборини тўла ана шу талабага қаратиб қўйиши мумкин эмас. Дарсда алоҳида талаба билан мулоқотни шундай ташқил этиш керакки бундан

бошқа барча талабалар ҳам назардан четда қолмаслиги зарур. Фақат шундагина мулоқот, педагогик мулоқот жараёни ўзвий ва системавий бўлади.

3. Педагогик мулоқот-ўзаро таъсир кўрсатишдир

Педагогик мулоқат ижтимоий психологик ўзаро таъсир кўрсатишнинг жамоа системасини ифодалайди. Шунинг учун мулоқатни қуйидаги йўналишларда қатламларга ажратиш мумкин:

Педагогни алоҳида талаба билан мулоқоти;

Педагогни алоҳида талаба орқали бутун синф билан мулоқати

Бутун синф билан бўлган мулоқат;

Педагогни бутун синф орқали алоҳида талаба билан мулоқати.

Дарсда талабалар билан доимий мулоқат қилаётганингизни текшириб кўринг. Бунинг учун қуйидаги схемадан фойдаланинг:

дарсда бир талаба ёки гуруҳ билан мулоқатда бўлиб, беихтиёр бошқаларни назардан чиқариб қўядиган пайтлар бўладими?

ҳар доим дарс давомида ҳамма талабаларни "педагогик назорат" да ушлаб тура олишингизни таҳлил қилинг;

қайси талаба билан қониқарли мулоқот қила олмаганингиз ҳақида дарсдан сўнг мулоҳаза юритинг;

дарсда доим ҳар бир талаба учун мос бўлган индивидуал мулоқот усулларини танлаб олишингизни таҳлил қилинг;

алоҳида талаба билан мулоқотда бўла туриб бутун синф билан мулоқотни амалга ошириш қобилиятингизни текширинг;

фронтал, гуруҳ билан мулоқотда бўлган ҳолда шахсларни ўзаро таъсир кўрсатиш индивидуал мулоқотни ҳам ташқил эта олишингизни текширинг;

дарсда талабаларнинг ўзаро мулоқоти қанчалик мақсадга мувофиқ ҳолда ташкил эта олишингизни ўта таҳлил қилиш;

дарсда талабалар билан руҳий нигоҳ ўрнатиш, даражангизни танқидий баҳоланг, бу жараёндаги камчиликларингизни яққол кўрсатинг.

Болалар билан ўз мулоқотингизни такомиллаштирмоқчи бўлсангиз қуйидаги тавсияларга амал қилинг:

синфга кириш, тетик ўзига ишонч, ҳаракатчан;

мулоқат бошланишида ўзини тетик, ишчан, ўзига ишончли ҳис этиш;

коммуникатив кайфиятда билиш, мулоқатга тайёргарликни яққол намоён қилинг (ифодаланг);

ҳаракатчанлик билан коммуникатив фаоллик ибалн мулоқотга ҳиссий тайёргарликни кўрсатинг ва бу ҳолатни талабаларда ҳам вужудга келтиринг;

дарсда зарур ҳиссий кайфиятни яратинг;

дарс давомида ўз сезгилари ва болалар билан бўладиган мулоқатни биргаликда бошқариш (турғун ҳиссий ҳолат, ўз сезгиларини бошқариш қобилияти, кайфиятни бузилмаслиги);

мулоқат самарадорлигини таъминлаш;

мулоқотни бошқариш: илдамлик, ихчамлик, шахсий мулоқот услубини сезиш, мулоқат ва таъсир кўрсатиш бирлигига эришинг;

нутқ: техник, қиёфали, ҳиссий тўлақонлик, юқори маданиятли;

мимика, ҳаракатчан, аниқ педагогик мақсадга мувофиқлиги;

пантамимика: ҳаракатларнинг ифодалилиги, қиёфанинг аниқлиги, ҳаракатларнинг ҳиссиётга бойлиги;

Мулоқатнинг якунли, умумий тавсифи.

Юқоридаги барча "психологик" усуллар асосий шарти-педагоглик касбига қизиқиш, бу касбнинг моҳиятини тушуниш, болаларга муҳаббат бўлгандагина, қисқача айтганда педагог шахси профессионал-педагогик йўналишига эга бўлгандагина яхши самара беради.

МВ	Педагогик мулоқотнинг қатламлилигига фикрингиз қандай?

6-маъруза Мавзу: Педагогик жараёнда ишонтиришнинг аҳамияти

Ўқув модуллари:

1. **Ишонтириш коммуникатив таъсир кўрсатишнинг асосий тури.**
2. **Ишонтиришга қўйиладиган талаблар.**
3. **Исботлаш мантиғи.**

Маъруза бўйича аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу маърузани пухта ўзлаштирганидан сўнг:

- Талаба ишонтиришда психологик таъсир этишни ўрганади;
- Ишонтиришда иккита усулда фойдаланади;
- Нотўғри ишончни бартараф қилиш усулларидан ўрганади;
- Талаба ишонтириш ёрдамида юқори самарадорликка эришиши;
- Педагог «Тарбиячининг сўзи ва иши бир бўлиши керак деган» шиорга қатъий амал қилиши;
-Ишонтириш методида қайта тарбиялашни шакллантиришни ўрганади;
-Ишонтиришда исботлаш мантииғига алоҳида эътибор бериш;
-Талаба мавзуни ўзлаштирганда тўлақонли дарс ўта олади;

1. Ишонтириш-коммуникатив таъсир кўрсатишнинг асосий тури

Талабаларга тарбиявий таъсир кўрсатувчи манбаалар ичида ўқитувчи муҳим ўрин тутади. Хўш, ўқитувчи талабанинг онги, сезгиси, фаолияти ва ҳатто ҳарракатларига таъсир кўрсатувчи қандай усуллар кўламига эга? Барча ёш ўқитувчилар ҳам бу усулларни тушуниб, талабаларга таъсир кўрсатишда улардан фойдаланадиларми?

Мулоқотнинг ижтимоий психологик назарияси ва педагогик тажрибаларни ўрганиш-коммуникатив, яъни педагогик таъсир этиш икки усулдан-ишонтириш ва уқтиришдан иборат эканлигини кўрсатади.

Ишонтириш-талабаларга ҳатти-ҳаракатларни тўғрилиги ва зарурлигини, шунингдек, айрим ҳулқ-атворларнинг нотўғрилигини тушунтириш ва исботлашдир. Ишонтириш жараёнида талабаларга янги билим, кўникма ва малакалар ҳақида аҳлоқий сифатлар шакллантирилади. Бўлар эса, талабалар ва уларнинг атрофидагилар учун меъёр (мезон) бўлиб ҳисобланади.

Ўқитувчининг ҳар қандай тарбиявий таъсир кўрсатиши, оқибат натижада талаба руҳиятига ҳар томонлама таъсир кўрсатишга, яъни талабаларда ижобий

ҳиссиётларни: хулқ-атвор, муносабатлар, ҳатти-ҳаракатларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга йўналган бўлади. Лекин, ишонтирш ва уқтиришнинг психологик механизмлари турличадир. Ўқитувчининг талабага сўз билан таъсир кўрсатишнинг ҳар бир усули ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, қуйида биз уларга алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Педагогикага оид адабиётларда «педагогик таъсир кўрсатиш» ибораси ишлатилади. Бу ўқитувчи билан мулоқатда талабани гўё пассив (суст) ҳолатда бўлишларини олдиндан белгилаб кўрсатилгандек туюлади. Лекин, биз жамиятимизнинг мактаб олдига қўйган вазифаларини уддамоқчи бўлсак, ва агар бугунги талаба ташаббускор, ижодкор бўлиб етишиши зарурлигини ҳоҳласак, у ҳолда, биз педагогик таъсир кўрсатиш сифатини янада юқорироқ даражага кўтариш ва ўзаро таъсир этишда қандай қилиб талабани тарбия объекти ва субъектига айлантириш ҳақида ҳам ўйлашимиз зарур.

Ўсиб бораётган ёшлар ижтимоий муҳит ва табиат билан ҳам ўзаро таъсирланадилар. Бу ўзаро таъсир натижасида уларда ишонч, яъни билимлар ва муносабатлар, аҳлоқий меъёрлар мажмуи вужудга келади. Энди ишонтириш педагогик таъсир этиш натижаси эканлигини кўриб чиқамиз.

Ишонтириш ҳақиқий ва сохта бўлиши мумкин. Ҳақиқий ишонч ҳақиқий воқеликка мос келади ва шахснинг жамият олдидаги қадр-қимматини оширади. Ўзининг ҳақиқий ишончига содиқ бўлиши ҳатто ўлимга ҳам рози бўлади. Масалан, Ватанга содиқлик руҳида тарбияланган аскарларимизни жанг майдонида кўрсатган матонатлари. Сохта ишонч эса, аввало синф жамоаси, қолаверса, жамият учун ҳам зарарли бўлган одатларни шаклланишига олиб келади. Сохта ишонч талабаларнинг ўзи ва атрофдагилар таъсирининг умумлашуви натижасида вужудга келади.

Биз талабаларда шаклланган сохта ишончларга қай даражада кўп рўпара бўламиз? Биз уларни сеза оламизми? Айрим талабаларда сохта ишонч ҳосил бўлишининг сабаблари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

фақат аъло баҳога ўқиш-бу билим олишда кўр-кўроналик, қуруқ ёдлашга олиб бориш;

ўзини ўта итоаткорона тутиш-бу талаба фаолиятини ниҳоятда суст бўлишига олиб келади. Меъёрдаги ўқитувчидан баъзан танбеҳ олиб ҳам туриш керак;

ўқитувчини алдаш-бу талаба ўта ақлли ва топқирлигидан далолат беради;

мактаб ички тартиб-қоидасини бузиш-фақат кучли ҳарактерга эга бўлган талабагина доимо ўқитувчи томонидан танқид қилиб турилади;

ҳаддан ташқари кўп меҳнат қилиш-бу керак бўлмаган тиришқоқликдир.

Юқоридаги бундай ишончлар талабада шаклланиб, аста-секин боқимандалик, ўқиш ва меҳнат фаолиятида сусткашлик кайфиятини содир қилади.

Сохта ишончни бартараф қилиш ўқитувчидан астойдил меҳнат қилишни талаб қилади. Буни уч йўналишда олиб бориш лозим: синф жамоасида соғлом ижтимоий фикрни шакллантириш, муҳим аҳамият касб этувчи ҳаётий тажриба яратиш, сохта ишончларни асосли равишда инкор қилиш. Биринчи навбатда жамоани шакллантиришга, уни яқин келажакда ва истиқболий ривожланиш йўналишларини яратишга алоҳида эътибор бериш зарур. Ўқитувчи ҳар бир талабадаги ижобий хислатларга асосланган ҳолда, аҳил синф жамоаси ёрдамида сохта ишончларни бартараф қилишда қийинчиликларга дучор бўлмайди. Сохта ишончларни ўзгартиришнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

талабага ўзини бошқалар билан таққослашга ундаш унинг фикрига қарама-қарши фикрда бўлган киши билан яқиндан танишиш (масалан, бола ўқишни ҳоҳламайди, Лекин унинг таниш ўртоғи кўп ўқийди ва билади, аммо ўзининг «қуруқ ёдловчи» ёки «ўта билимдон» қилиб кўрсатмайди);

нотўғри қарашлар ва ишонч оқибатда нималарга олиб боришини кўрсатиш (маслан, ана шундай хислатларга эга бўлиб ўз ҳаётини барбод қилган, ўз эрки, ғурури ва виждонини йўқотган кишилар ҳақида сўзлаб бориш. Бунинг учун ҳаётий мисоллар, бадиий асар, кинофилмлар ва бошқалардан фойдаланиш мумкин);

сохта ишончни ёқлаб ҳимоя қилувчи талаба фикрини мантиқий ривожлантириб, уни ҳайратга солувчи ҳолатга етказиш (масалан, барча талабалар ўқитувчиларни алдаш, ички тартиб-қоидаларга риоя қилмаслик нималарга олиб бориши мумкин);

- талабага ўз қарашларини асослаб, исботлашга имкон бериш ва уларни алоҳида бирма-бир инкор қилиш. Сохта ишончлар ҳақиқий ишонч, аҳлоқий тасаввурлар, қадриятлар ва одатлар билан алмашиниши лозим.

Нотўғри ишончларни бартараф қилиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

ўсмир маънавий дунёсида қадриятлар тўқнашувини вужудга келтириш кучли бўлиш истаги, спортнинг ихтиёрий тури билан шуғулланиши мумкин, бунинг учун эса кун тартибига риоя қилиш ва астойдил ўқиш зарур. Радио (фото) тўгаракка аъзо бўлиши мумкин, Лекин бунинг учун икки баҳосиз ўқиш керак ва ҳоказо;

ўқитувчи аҳлоқий сифатларини талабанинг нотўғри хулқи билан тўқнашуви: талабанинг қўпол муомаласига ўқитувчи ўзини тўтиб, мулойимлик билан жавоб беради. Талаба шахси ва ғурурини поймол қилмайди;

талаба нотўғри ҳатти-ҳаракат қилганда ҳам ишонч билдириб, унинг қарашларини ўзгартириш («Мен сенга қандай ёрдам берай? Сени қийналаётганингни кўриб турибман-ку!»);

талабадаги нотўғри ишонч билан, синф талабалари амалий тажрибасига асосланган соғлом фикр ўртасида кўраш пайдо қилиш, унинг ҳар бир нотўғри фикрини алоҳида-алоҳида инкор қилиш.

Инсондаги ишонч учта ташкил этувчилар билан: билиш-сезги-хулқлардан ташқил топган бўлади. Ишончларда: тушундим-бошимдан кечирдим-қабул қилдим-амал қиламан формуласига риоя қилинади, яъни тушунаман, ҳамдардлик билдираман, ўзимга қабул қиламан, ўз фаолиятим ва хулқимда бунга амал қиламан.

Ишонтиришнинг бирор ташкил этувчисига амал қилмаслик ҳам, тарбиявий иш самарадорлигини пасайтириб юборади. Масалан, талаба у ёки бу вазиятда ўзини қандай тутиш кераклигини биланди, Лекин бундай хулқ-атворни зарурлигини тушунмайди, қабул қилмайди. Демак, бундай ҳолатда талабада фақат билиш шаклланган ҳолос. Инсон ўзини қандай тутиши лозимлигини билиши, айнан шундай тутиши лозимлигини тушуниши, Лекин бунга ўзини мажбур қилолмаслиги мумкин. Демак, бу унинг иродавий сифатлари ривожланмаганлиги, хулқ-атвор қисмларига амал қилиш малакаси таркиб топмаганлигини англатади.

МВ	Сохта ишонч билан ўзингиздаги талабалар ўртасидаги ишончни фарқи нимада?

2. Ишонтиришга қўйиладиган талаблар

Ишонтириш билимлар, қарашлар ва хулқ-атвор меъёрлари системаси бўлибгина қолмай, балки уларнинг шакллантириш усуллари ҳамдир. Ишонтириш ёрдамида янги қарашлар, муносабатлар шаклланади, ёки нотўғри қараш ва муносабатлар ўзгаради.

Мунозара, тортишув, суҳбат ўқитувчи ҳикояси ва унинг шахсий намунаси бўлиб ҳисобланади. Ишонтириш талабаларга таъсир этиш методи сифатида юқори самара бериши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: ишонтириш шакли ва мазмуни талабалар ёш даврига мос бўлиши лозим (кичик мактаб ёшида эртак, ривоят, фантастик ҳикоялар мисолида, сўнгра эса борлиқ, дунёни ўрганиш, инсон маънавий дунёсини ўрганиш); ишонтириш талабаларнинг индивидуал хусусиятларига мос бўлиши лозим. Бунинг учун ҳақиқий ҳаёт тарзини ўрганиш зарур; ишонтириш умумий тарздаги қоида ва принциплардан ташқари, аниқ далил ва мисолларни ҳам ўз ичига олиши зарур (ўқитишда кўргазмаликка эътибор бериш); ишонтириш жараёнида баъзи ҳолларда барча бир хил хабардор бўлган далил ва хулқ-атворни муҳокама қилишга тўғри келади, бу ўз навбатида далилнинг хаққонийлиги тўғрисидаги иккиланишларини йўққа чиқаришга ва умумий тўғри хулоса чиқаришга ёрдам беради; бошқаларни ишонтирар экан, ўқитувчининг ўзи ҳам ўз фикрларига қатъий ишониши зарур.

Ишонтиришдан самарали ўзаро таъсир этиш воситаси сифатида фойдаланиш учун қуйидаги шартлар бажарилиши лозим:

ишонтирувчи кучга эга бўлиши. Бу унинг мазмуни ва ишонтирувчининг обрўга эга бўлиши билан белгиланади. Талаба ўқитувчини қанчалик кўп хурмат қилса, унга ишониши ҳам шунча осон бўлади; ишонтириш жараёнини ташкил этишда талабанинг руҳий қиёфасининг ўзига хослигини эътиборга олиш. Бунинг учун педагог талаба олий асаб системасининг типини, унинг таълим, тарбия ва камолотнинг ривожланиш доирасини билиши зарур. Масалан, бола кучли мувозанатлашмаган (сангвиник) асаб системаси типига эга бўлсин. Унда тормозланиш жараёнига нисбатан қўзғалиш жараёни кучли бўлади. Бу ҳолда, ўқитувчи ишонтириш жараёнини талаба асаб системасини ортиқча қўзғалишига йўл қўймайдиган, қўшимча ҳиссиёт (ҳаяжон) содир қилмайдиган тарзда олиб бориши лозим; ўзаро таъсир этиш вақтида ўқитувчи ва талабаларнинг интелектуал-ҳисси ҳолатини эътиборга олиш. Масалан, бола ниҳоятда ҳаяжонланган ҳолатда бўлса унда салбий ҳиссиётлар устунлик қилади. Агар ўқитувчи буни эътиборга олмай, талабага унинг нохақ эканлигини исбот қилишга ҳаракат қилса, ҳеч қандай ижобий натижага эриша олмайди.

Фикр, сезги ва иродавий хислатлар бир бутун яхлитликни ташкил этгандагина ишонтириш методи хақиқий ҳаракатлантирувчи кучга айланиши мумкин. Бу методни қўллашда ишонтириш таркиби (билиш, сезги ҳиссиёт, хулқ-атворга) амал қилиш мақсадга мувофиқ Дастлабки икки ташкил этувчиларни бир-биридан ажратиб бўлмайди ва шундай бўлиши ҳам керак. Ўқитувчи талабанинг ижобий хислатларини эътиборга олиб, унинг билишига асосланган ҳолда, янги билимлрани унинг ҳиссётига таъсир кучини янада ошириш йўлларини излайди.

Ўқитувчининг ўз сўзига қатъий ишониши, ҳайратланиши, ўз фикрларини ҳимоя қилишга тайёр эканлиги, тушунтирилаётган қоидаларнинг асосли тарзда исботланиши, ишонтириш методининг кучини янада оширади. Бу-талабаларни илҳомлантирувчи, ҳаяжонга солувчи, уларнинг хаёлини қамраб олувчи ва узоқ вақт

ёдларида сақланувчи жонли (ёрқин) сўзлар билан ифодаланади. Ишонтирувчи ва ишонувчининг фаол ўзаро таъсир этишларини ҳам ташқил этишга эътибор бериш лозим. Ишонтириш методидан болани қайта тарбиялашда фойдаланиш учун унинг ижобий хислатларини, қизиқишларини билиши ва эътиборга олиши зарурдир. Қайта тарбияланувчининг ижобий хислатларига таянган ҳолда тарбиячигина тез орада унинг ишончини қозиниши мумкин.

Талаба билан мулоқотда бўлганда, аввало унинг ўзини ҳам иккилантириб турган сохта ишончларни «аста-секин», «пайпаслаб» топиш, асосли тарзда уларни бартараф қилиши керак. Агар талаба ишонтириш жараёнини эркин, ўз ҳоҳиши билан қабул қилса, мақсадга эришиш осон бўлади.

Ишонтириш натижаси ўқитувчи сўзи ва хулқига ҳам боғлиқдир. Тарбиячининг сўзи ва иши бир бўлиши керак. Масалан, жаҳл устида талабани жазолаш билан қўрқитиб, сўнг эсдан чиқариб қўйиши, талабаларга ваъда бериб уни бажармаслик ва ҳоказолар, ишонтириш методи самарасини пасайтиради. Энг ёмони-ўқитувчи талабаларга ҳақиқат ҳақида баландпарвоз сўзларни айтсада, ўзи кундалик иш фаолиятида унга амал қилмаслигидир. Бундай ўқитувчи жамиятга катта зарар келтиради.

Ишонтиришнинг юқори самарадорлиги талабалар билимларини (иродавий хислатлар, тўғри хулқ меъёрларини таркиб топтириш) мустаҳкамловчи машқларга ҳам боғлиқ бўлади. Талаба характерини шакллантиришда машқлар алоҳида ўрин тутишини ўз даври да А.С.Макаренко ҳам таъкидлаб ўтган. Жумладан, Папаниннинг жасорати ҳақидаги ҳикояларни ўқиб бериш билангина талабаларда жасурликни тарбиялаб бўлмаслигини уқтирган. Бу ҳолда бошқалар жасоратини кўз-кўз қилувчи, ундан фақат завқланувчи субъект-томошабинни тарбиялаб етказиш мумкин. Инсонни шундай ҳолатга тушириш керакки, у чидамлилик, шиддаткорлик ва жасурлик хислатларини намоён қила олсин. Меҳнатсеварликни маҳнат ҳақидаги ҳикоялар билан эмас. Балки меҳнат жараёнини ўзида тарбиялаш, худди шунингдек, шиддаткорлик эса қўрқоқликни ва журъатсизликни енгишда тарбияланади.

Баъзан мактабларда фақат оғзаки тадбирлар ўтказишга ниҳоятда кўп эътибор берилади. Биринчидан, бундай тадбирлар болаларни зериктиради, иккинчидан, улар ҳаётдаги аниқ вазиятларда ўзини қандай тутишга оид тажрибани эгаллай олмайдилар. Натижада, ижтимоий ҳаётда сусткаш бўлиб етишадилар. Лекин, бундай оғзаки тадбирларни ҳам юқори даражада ишонтириш салоҳиятига эга бўладиган қилиб ўтказиш мумкин. Масалан, синф (гуруҳ) талабалари ўртасида «Бепуллик қанчага тушади?» мавзусида йиғилиш ўтказиш мумкин. Ўқитувчи талабалар ёрдамида ижтимоий таъминот фонди, жамғармалар, республикамиз фуқароларини хуқуқлари, бурчлари ва эркинликлари ҳақида ахборот беради. Ахборот олиш манбаи сифатида талаба хонадони, болалар боғчаси, корхона, маклаб танлаб олиниши мумкин. Ўқитувчи ҳар бир талабага алоҳида ёки барча синф (гуруҳ) талабалари учун бир хил карточка-топшириқлар ишлаб чиқади ва статистик маълумотлар йиғишда талабаларга ёрдам беради. Худди шунингдек, «Атрофимиздаги тежамкорлик» ўйини ҳам яхши натижа беради. Бу ўйинни ўтказишдан мақсад талабаларга мамлакатимизнинг иқтисодий сиёсати ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш, мулк шаклидан қатъий назар, унга тежамли муносабатда бўлиш ва мустаҳкам ҳаётий мавқега эга бўлишни тарбиялашдир. Ўйинда ёшлари тенг бўлган талабалар гуруҳи қатнашади. Ҳар бир гуруҳга улар етиб борадиган бекатнинг номи кўрсатилган йўл

варақаси берилади. Биринчи бекат "Бизнинг туман" деб аталади. Талабалар ўзлари яшаб тўрган таман иқтисодиётини ўрганадилар, унга зарур бўлган касблар ва мутахассисликлар ҳақида ахборот йиғадилар. Навбатдаги бекат "Тежамкорлар" деб аталади. Унда кўргазмали қуроллар тайёлаш, мактаб мебелини таъмирлаш, талабаларни микрокалкуляторлар ёрдамида ўқув юрти иқтисодига оид ҳисоб-китоб ишларини бажаришлари (электроэнергияси, сув, иссиқликдан оқилона фойдаланиш, нонни эъзозлаш, дарсликлар ва жиҳозларни авайлаб асраш). Учинчи ва туртинчи бекатлар "Мактаб-сенинг уйинг" ва "Касалхона" деб аталади. "Охирги бекат"да эса талабалар бажарган ишлари ҳақида ҳикоя қиладилар, ўзлари ясаган буюмларини, таъмирлаган китобларини, жиҳоз ва асбоб ускуналарини намойиш қиладилар. Бу йиғилишни ўтказишга бағишланган деворий газета чиқариш ва тежамкорликка оид кино (диа) филмлардан фойдаланиш ҳам тадбир самарадорлигини оширади.

Юқорида қайд қилинган йирик тадбирларга тайёргарлик кўришни ва ўтказиш методикаси талабаларда фуқароликни, ижтимоий бурч сезгисини тарбиялашга қаратилган. У талабаларнинг тадбир ўтказишга тайёргарлик кўриш жараёнида олган билимларини ўзлари шахси учун аҳамиятини оширади. Амалий топшириқларни бажариш жараёнида эса ижобий хулқ тажрибасини эгаллайдилар. Бу мисоллар ишонтириш методидан фойдаланишда тугалланганликка алоҳида эътибор берилганлигини кўрсатади.

Ишонтириш методини қайта тарбиялаш яъни қараш ва муносабатларни шакллантиришда қўллаш-у ёки бу хислатларни намойиш қилиш зарур бўлган махсус вазиятлар яратиш орқали амалга оширилиши ҳам мумкин. Тасодифий вазиятлар қуйидаги йўллар билан яратилади: дарсда-талабага кутилмаган савол бериш, дарсдан ташқарида нотўғри ҳатти-ҳаракатлига иқрор бўлишига мажбур қилиш, ўйинда эса ҳаракат қилишга ундаш (масалан, ғира-шира ўрмонда "разведка"га бориш). Мактаб ҳаёти тасдиқланганидек, баъзан талаба ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга шароит бўлмагани учун ҳам тарбияси оғирлар қаторига қўшилиб қолар экан. Ундан дарсда онда-сонда сўрашади, ўқитувчи унинг билимига ишонмайди, дарс пайтида унга диққат-еътибор беришга вақтдан қизғанади. Агар талабага тез-тез мурожаат қилинса, унга ўз фикрини баён қилиш таклиф этилса, унинг хулқида шаклланиб қолган стреотиплар аста-секин ўзгара бошлайди. Танлаш имконияти берилганда болада ўзи учун ёқимлироқ нарсани танлашга қизиқиш уйғотади. М.Горкий номли қолонияда Семён Карабановнинг колониядан ҳайдалганлигини эслаб кўрайлик.

У икки уйдан бирини танлаш ҳолатига туширилган эди: ё ички тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиб қолонияда қолиш ёки дайдиларча "екрин" ҳаётга қайтиш. Семён қолонияда қолишни танлайди

Ички зиддиятли ҳолат: уни ҳам буни ҳам ҳоҳлайди, Лекин биттаси иложи бор. Масалан, иккита тўгаракка ёзилишни ҳоҳлайди, Лекин биттасига ёзилса ҳам бўлади. Баъзан танлаш вазияти ва зиддият бир-бирига мос тушади, Лекин айрим ҳолларда зиддият ечими топилмаган қарама-қаршиликларга боғлиқ бўлади: бир ўқитувчи уддалашга интилади, лекин бошқа ўқитувчи ёрдамида ҳал этилиши мумкин, акс ҳолда у талаба характерида нуқсон пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Зиддиятли вазият болалар ўртасида аста-сёкин пайдо бўлади. Зиддиятлар турли сабабларга кўра содир бўлиши мумкин, гуруҳ йўлбошчилари ўртасида, расмий ва норасмий фаоллар ўртасида ва бошқалар. Шахс ва гуруҳ ўки барча синф талабалари ўртасидаги зиддият жуда хавфлидир. Зиддият салбий кечинмалар (изтироб)ни янада кескинлаштириб, уларни янада барқарорлигини оширади: баъзилар хафа бўладилар, баъзилар қасос олишга уринадилар, учинчи тоифадагилар эса қўрқадилар, ўз қўрқовларини ўқ-пўписа орқали яширадилар ва ҳоказо. Зиддиятларни бартараф қилиш ўқитувчидан юксақ маҳорат талаб қилади. Энг аввало уларни сабабларини, ҳар бир талабанинг бу ҳақдаги фикрини аниқлаш, педагогик зийраклик, такт, журъатга эга бўлиш ва зиддиятларни бартараф қилишда чидамли бўлиш зарур. Қийинчиликларни енгиш вазиятлари-табиий ҳолда яратилади: оғир тарбияли бола тўсатдан ўзи учун тартиб бўзмасликка, аксинча уни қўллаб-қувватлашга мажбур бўлиб қолади, бўйсуниш ўрнига раҳбар (лавозими) вазифасини бажарувчи вазиятга тушиб қолади.

А.С.Макаренко ва В.А.Сухомлимский асарида зид диятларни бартараф қилишда юксақ педагогик маҳорат кўрсатишга жуда кўп мисолларни учратиш мумкин.

МТ	Зиддиятли вазиятга қўшимча фикрлар келтиринг.

3. Исботлаш мантиғи

Ўқув-тарбиявий жараён тўла-тўкис ҳолда ўсиб келаётган ёш авлодни миллий мафкура руҳида тарбиялашга йўналтирилган бўлади. Билим шахс дунёқарашининг таркибий қисми бўлиш билан бирга у ишонтиришнинг ҳам негизи бўлиб ҳисобланади. Агар билимлар асосли, исботланувчан бўлса уларнинг ишончга айланиши осонроқ кечади. Бунда улар ҳақиқатга ишонишга вужудга келувчи баркқарорлик билан характерланади. Исботланувчи билимлар билан қуролланган талабада, унга қарама-қарши бўлган фикрини қатъий, асосли исботлаш йўли билан инкор қилиш кўникмалари ривожланади.

Исботлаш назарияси бўйича батафсил назарий маълумотларни мантиққа оид адабиётларда учратиш мумкин. Исботлашнинг муҳимлигини англаш учун унга зарур билган талаблар минимумига тўхталиб ўтайлик.

Аниқ ишонтириш мантиқий исботлашни, яъни маълум қоидани ҳақиқий борлиққа, узил-кесил ишончга айлантиришни талаб қилади. Исботлаш тезис асословчи далиллар ва намойиш қилишдан исботлаш усулларидан иборат бўлади. Тезис-бу исботланиши зарур бўлган фикрдир. Асословчи далиллар ёрдамида тезис исботланади. Намойиш қилиш давомида эса назарий маълумотлар, ҳаётий ва тарбиявий далиллар таҳлил қилинади ва тезисни исботловчи якуний қоида яратилади.

Дарсга тайёргарлик кўриш давомида ўқитувчи асосий тезисни шакллантиради, яъни ўқув материалини асосий ва иккинчи даражали ва қисмларга ажратади. Асосий материални исботлашга қўпроқ эътибор бериш лозим. Талабалар диққатини асосий материалдан чалғитмаслик учун уларга маълум бўлган маълумотларни қайтаришга кўп вақт сарфламаслик зарур.

Тезис аниқ, қатъий, бир хил маъноли қилиб тузилиши, унда иккилантирувчи фикрлар бўлмаслиги ва исботлаш жараёнида ўз маъносини сақлаши лозим.

Масалан, "Жисмнинг ички энергиясини ўзгартириш усуллари" (Физика ВИИ синф) мавзусидаги асосидаги фикр "жисмнинг ички энергиясининг икки хил усулда бажарилган иш ва иссиқлик узатиш ҳисобига ўзгартириш мумкин" эканлигидан иборатдир. Бу фикр ўта ишонарли тажриба ва талабалар ҳаётий кўзатишларини таҳлил қилиш йўли билан яққол исботланади. Фақат бир дарсдаги бош муаммони аниқлаш билан чегараланмайди, балки уларни бўлим ва катта мавзулар бўйича ҳам аниқлаб, сўнг уларни ҳар бир дарсда кетма-кет исботлаб бориш, охирида эса бош муаммо бўйича якуний хулоса чиқариш муҳим аҳамиятга эгадир.

Исботлаш учун талабаларни аниқ ишонтирувчи исботловчи асослар (далиллар, аксиомалар, оддий ўрганилган қоидалар ва ҳ.к.) танланади. Улар тезисга киритилган ёки киритилмаганидан қатъий назар, олдин исботланган ва тезисни исботлашга етарли асос бўлиб ҳисобланишлари лозим. Демак, талабалар ўрганилаётган материал бўйича етарли даражада маълумотга эга бўлгандагина исботлашга ўтиш лозим. Исботловчи далиллар асосида якунловчи фикр шаклланади. Масалан, "Алюминий электр ўтказувчан жисмдир" деган тезисни исботлаш учун исботловчи далиллар сифатида талабаларга маълум бўўлган: алюминий-металл, барча металлар эса электр токини ўтказадилар тушунчалари танланади. Булар асосида эса алюминий электр ўтказувчан жисм эканлигини исботланади.

Ёш ўқитувчилар исботлашда кўпинча мантиқий хатоликларга йўл қўядилар. Улардан энг муҳимлари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаш мумкин: тезисни нотўғри (алмаштириб) тузиш талабани "Камолот" жамгармасининг фаол иштирокчиси эканлигини исботлашга, уни яхши талаба эканлигини исботловчи далилларни танлаш, тезисни охиригача исботламаслик ёки уни исботлашни меъёрдан ошириб юбориш. Баъзан эса тезисни исботлашга етарлича асос бўлолмайдиган исботловчи далиллардан фойдаланиш. Бу хатолик "мумкин эмас" деб аталади. "Саводли ёзиш керак" тезисини исботлаш учун "Саводсиз бўлиш уятлидир" далилини танлаш, ана шундай хатоликка мисол бўлиши мумкин. Шунингдек, исботлашда фақат тезисдаги тушунчалардан фойдаланиш, исботлаш ўрнига фақат талабаларнинг ижобий ёки салбий ҳиссиётларига асосланиш ёки фақат тингловчиларга таъсир этишга кўпроқ эътибор бериш каби камчиликлар ҳам учраб туради.

МВ	Исботлаш мантиғи қаерда фаоллашади?

7-**Маъруза**

Мавзу: Уқтириш педагогик таъсир этишнинг шакли

Ўқув модуллари:

1. Уқтиришнинг педагогик жараёндаги роли.

2. Уқтириш турлари.

3. Ишонтириш ва уқтиришнинг ўзаро боғлиқлиги

Маъруза бўйича аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу маърузани пухта ўзлаштирганидан сўнг:

-Уқтиришда ўқув-тарбиявий ишда муҳим ролини ўрганади;

- Талаба уқтиришни туркумларга ажратади ва асослайди;

- Уқтириб таъсир кўрсатишни иккита кўринишда бўлишини аниқлайди, уқтиришни мазмунига қараб иккита турини билиши;
- Ишонтириш ва уқтиришнинг ўзаро боғлиқлиги;
-Уқтириш орқали талаба ўз фикрини тўла баён қилади;
-Уқтиришдаги асосий қоидаларга амал қилади.

1. Уқтиришнинг педагогик жараёндаги роли.

Педагогик таъсир этишнинг методи бўлган ишонтириш билан бирга уқтириш ҳам ўқув-тарбиявий жараёнда муҳим рол уйнайди. Уқтириш-кишиларнинг мулоқот ва фаолияти жараёнида ўзаро таъсир этишлари воситаларидан биридир. Уқтиришнинг ўзига хослиги-инсон руҳиятига унинг ўзига сездирмасдан таъсир этиши, шахс психикаси таркибий тузилишига беихтиёр кириб бориши ва кундалик ҳаётдаги қилиқлар, интилишлар, мотивлар ва йўл-йўриқларда акс этишидир.

Уқтиришнинг педагогик жараёндаги ролини узоқ вақт давомида тан олинмади. Лекин биз ҳоҳлаймизми, йўқми, барибир, ҳар қандай педагогик таъсир этишда уқтириш элементи мавжуд бўлади. Тўғри ташкил этилган уқтириш талабаларнинг онгли равишдаги фаоллигини оширишга билвосита таъсир кўрсатади. Уқтиришнинг турли шакллари ўқитувчининг педагогик таъсир этиш имкониятларини янада бойитади, талабага якка тартибда ёндошишни ниҳоятда эҳтиётлик ва педагогик тактга амал қилган ҳолда олиб боришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам ўқитувчи педагогик таъсир этишнинг бу методини инкор этмаслиги ва унга бефарқ қарамаслиги лозим. Сўз ёрдамида талабада тетиклик ёки қўрқув, хурсандлик ёки хафалик, ўзига ишонч ёки ишонмаслик, қизиқувчанлик ёки зерикиш, бошқаларга ишониш ёки улардан ҳадиксираш каби сезгиларни вужудга келтирамиз. Шуни таъкидлаш лозимки, бу сезгилар сўз маъноси аҳамияти ёки нутқ мазмуни мантиғи билан (аниқроғи фақат шулар билан) яратилмайди, балки сўз ва нутқ оҳанги, уларнинг ёрқин-равонлиги, ифодаланувчанлиги ҳамда уларнинг таъсирчанлигини оширувчи ва бола ҳиссиётига бевосита таъсир этувчи-гавда ҳолатлари, имо-ишора турли ҳаракатлар ёрдамида вужудга келтирилади.

Ўқитувчининг ёмон кайфияти тўлқин каби бир зумда талабаларни қамраб олишини ҳам фақат уқтириш билангина тушуниш мумкин. Ёки асабийлашган ҳарактерга эса бўлган гуруҳ рахбари, тез орада асабий ҳолат гуруҳда мулоқат меъёрига (одатдаги ҳолга) айланиб қолганлигидан таажубланади.

Психолог олимлар оддий бир мактабда жуда кўп "изланишлар" олиб бориб, гўё "иқтидорли"болаларни ажратдалар. Ўқитувчиларга уларнинг фамилиялари маълум қилинди. Хеч ким бўлар ўз тенгдошларидан хеч қандай фарқли хислатларга эга бўлмаган болалар эканлигини фахмламадилар. Бир йилдан сўнг ҳақиқатдан ҳам фамилиялари маълум қилинган болалар бошқаларга нисбатан билим жиҳатдан анчагина илгарилаб кетган эдилар. Тажрибанинг моҳиятини тушунмасдан, ўқитувчилар бу болаларга бошқача муносабатда бўлганлар, уларнинг изчил ривожланишлари учун реал шароитлар яратиб берганлар. Бироқ бунга аксинча бўлган мисолларни ҳам кўплаб келтириш мумкин. Талабани доимо салбий идрок қилишга ўрганиб қолган ўқитувчи-бу тушунчанинг қулига айланиб, унга умрбод иккинчи даражали тарбияси оғир каби "тамға" лар босади, унинг ижобий ўзгариш ясаш учун қилаётган ҳаракатларига бефарқ қарайди. Бу ҳам

етмаганидек, ўқитувчи ўз фикрини гуруҳ бўйича ва педагогик жамоада ҳам тарқатишга, уни мустаҳкамлашга интилади.

Педагогик уқтириш самарадорлигини оширишнинг умумий шартлари қуйидагилардан иборат: ўқув материалининг мазмуни; уқтириш амалга оширалаётган вазият; уқтириш натижасига ўқитувчининг ишончи; талабаларнинг ўқитувчига муносабати (хурмат қилиши); талабалар ёш даврлари ва индивидуал хусусиятларини эътиборга олиниши; ўқитувчининг уқтириш техникасини эгаллаганлиги; уқтириш натижасида қарор топган ҳислатларни рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш.

2. Уқтириш турлари

Уқтиришни туркумларга ажратиш учун қуйидагилар асос қилиб олинади:

1. Уқтириб таъсир кўрсатиш манбаалари бўйича:

а) бошқа киши томонидан уқтириш;

б) ўз-ўзини уқтириш-бунда уқтириш объекти ва субъекти бир бири билан устма-уст тушади.

2. Уқтириш объектининг ҳолати бўйича:

а) уйғоқ ҳолатда уқтириш;

б) табиий уйқу ҳолатда уқтириш;

в) гипноз ҳолатда уқтириш.

Замонавий дидактикада гипноз ҳолатда уқтириш ва табиий уйқу ҳолатда уқтириш (туш кўраетганида чет тилини ўрганиш-гипнопедия) ҳам қўлланилишидан қатъий назар, биз педагогик муносабатлар истиқболини белгиловчи уйғоқ ҳолда уқтиришга батафсил тўхталамиз.

3. Уқтирувчининг мақсади бўйича:

а) олдин мўлжалланган уқтириш;

б) олдиндан мўлжалланмаган уқтириш.

Олдиндан мўлжалланган уқтиришда ўқитувчи ўз мақсадига эришиш учун талабага онгли ва изчиллик билан руҳий таъсир кўрсатиб боради. Масалан, К. исмли талаба ниҳоятда уятчан, ўз имкониятларини жуда паст баҳолайди. Она тили ўқитувчиси дарсларнинг бирида унга шундай деди: "Мен сизлар ёзган иншоларни текширдим. К.нинг иншоси жуда яхши ёзилган. Раҳмат сенга К., ўрнингдан тур. Қаддингни ростла. Жуда яхши менинг кўзимга қара. Тайёрлаган дарсингни сен баланд овоз чиқариб айтиб беришни уддалайсан, доскага чиқ."

Олдиндан мўлжалланмаган уқтириш ўқитувчи бирор фикр, ҳаракат, ҳулқни уқтиришни олдиндан мақсад қилиб қўймаган беихтиерий ҳолларда амалга оширилишидир. Унинг ўзи одатаниб қолган сўзлар билан талабага мурожаат қилиши жуда катта уқтирувчи кучга эга эканлигини кўп ҳолларда англамайди. Ўқитувчи: "Сен доим кайсарлик қиласан бемаъни гапларни гапирасан", "Сенда тўполондан бошқа нарсани кутиб бўлмайди", "Сени тузатиб бўлмаслиги шундоқ ҳам кўриниб турибди","Бу ишни бажаришга йўл бўлсин, сен барибир уни уддалай олмайсан" каби иборалар билан талабага муомила қилар экан, у ўзи англамаган (олдиндан мўлжалланмаган) ҳолда талабада ўзига ишонмаслик хислатларини мустаҳкамлаб, ўз нуқсонларини тузалмаслигини уқтириб бораётганлигини сезмайди. Бир ёш ўқитувчи талабалар имтиҳонга пухта тайёгарлик кўришлари учун:

"Имтиҳон ким нимага лаёқатли эканлигини кўрсатиб қўяди. Бир иложини қилиб осонгина ўтиб кетаман деб ўйламанг. Сизларни камчиликларингиз имтиҳонда ҳаммага ошкор бўлади", - деб йил давомида кўп марта такрорлаб борди. Натижада кўпчилик талабалар имтиҳонда ўз имкониятлардан паст баҳо олдилар. Ҳатто ҳамманинг мақтовига сазовор бўлган аълочилар ҳам уч баҳо олишди. Ўқитувчи жуда хайрон бўлди. У йил давомида талабаларни имтиҳондан қўрқиши, ўзига ишонмаслик хисларини уйғатиб келганлигини тушунмас эди.

Педагогик таъсир этиш мақсадини англаган ўқитувчи уни ҳам ишонтириш, ҳам уқтириш методлари билан амалга оширади. Кўп ҳолларда олдиндан кўзланган уқтириш талабага "Аккллигим", "Жуда яхши" каби сўзлар билан мурожаат қилиш мехрибонларча, илхомлантирувчи қараш, ташаббус, довуш оханги ва ниҳоят ўқитувчининг ташқи кўриниши: унинг ихчамлиги, тетиклиги,келажакка ишонч билан қараши, алоҳида талаба ва бутун гуруҳ билан кўтаринки руҳ билан муносабатда бўлишида намоён бўлади.

Болага уқтириш фақат уни ўқитувчи билан муомаласи билан чегараланмайди. Кўп ҳолларда ўқитувчи "норасмий тарбиячилар"нинг болани нотўғри уқтиришнинг оқибатларига дуч келади. Агар ўқитувчи бунинг сабабларни аниқлай олмаса бола характерда узоқ муддат сақланиб қоладиган салбий хислатлар пайдо бўлиши мумкин.

Н. исмли ўртача қобилиятли, сусткаш қизнинг ўқиши пасайиб кетди. Ўқитувчининг нега ёмон ўқийдиган бўлиб қолдинг деган саволига у хеч қўрқмай: «Ахир менинг миям ишламайдида" деб жавоб берди. Унинг жавобида гўё шундай туғилгану, умрбод шундай бўлиб қолади, деган фикр яккол сезилиб турарди. Суҳбат давомида аниқланишича, қиз уй вазифасини бажараётганда унинг сусткашлиги кузатиб турган бувиси: "Сенга худойим ишламайдиган каллани берган эканда", деб қўяр экан.

Ўзини-ўзи уқтириш ҳам олдиндан мўлжалланган ва мўлжалланмаган кўринишда бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда киши ўзидаги салбий хислатларни бартараф қилиш учун онгли равишда ҳаракат қилади, иккинчи кўринишда эса бу ҳаракатни беихтиер бажаради.

4. Уқтириб таъсир кўрсатиш, унинг оқибатига қараб:

а) ижобий ва б)салбий кўринишларда бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда ижобий психологик сифатлар (одатлар,қизиқишлар, қарашлар, муносабатлар) шаклланади. Салбий уқтириш жараёнида эса онгли ёки беихтиер, олдиндан кўзлаб ёки мўлжалламасдан кишига салбий психологик сифатлар (ўз-ўзини паст баҳолаш, масъулиятсизлик, журъатсизлик ва ҳ.к.) "киритиб" борилади. Ўзини-ўзи уқтириш ҳам ижобий ва салбий бўлиши мумкин: биринчи ҳолда шахс ўзида ижобий хислатларни шакллантириш учун ўз кучи ва кобилиятини сафарбар қилади, иккинчи ҳолда эса бирор вазият таъсирида салбий хислаталари устиворлигига ўзини ишонтиради.

5. Уқтириш мазмунига қараб икки турга бўлинади:

а) очиқдан-очиқ уқтириш, бунда уқтириш мақсади унинг шаклига мос келади: Уқтирувчи тўғридан тўғри ва очиқ ҳолда талабани баъзи хатти аракатларни бажаришга ёки бундан ўзини тухтатишга чақиради. "Сен бундан кейин доимо дарсни тайёрлаб келасан", ёки "Энди сен бутунлай чиқмайсан" (бу аниқ шахсга йўналтирилгани билан ажралиб туради):

б) ёпиқ (воситали) уқтириш. Бунда таъсир этиш мақсади "никобланган" бўлади. Талабага очиқдан-очиқ бирор ҳаракат ёки ҳулқ уқтирилмайди, Лекин тез-тез бунга ишора қилиб турилади.

МВ	Сизнингча уқтириш қизиқарлими? Қизиқарли бўлса, қайси хислатлари кўпроқ ишлайди?

3. Ишонтириш ва уқтиришнинг ўзаро боғлиқлиги

Кўп ҳолларда ишонтириш ва уқтириш ўзаро шундай боғлиқ бўладики, ҳатто уларни бир-биридан ажратиб ҳам бўлмайди. Ишонтириш ва уқтиришнинг умумий белгилари қуйидагича: 1) ҳар иккаласида ҳам сўз таъсир этиш воситасидир;

2) таъсир этиш натижаси ишонтириш билан амалга оширилдими ёки уқтириш биланми-буни фарқлаш ниҳоятда қийин;

3) ўқитувчининг нутқи мароми, суст оҳангдорлиги паст бўлса ва унинг юз ифодаси ҳаётий бўлмаса, ишонтириш ҳам, уқтириш ҳам муваффақиятсиз бўлади.

Шундай қилиб ўқитувчининг болага комуникатив таъсир этишда, таъсир этиш даражасини аниқ билиши ва унга мерос ҳолда ишонтиришни уқтирувчи, уқтиришни эса ишонтирувчи воситаларини танлай билиши зарур.

Бу ҳақда ёш ўқитувчиларга қуйидаги маслаҳатларни тавсия этиш мумкин:

1. Кузатувчанликка кўпроқ эътибор беринг.

Аниқ бир давр ичида, қайси ҳолларда сизнинг сўзингиз, илтимосингиз, талабингиз, тилакларингизни талабалар рад этмасдан, эътирозсиз қабул қилдилар. Бунинг сабабларни аниқлашга ҳаракат қилинг. Улар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: а) ахборотингиз аниқ мантиққа эга бўлиши, қизиқарли, тушунарли ва талаб даражасиги мос бўлиши; б) таъсир этиш шакли-таъсир этиш техникасига мос бўлиши, ҳиссиётларга бой, муҳим фикларга ўта ишонч қозонишни таъминлаш; в) сизнинг обрўга эга эканлигингиз талабаларнинг ёш даврлари ва руҳий хусусиятлар ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Ишонтириш ва уқтиришнинг бу қисмларини алоҳида ажратинг ва бўш пайтларингизда уларни (гавда ҳолати, мантиқ, юз мускуллари ифодаси, сўзнинг ифодалилиги) бир неча марта такрорлаб, янада мустаҳкамланг.

2. Бундай шаклларни кўзгу рўпарасида ва магнит (видео) тасмаларидаги ёзувлар ёрдамида бажариш яхши натижа беради.

Бунда сиз ўз ҳатти-ҳаракатларингизни кўриш ва эшитиш орқали назорат қилиш имкониятларига эга бўласиз. Ўз устингизда ишлар экансиз ўз фаолиятингизни тажрибали ўқитувчиларнинг таъсир этиш техникаси ва мантиғи билан таққослаб кўринг. Ўзингиз учун мос келадиган, энг самарали ажратиб олишга ҳаракат қилинг.

3. Айнан ана шундай вазиятларда сиз муваффақиятга эриша олмаган ҳолатларни ҳам таҳлил қилинг. Унинг сабабларини аниқланг. Ўзингиз ёки ҳамкасбингиз ёрдамида ижобий натижага эриша олмаган ўзаро таъсир этиш ҳоллардаги камчиликларини бартараф қилишга интилинг.

4. Дарсга тайёгарлик кўришда унинг қайси босқичида талабалар онгига, қайси босқичларида эса уларнинг сезгисига кўпроқ таъсир зарурлигини аниқланг. Биринчи ҳолда мантиқий исботлашнинг кенгайтирилган режасини тузинг. Иккинчи ҳолда

эса уқтиришнинг қандай турларидан ва уни таъсирчанлигини оширувчи қандай воситаларни қўллашингизни аниқланг.

5. Дарс бошланиши олдидан ўзингизда мушаклар зўриқиши бор ёки йўқлигини текшириб кўришга одатланинг. Доим уларни тезда бартараф қилишга оид машқларни бажариб туринг. Мушаклар зўриқишини аниқлаш ва уни бартараф қилишни дарс ўртасида ҳам назорат қилиб туринг. Ўзингизни бардам қилувчи бир неча сўзни фикран айтиб "эмостионал душ" қабул қилинг ("Дарс худди мен айтгандек боряпти, ўқув материални тўғри тушунтиряпман, талабалар мени қизиқиб тинглаяптилар, мен уларнинг қизиқиб ишлашларини янада оширишни ҳоҳлайман ва буни уддасидан чиқаман").

6. Иш куни охирида чарчоқнинг ёзишнинг ўзингизга хос усулларини (китоб ўқиш, гулларга ишлов бериш, мусиқа тинглаш ҳ.к.) ўйлаб топинг ва уларни машқ қилинг. Кечқурун иш кунингиз давомида йиғилиб қолган салбий ҳиссиётларни таҳлил қилиш учун албатта вақт ажратинг. Салбий ҳолатларга зўр эътибор берманг, ўзингизни уқтириш кучи билан ҳар кунги ишончсизлик тўсиқларини, эҳтиётсизликни, бартараф қилинг, чунки улар эртага у ёки бу талабани тўғри тушунишингизга ҳалақит беради.

7. Агар талаба фикрингизни тушунмаса ёки қабул қилмаса унинг сабабини четдан қидиришга шошилманг. Сизнинг ҳикоянгиз узвий, мантиқли ва ишончли характерга эга бўлганлиги ҳақида ўйлаб кўринг. Талабаларни қизиқтирадиган муаммоларни қамраб олдингизми?

Ана шундай содда қоидалар ёрдамида педагогик ўзаро таъсир этиш самарадорлигини янада ошириш мумкин. Бу қоидаларни Сиз ўз амалий тажрибангиз асосида янада давом эттиришингиз мумкин.

МВ

Уқтириб таъсир кўрсатишда, уларни оқибати қандай намоён бўлади?

8-Маъруза Мавзу: Уқтириб таъсир этиш техникаси

Ўқув модуллари:

1. Педагогик уқтириш шакллари ва уларнинг самарадорлигини ошириш шартлари.
2. Ўз-ўзини уқтириш
3. Уқтириб таъсир этиш педагогикаси
4. Уқтиришга мойиллик ва унинг сабаблари

Маъруза бўйича аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу маърузани пухта ўзлаштирганидан сўнг:

- Педагогик уқтиришда шаклларни ўрганади;
- Ўқув тарбиявий амалиётида уқтиришни туркумлайди;
-Талаба ўз-ўзини уқтиришда ижобий ва салбий хислатларни ўрганади;
- Уқтиришда релаксакцияда ўрнини аниқлайди;
- Уқтириб таъсир этишда педагогикада муҳим ролини билади;
- Педагогик талабларни уқтиришнинг мухим тамойилларини аниқлайди;
- Талаба уқтириш техникасида восита самарадорлигини 4 та холати бўйича ўзлаштиради.

1. Педагогик уқтириш шакллари ва уларнинг

самарадорлигини ошириш шартлари

Педагогик амалиётда тез-тез учраб турадиган уқтириш шаклларига тухталиб ўтамиз. Ўқув юрти амалиёти учун олдиндан мўлжалланган, тўғридан тўғри (очиқ) уқтириш характерлийдир. У команда, буйруқ ва уқтирувчи йўлланма (касамед) шакллари оркали амалга оширилади. Команда ва буйруқлар талабаларда автоматик тарзда (онг билан назорат қилинмайдиган) ҳаракатларни таркиб топтиришга ундайди. Бунда талабалар гўё талаб этилаётган ҳаракатнинг оқибати яхши бўлишида ўқитувчига тўла-тўкис ишонади. Сўз билан таъсир этишнинг бундай шакллари уларни автоматик ҳолда бажарилишини назарда тутади ва спорт, уйинлар, тартибга чақириш лозим бўлган вазиятларда, ҳарбий спорт командаларида ("Ўрнингиздан туринг", "Сафланинг", "Қадамлаб юринг" ва х.к.). Ўқитувчининг талабаларни интизомга чакирувчи буйруқона фармоишларида ("қўлларингизни парта устига қуйинг", "Дарсликни ёпинглар") кенг қўлланилади. Лекин шуни унитмаслик кераки, команда ва буйруқ сўз билан таъсир этишнинг ҳарактерли ва жуда қисқа ифодаланган шакли бўлиб улар жамоа анъаналарига, меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бўлгандагина сўзсиз бажарилади.

Ўқув-тарбия амалиётида қўлланиладиган команда ва буйруқларни қўйдагича туркумлаш мумкин

1. Дастлабки ёки интилтирувчилар-уларнинг

вазифаси борор ҳаракатни автоматик равишда дарҳол бажаришга интилтиришдир ("Диққат, тайёрланинг!").

2. Ижро этилувчи буйруқлар-уларнинг кўпчилиги асосан сафлантирувчи командалардир ("Сафланинг", "Тўғри туринг", "Олдинга", "Тухтанг").

3. Таъқиқловчи буйруқлар-у ёки бу ҳаракатни тўхтатиш вазифасини бажаради ("Тўхтатинг", "қолдиринг").

4. Намуна бўйича ҳаракат қилдирувчи буйруқлар-у ёки бу ҳаракатни талабалар томонидан аниқ такрорлашни талаб қилади ("Мендек ҳаракат қил", "Иброхим кетидан такрорла").

Талабаларга у ёки бу ҳаракатни бажариши учун топшириқ берар экан, ўқитувчи берилган командаларни тўла-тўкис бажарилиши, талабаларда уларни бажаришга мувофиқ кўникмалар маълум вақт давомида шаклланишини ҳам унутмаслиги лозим. Ўқув юрти амалиётида командалар жуда кам қўлланилади. Команда ва буйруқлардан тубдан фарқ қилувчи, шаклланган одатларни ўзгартириш талаб этиладиган ҳаракатларни бажаришга талабаларни тайёрлаш каби мураккаб вазиятларда уқтирувчи қўлланмаларидан кенг фойдаланилади.

Ўқитувчи қўлланмалар-лўнда (аниқ, қисқа) ифодалаган уқтириш формулалари деб аталувчи фикрлар ёрдамида амалга оширилади. Масалан, ўқитувчи талабада уй вазифасини бажаришга ижобий муносабат шаклланишини ҳоҳлайди. У талабанинг кўзига ифодали тиқилиб, буйруғона овоз билан: "Сен яхши ўқишни ҳоҳлайсан ва уддалайсан. Бугун соат роппароса уч бўлганда сен дарс тайёрлагани ўтирасан"- деб уқтиради. Бунда ўқитувчи ўз фармойиши ва тавсиясини қатъий оҳангда таъкидлайди, фақат аниқ ҳаракат қиёфаси ва ҳулқни унга уқтиради.

Д. исмли биринчи синф талабаси доимо дарсга кечикиб келарди. Бир куни ўқитувчи унинг енига бориб астагина: "Д. сен энди кеч қолмайсан, ўтир" деди. Ҳар

куни зўғга уйғонадиган Д. эртасига ҳамммадан олдин ўрнидан турди ва дарс бошланишидан бир соат олдин мактабга олиб боришларини талаб қилди.

Уқтирувчи қўлланмалар талабаларни ҳатти-ҳаракатларини тухтатиш ёки уларни чеклаш зарурати тугилган ҳолатларда ҳамда қўрқоқ ва асабийлашган талабаларда ўзига ишонч руҳини таркиб топтиришда қўлланилади. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, ўқитувчи ва талаба ўзаро муносабатлари ижобий бўлгандагина уқтириш қўлламалари ижобий натижа беради. Узоқ муддатли ўзаро зидиятли муносабатларда бу қоидалар ҳеч қандай самара бермайди.

Ўқув юрти амалиётида тўғридан-тўғри уқтиришдан ташқари воситали уқтиришдан фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эга бўлади. У расмий шаклда эмас, балки содир бўлаётган вокеа ёки ҳодиса тафсилотига гўё ташқи жиҳатдан бетараф бўлган ҳолда уларни моҳиятини очиб берувчи кўринишида берилади. Бу ҳолларда, айниқса талабаларда ўта эмоционал таъсир кучига эга бўлган мисоллар ёки суҳбатлар тангланганда воситали уқтириш тўғридан-тўғри уқтиришга нисбатдан самаралироқ бўлиши мумкин. А.С.Макаренко таъкидлаганидек, "Тарбиячи шуни унитмаслиги керакки, ҳамма тарбияланувчилар болалар муасассаларида уларни ўқитилиши ва тарбияланишларини жуда яхши тушунадилар, Лекин улар алоҳида педагог муолажаларни ... ва айниқса, уларга тарбиянинг фойдаси ҳақида кўп гапиришларини ёқтирмайдилар... Тарбиячининг педагогик мақсади тарбияланувчилардан сир тутилиши ва якқол кўзга ташланмаслиги керак. Тарбиячининг тарбияланивчилар билан жуда кўп махсус суҳбатлар ўтказиши, уларни зериктиради ва деярли доим уни аксини қиладилар".

Воситали уқтириш буни бартараф қилишнинг муҳим воситаси бўлиб, ҳисобланади. Шунингдек, у ахборотни итоаткорона қабул қилинишини ҳам назарда тутади. Лекин бу ҳолда ўқитувчи ўз позициясини талабага мажбурлаб сингдирмайди, ғурурига путур етказмайди, шунинг учун ҳам берилган ахборотни талаба тушуниб етмасданоқ инкор қилолмайди (охиргача эшитади). Агар тўғридан тўғри берилган танбехга талаба ўзи ғурурини сақлаш учун ўзини химоя қилиш билан жавоб берса бунда талаба ўз хатти-ҳаракатининг ижобий ва салбй томонларини, характер хислатларини ўзи тахлил қилади. Ўқитувчи талабани гўё ўз ўзини баҳолаш меъзони билан қуроллантиради, талаба унинг аҳамияти ва ҳаққонийлигига ишонади ва сўзсиз қабул қилади.

Воситали уқтиришнинг қуйидаги шакллари мавжуд: киноя (умумий ишдан ажралиб бир четда ўтирган талабага ўқитувчи мехрибонлача "Еҳтиёт сен чарчаб қолмадингми?" дейди, Уқтирувчи воситали маъқуллаш). Менимча Азиза иншосида персонажлар ҳарактери жуда аниқ ифодаланган, ўқтирувчи воситали муҳокама қилинди.

МС

Ўқитишда қўшимча нималарга эътибор бериш керак?

2. Ўз-ўзини уқтириш

Шахсни камол топтиришда ўз-ўзини уқтириш муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини уқтиришнинг энг юқори даражага кўтарилганлигини ёгларда кузатиш мумкин. Лекин кундалик ҳаётда ҳам ўз-ўзини уқтириш биз ўйлагандан кўпроқ учрайди. Одатда ўз-ўзини уқтириш ибораси-талабада ўз камчиликларини англаб, уларни ўзи тузатишига интилтирувчи ижобий ҳиссиётларни таркиб топишини билдиради.

Лекин айрим тасодифий ва арзимас ташқи омиллар таъсирига ўта берилиб, болага ўзига нисбатан салбий муносабатлар шаклланиб қолиш ҳоллари ҳам учрайди. Бунга ўзини ўзи паст баҳолашни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ўз-ўзини уқтириш характердаги салбий ҳислатларни созлашда жуда катта имкониятларга эга, Лекин ўз-ўзини уқтиришдан педагогик таъсир этиш сифатида фойдаланиш шахсдан маълум даражада етукликни, бундан ташқари барқарор диққатга эга бўлишни талаб қилади. Булар ўсмирлик ва ўсмирлик даврларига мосдир, чунки шу даврда шахсда ўз ички дунёсига жонли қизиқиш уйғонади, шахсни атрофлича ўрганиш ва ўз-ўзини такомиллаштиришга эҳтиёж туғилади. Айнан шу даврда ўз-ўзини уқтириш ўз-ўзининг тарбиялашнинг муҳим воситаси сифатида намоён бўлади.

Ўз-ўзини уқтиришдан тарбиявий мақсадда фойдаланиш, шахсни бирор ҳатти ҳаракатни нотўғрилигига етарли аниқ иқрор бўлиб, ундан ҳоли бўлиш истаги пайдо бўлганда ва ниҳоят ўз-ўзига таъсир эта олиш учун маълум шароитлар ярата олгандагина фойдаланиши мумкин.

Бундай ҳолда ўқитувчининг вазифаси талабани ўз-ўзини уқтириш методикаси билан қуроллантиришдангина иборат бўлади. Ўз-ўзини уқтириш тез кунда натижа бермаслигини, балки камчиликларни бартараф қилишда маълум кетма-кетликка риоя қилиш, уқтириш предмети доимо диққат марказида туришига боғлиқ эканлигини тушунтириш лозим. Қийинчиликлар олдидаги қўрқувни притязания даражаси сусайиб ёки ортиб кетганда ўз кучига ишонмасликни енгишда ва ички қарама- қаршиликларни жуда яхши самара беради.

3. Уқтириш ва релаксастия

Ҳозирча биз одатдаги фаолият ва педагогик амалиётда амалга ошириладиган уқтириш ҳақида фикр юритдик. Агар руҳий ёки жисмоний жиҳатдан чарчаган нормал ҳолатга келтиришда уқтириш ёки ўз-ўзини уқтириш қўлланса, унинг самарадорлиги янада ошади. Бу метод релаксопедия деб аталади ва сўнгги йиллар педагогикасида кенг кўламда қўлланилмоқда.

Ўта муҳим ва мураккаб вазиятларда, масалан, тарбияси оғир талабалар билан ишлашда релаксопедиядан педагогик мақсадда фойдаланиш яхши натижа беради. Чунки одатдаги методлар бундай ҳолларда кўпинча самарасиз бўлиб қолали. Релаксатсия шароитида уқтиришни қўллашда боланинг унга нисбатан таъсирчанлигини оширади ва ижобий натижаларга олиб келади. Гап шундаки бола релаксатсия ҳолатида бўлганда ахборот қабул қилишнинг ташқи ва ички йўллари берк бўлиб, болага фақат ўқитувчининг уқтирувчи овозгина таъсир қилади, бу эса унинг таъсир этиш самарадорлигини янада оширади.

Мушаклар релаксастияси давомида ўз-ўзини уқтириш ва ахборотга таъсирчанлик юқори даражада бўлади. Шунинг учун ҳам ўз-ўзини уқтиришнинг энг қулай вақти ухлаш ва уйғониш олдидаги вақтлар ҳисобланади. Бошқа пайтларда онгнинг оқилона ташқил этувчиси (фикрлаш) қабул қилинишига асосланган, натижада ўзлаштириладиган ахборот миқдори ва сифати кескин ортади.

Уқтириб таъсир этиш педагогикаси

Уқтиришга педагогик таъсир этиш методи сифатида қаралар экан, ҳар бир ўқитувчи бу методни самарали амалга ошириш учун унинг ўзи қандай воситалар

кўламига эга эканлигини аниқ тасаввур этиши лозим. Ўқитувчининг уқтириш техниасига эга бўлмаслиги уни мувоффақиятсизликка учрашига ва ҳатто талабалар олдида кулгули ҳолатда қолишига олиб келади. Ёш ўқитувчилар фаолияти кузатилганда аксарият ҳолларда, улар имо-ишора ва гавда ҳолати ҳақида тасаввурга, таъсирчанликни оширувчи воситаларга етарли даражада эга эмасликлари, зерикарли (бир хил охангда) гапиришлари маълум бўлди. Талабалар билан сўзлашишлари эса асосан насиҳатгўйлик ва ибрат олишга чакиришдан иборат.

Кўп ҳолларда уқтириб таъсир кўрсатиш самараси- товушни тўғри танлаш, қараш, ҳаракатлар каби "майда-чуйда"ларга ҳам боғлиқ бўлади. Яъни насиҳат қилиб уқтиришда гавда ҳолати, юз ифодаси оғзаки таъсир этиш оҳангига мос бўлиши керак. Масалан, ўқитувчи қўрқоқ талабани дадиллаштирмоқчи бўлиб, унга ўгирилиб қарамасдан "Сени бугун яхши жавоб беришингни ишонаман"-деб уқтиришнинг самараси жуда кам бўлади.

Уқтириб таъсир кўрсатишни амалда қўллаш-ҳиссиётларни бошқариш, ўз сезгиларини аниқ ифодалаш ва тегишли педагогик вазифани бажаришнинг аниқ шаклини танлаш каби сифатларга асосланиши лозим. Лекин баъзан ҳатто салмокли иш стажига бўлган ўқитувчилар ҳам бўларни муҳим деб уйламайдилар. Ўта саез, самарасиз педагогик воситалар билан юқори натижаларга эришмокчи бўладилар ва муваффақият-сизликка учраб, ўзларининг нўноқликларини болалардан кўрадилар.

Ўз-ўзини уқтириш ҳам кўп ҳолларда, айниқса, ўқитувчида педагогик техника етишмаганда самарали таъсир кўрсатмайди. Мушаклар релаксатсияси (зўриқишнинг камайиши) негизида уқтиришининг фаол методларда фойдаланиш ҳам техник жиҳатдан янада такомиллаштиришни тақозо қилади.

Уқтиришнинг бу шаклида ишламоқчи бўлган ўқитувчи бундай машғулотларни назариясини билибгина қолмасдан балки уни ўтказиш техникасини ҳам ишлаб чиқиши зарур.

4. Уқтиришга мойиллик ва унинг сабаблари

Самарали уқтириб таъсир кўрсатишнинг зарур шартларидан бири инсон руҳияти ва унинг уқтиришга мойиллигидир. Уқтиришга мойиллик-бу инсонни бошқа одам ёки одамлар гуруҳи таъсирида ўз ҳулқини ўзгартиришидир. Бунда у бошқа одамлар талабига тўғридан-тўғри буйсунади, яъни бунинг учун ҳеч қандай мантиққа ёки онгли мотивларга таянмайди. Энг муҳими шундаки, киши бошқалар айтган харажатларни бажаради ва уларни ўзи мустақил ўйлаб топгандек ҳис қилади.

Уқтиришга мойиллик инсон асаб тизимининг меъёрдаги хусусиятидир. У ёш даврига (ёш болаларни уқтириш осонроқ), жинсга (аёллар уқтиришига кўпроқ мойил бўладилар), онгни ривожланиши даражаси (интелект) га (ўқимишли кишиларни уқтиришга мойиллиги паст бўлади), саломатликка (чарчаганда ёки касалликдан яқинда тузалган кишини уқтириш осон бўлади) ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Бундан ташкари уқтиришга мойиллик уқтирувчининг обрўси ва уқтириш шаклига қараб ҳам ўзгариб туради.

Уқтиришга мойилликнинг ай ниқса ёш даврларига боғлиқлиги жуда сезиларли. Болалар 7-10 ёшда жуда таъсирчан бўладилар,шунинг учун улар билан ишлашда сўзнинг уқтирувчи қудратини оширадиган алоҳида усулларини ўйлаб топишга

ҳам зарурат қолмайди. Бошланғич синф ўқитувчиларининг хурмати жуда юқори бўлади, талабалар унинг ҳар бир сўзи, ҳимояси ёки танбеҳини аниқ ҳақиқат деб қабул қиладилар. Ёши катталаниб боргани сари уқтиришга мойилликни пасайиб бориши индивидуал хусусиятдир. Шунинг учун ҳам ўсмирлар танқидий фикрга эга бўладилар, кеча эришилган муваффақиятга бугун иккиланиб қарайдилар якқол кўриниб турган ҳақиқатга ҳам тан олмайди.

Агар кишини уқтиришга мойиллиги катта ёш даврларида ҳам муқаррар сақланиб қолса, бу унинг салбий хислати бўлиб ҳисобланади. Бу унинг ёки мантиқий фикрлаш қобилияти яхши ривожланмаган ёки иродавий сифатлари етарли даражада шаклланмаган, ёки шахсий эътиқоди атрофидаги борлиқни ўз ҳулқи ва ҳаёт тарзини баҳолаш мезонига эга эмаслигидан далолат беради. Психолог Н.Е.Сҳвартс уқтиришга мойиллик даражаси турлича бўлган талабаларнинг ёзган иншоларини таҳлил қилиб жуда қизиқ натижани олган. Уқтиришга мойиллиги юқори бўлган талабаларнинг ёзган иншолари асосан ўтилган мавзуни тўғридан-тўғри қайд қилишдан иборат бўлган. Иншодаги сўзлар ҳам асосан китобдаги сўзлардан иборат бўлиб, хеч қандай ижодий ёндошиш сезилмаган. Уқтириш ниҳоятда қийин бўлган талабалар иншоларида эса энг аввало ҳар бир талабанинг ижобий ёндошуви, ўз фикрини баён қилиши, баъзан мунозарали, нотўғри ва дарсда айтилган фикрига нисбатдан қарама-қарши фикрларни ҳам баён этганлар.

Уқтиришга мойиллик даражаси билан ўз-ўзини уқтириш самарадорлигининг ўзаро муносабати ҳам жуда қизиқарли: шахснинг уқтиришга мойиллиги қанча юқори бўлса уни ўз-ўзини уқтириш самарадорлиги шунча паст бўлган ва аксинча киши ташқи уқтиришга қарама-қаршилик қилса ўзини-ўзи уқтириш натижаси юқори бўлган. Демак уқтириш таъсирчанлигининг самара-дорлигини энг аввало ўзаро мулоқотга киришган шахсларнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлар экан. Лекин материални қайси шаклда тушунтирилиши ҳам маълум бир уқтирувчи аҳамиятга эга бўлади. Шундай қилиб ўқитувчи қўллаётган воситаларнинг самарадорлиги қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

1. Воситаларни аниқ ифодаланувчиликка эга бўлиши-маъноси аниқ сўзлардан фойдаланиш уқтирувчанликни оширади ва аксинча.

2. Мавзунинг ўзига хослиги-қиёфа (образ)ни ифодалашда уни мавҳумлаштириш (абстрактсия) даражаси қанча юқори бўлса, уни уқтириш кучи шунча ҳам бўлади.

3. Нутқ динамикаси-товушнинг мулойим ва кучли бўлиши, талабалар учун кутилмаган маълумотларни айтиш нутқнинг уқтирувчанлигини оширади.

4. Мусиқа (айниқса оҳангдори) жуда катта уқтирувчи кучга эга бўлади. Шунинг учун ҳам ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда, сафланиб юришини қатъий тартибга солишда мусиқа оҳангига алоҳида эътибор берилади. Унинг таъсирида аскарларга командаларни бажаришга оид аниқ қоидалар шаклланади. Шунинг учун ҳам А.С.Макаренко мусиқадан болалар интизомига ва эстетик дидига таъсир этиш воситаси сифатида фойдаланган.

9-маъруза
Мавзу: Талабалар маданияти шакллантириш жараёнини ташкил этиш

Ўқув модуллари:

1. Миллий ишчи ходимларни тайёрлашдаги маданий омиллар.
2. Муҳандис-педагоглар жамоаси фаолиятини ташкил этиш.
3. Талабаларда шахс маданияти шакллантириш ва ривожлантириш.

Маъруза бўйича аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу маърузани пухта ўзлаштирганидан сўнг:

-Касб-хунур техника таълим тизимининг мақсадларини ўтганади;
-Бўлажак миллий ишчи ходимлар маданиятига тегишли «Рисолаларни» ўрганиш;
- Муҳандис-педагог шахс маданиятини ривожлантириш жараёнида дастурларни асос қилиб олиши;
- Ўқитишда ва тарбия беришда талабаларга йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилишни ўргатади.
- Талабаларни ахлоқ маданияти ва шахслараро муносабатларини эгаллайди.

Ҳозирги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар даврида ва жамиятнни инсонпарварлаштириш шароитида ҳунар-техника таълимини ривожлантиришнинг ўрни беқиёс даражада ортиб бормоқда.

Жумладан, фаолият кўрсатаётган ҳунар-техника таълим тизимининг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

1. Инсоннинг қизиқиш ва қобилиятига кўра, малака даражасини олиши, касбга эга бўлиши учун шароит яратиб бериш ва кейин ишлаб чиқаришга жалб қилиш.

2. Ишлаб чикариш муассасаларини юқори малакали, илмий-техник тараққиёт талабларига жавоб берувчи, кенг политехник билим доирасига эга бўлган, ўз касбини севган мутахассислар билан таъминлаш. Халқ хўжалигининг жорий ва истиқбол эҳтиёжларини қондириш.

3. Жамиятни ижтимоий фаол, умуминсоний қадрият ва ғояларига эга бўлган ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартира оладиган, бошқара оладиган, ўз Ватани ва халқи тақдири, корхона фаолияти, ўз мехнити натижаларига жавобгарликни ҳис кила оладиган ижодкор аъзоларни тарбиялаш.

Ҳунар-техника таълимининг мақсадлари шахс, ҳунар билим юрти битирувчиси ишлайдиган корхона ва умуман жамият манфаатларини кўзланган ҳолда талабаларни касбга тайёрлаш ва тарбиялаш ишларининг мазмуни, шакли, усули ва воситаларини қайта кўриб чиқиш. Энг аввало, жамият ва ишлаб чиқиш талабларига жавоб берувчи тарбия жараёнини аниқ вазифаси хамда ишчи, ходимни-шахсни вояга етказувчи ва ривожлантирувчи дастур лозим булади. Маълумки, янги турдаги ўқув муассасалари (листей, коллеж)да ҳунар (касб)га тайёрлаш, битирувчилар ўрта бўғин мутахассислари бўлиб, фақат касбий билим, кўникма ва малакага эга бўлмасдан ҳаётий маданият асосларини эгаллашлари лозим.

Шахс маданияти-бўлажак миллий ишчи ходимларининг (интеллектуаллик) ақллилиги, ташкилий ва ижодкорлик қобилияти, интизомлилик ва ишбилармонлиги, ўзини тутиб олганлиги, масъулиятлилик ва миллий руҳнинг мавжудлиги, ишлаётган фирма (корхона) жамоасига ва жамиятга муносиблиги каби муҳим ижтимоий сифатларнинг таркиб топиши ва ривожланишнинг асосидир. Сҳахсга танг олинган тажрибани ўргатиш фаолиятнинг ҳар хил шакл ва усулларига ўқитиш, шунингдек, маълум мақсадга йўналтирилган тарбия ташқи муҳитнинг кенг кўламдаги таъсири остида амалга оширилади. «Тарбия» ва «жамиятга мослашиш» тушунчаларининг

моҳияти ва ўзаро боғлиқлиги (маданият) тушунчасини очиб бериш учун имконият яратади.

Ишчи-ходимларнинг шахсий маданиятини таркиб топтириш ва ривожлантириш муаммоси Ўрта Осиё халқлари учун янги пайдо бўлаётган тадқиқот эмас. Чунки шу юртнинг Беруний, Ибн Сино, Форобий каби қомусий алломалари таълимнинг руҳий-маънавий мазмунининг ўзига хос хусусиятларини ажратиб беришган. Тусийнинг «Таълим олувчиларга йўриқнома» асарида эса такомиллашган шахс ва ўз ишининг устасини шакллантиришни таъминловчи 14 та хусусият айтиб ўтилган. Булар, чидамкорлик, мўътадил ўзаро ёрдам ва дўстона муносабат, одамийлик, сахийлик, мулойимлик, олийжаноблик ва бошқалар, Форобийнинг фикрича илмга эга бўлиш бир қаторда юқоридаги хусусиятларга ҳам эга бўлиш кишини ҳақиқий инсонга айлантиради.

Беруний инсонни баҳолаш мезони иш ва меҳнатидалигини кўрсатиб, «Ҳар бир одамнинг баҳосси-ўз ишини ажойиб бажаришидадур»-деб ёзади.

Х асрнинг иккинчи ярмида бир гуруҳ олимлар, файласуф ва дин арбоблари «Покланиш биродарлари» деб номланган диний-фалсафий мактаб негизида ўша даврда мавжуд бўлган ҳар бир ҳунар учун «Рисола», яъни миллий ҳунармандчилик маданиятини шакллантириш, ривожлантириш, ташҳис (диагностика) этиш ва баҳолаш бўйича ўзига хос дастурини ишлаб чиқилган.

Ушбу «Рисола» да ҳунармандчиликнинг вужудга келиш тарихи, бюўлажак усталарга қўйиладиган аҳлоқий талаблар тўғрисида ёзилиб, авлоддан-авлодга ҳунармандчиликнинг аҳлоқий талаблар тўғрисида ўргатиш яхши ниятда оқсоқоллар томонидан фотиҳа орқали амалга оширилганлиги айтилган. Бу эса ҳунарни қабул қилиб олаётган бўлажак устадан нафақат кўникма ва малакаларни талаб этган, балки ҳунармандчилик маданиятини, халқ анъанасини сақлашга масъулият юкланган.

«Рисола» нинг тахминий тузилиш тизими бўйича ўтказилган сўров ва суҳбатлар натижаси шуни кўрсатадики, ҳозир ҳам Х аср аввал ёзилган «Рисола» дагидек иш юритилмоқда.

«Рисола» да айтилишича, ҳунармандни мустақил фаолият кўрсатиши учун рухсат беришдан олдин қуйидагиларни аниқлаб олиш лозим:

касб-ҳунарга бўлган қизиқишини;

ўзидан сўнг келажак авлодга нималар қолдиришини исташини?

Унинг билими халққа нималарни беради?

Касбнинг моҳияти ва мазмуни нималардан иборат?

У ўзига ишонадими?

Булардан ташқари, шахснинг билим ва малкасига баҳо бериш, мустақил ишлаш учун тайёргарлик даражасини аниқлашни таклиф этиш лозим ва ниҳоят касбий билим ва малакасига баҳо бериш мумкин бўлади.

Сҳахс маданияти-бу инсониятнинг маданий мероси-умуминсоний қадрияти ва аҳлоқ қоидаларининг, ҳар хил турдаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолият ва шахслараро алоқа шаклларини ўзлаштириш даражасидир.

Бўлажак ишчи шахсини таркиб топтиришда қатнашувчи маданият белгиларининг барчасига тўхталиб ўтиш имкониятига эга бўлганлигимиз сабабли, асосийлари ҳисобланган касб маданияти, сиёсий маданият, руҳий-маънавий маданият, шахслараро алоқа маданияти кабиларни ажратиб кўрсата оламиз.

2. Муҳандис-педагоглар жамоаси фаолиятини ташкил этиш.

Ўқув муассасалари муҳандис-педагог жамоаси фаолият, дастури шахс маданиятини ривожлантириш жараёнини бошқариш механизми бўлиб хизмат қилади.

Дастурга қуйидаги қоидалар асос қилиб олинади:

талабаларда шахс маданиятига хос хусусиятларини ривожлантириш мақсадида улар билан ишлашнинг барча шакл ва усулларини қўллаш;

талабалар билан ишлашда жамиятга мослаштириш ҳақидаги тушунчаларга якка тартибда ёндошиш;

талабаларда шахсий маданиятни ривожлантириш мажмуасини амалга оширишнинг жиддий йўналиш кетма-кетлигига эришиш;

ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро алоқасининг мустаҳкамланиши.

Ташкилий ишлар маданияти асосан малакали ишчи-ходимларни, шу билан бирга ташкилий ишлар ўқув муассасасида ахборот, моддий техник ва ўқув таъминот учун ҳам яхши шароит яратиб берилиши зарурдир.

Дастурни амалга ошириш икки йўналишда олиб борилади:

1. Ушбу йўналиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) Муҳандис-педагог хаодимларни шахс маданиятининг таркиб топтириш усуллари билан таништириш;

б) биринчи курс талабаларида шахс маданиятини таркиб топтириш сифатини ташҳис этиш, хусусиятларини ижтимоий муносабатларини ўрганиш;

в) талабаларда шахсий маданиятни ривожлантириш учун ўқув жараёнининг имкониятларини аниқлаш ва фойдаланиш;

г) педагогик маслаҳатлар, мажлислар ўтказишни бошқариш мақсадлари;

ҳар бир талабага педагогик таъсир этишининг самарали йўлларини ишлаб чиқиш;

талаба билан муҳандис-муаллим ходимларнинг ўзаро муносабатини яхшилаш усулларини излаш;

талабаларда педагогик таъсир натижасида шахс маданияти хусусиятларини ривожланиши ва содир бўлган ўзгаришлар даражасини таҳлил этиш;

ўқитиш ва тарбия бериш ишларида талабаларнинг ижробий томонларидан фойдаланиб, шахс маданиятини ривожлантириш истиқболини белгилаш дастурининг таъсир куўрсатишида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этган ҳолда амалга ошириш;

д) «Руҳий-педагогик кундалик» ни мунтазам равишда юритиб бориш.

3. Талабаларда маданиятли шахс хусусиятларини ривожлантириш.

Ушбу йўналиш ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) талабаларга (ташҳис натижалари асосида) дарс ва дарсдпан ташқари фаолиятлари, билми ва тарбия олиш учун ўз устида ишлаш, шахсий режалар тузиш ва амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатиш;

б) гуруҳ фаолларига жамоанинг ҳар бир талабасининг қобилияти, эҳтиёжи, қизиқиши ва мойиллигини аниқлаш бўйича дастур ишлаб чиқишда кўмаклашиш;

в) талабаларда меҳнат, аҳлоқ ва шахслараро муносабат, сиёсий, руҳий ва маънавий маданиятларни ривожлантириш мақсадида назарий дарс ва ҳунар таълимининг барча имкониятларидан фойдаланиш;

г) хўжалик ҳисоби шароитида талабаларда илмий техник ижодкорликни ривожлантириш;

д) ўқув муассасаси анъаналари оталиқ ташкилот мутахассислари ва дарсдан ташқари вақтлардан оқилона фойдаланиш;

е) кичик муҳитнинг шахсга таъсирини бошқариб туриш.

«Руҳий-педагогик кундалик» талабаларда шахс маданиятини ривожланиши учун шахсан, яъни якка тартибда ёндошишни таъминлаб беради. Шу билан бирга, руҳий-педагогик кундалик ёш, етарли даражада педагогик тажрибага эга бўлмаган муҳандис-муаллим ходимлар учун қўлланма вазифасини ҳам бажаради. Чунки улар кундаликдаги маълумотномалар билан танишгандан сўнг мустақил равишда талабалар орасида руҳий-педагогик кузатишлар олиб боришади. Уларнинг шахсий хусусиятларининг ривожланиш истиқболини белгилаш ва режалаштириш, педагогик таъсир кўрсатиш восита ва шаклларига ўзгартиришлар киритиш ишларини ҳам амалга ошириш имкониятига эга бўладилар.

4. Талабаларда шахс маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш.

Талабаларда шахс маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш усулларини литсей ва коллежларда муваффақиятли равишда синовдан ўтказилган. Бу усуллар жуда содда бўлиб, амалга ошириш ҳам кўп қийинчиликлар туғдирмайди. Энг аввало, ўқитувчи (келажакда таълим гуруҳ раҳбари) ва ҳунар таълими усталари ўқишга кирувчиларнинг ота-оналари билан суҳбат ўтказади.

Шундан сўнг, талабаларда мавжуд бўлган шахсий хусусиятлар қай даражада ривожланганлиги, ижтимоий алоқалари ҳақида дастлабки маълумотларга эга бўлганидан кейин, гуруҳ раҳбари ва ҳунар таълим усталари талабаларни касб (ҳунар) га тайёрлаш жараёнида қайси (ижобий) хусусиятларидан фойдаланиш ва қайси (салбий) хусусиятлари тўсқинлик қилиши мумкинлигини аниқлаб олиш имкониятларига эга бўладилар.

Талабалар режаларида адабиётлар жамғармасини тўлдириш, лозим бўлган ўқув ва касбий билим ҳамда кўникмаларни ўзлаштириш, руҳий-маънавий, меҳнат ва сиёсий маданиятларни такомиллаштириш, салбий хислатларни бартараф этиш каби ишларни режалаштирадилар.

Талабаларда шахсий маданият хусусиятларини ривожлантириш жараёнини: таълим бериш даврини янада фаоллаштириш имкониятларидан фойдаланиш хўжалик ҳисобидаги ижодий лабораториялар асосида илмий-техник ижодкорликни ривожлантириш, педагогик таъсир кўрсатиш шакл ва усулларининг бошқа турларидан ҳам кенг кўламда фойдаланиш йўли билан ташкил этилади.

Талабаларни касб (ҳунарга) га ўргатишда тайёрлов даврида (биринчи курснинг биринчи ярим йиллиги) шахснинг ички туйғу ва ҳиссиётларини ривожлантириш учун таъсир кўрсатишнинг мақсадли бўлишига боғлиқ бўлади. Бунинг учун муҳандис-педагог ходимлар талабаларни туйғу ва ҳиссиётларга таъсир этиш учун кўргазмали қуроллар, ҳунармандчилик ва жамоага мослашиш истиқболлари, ҳунар, фан ва касбларга бўлган муносабатлар ҳақида дилкаш суҳбатлар ўтказиши, иш

усулларини ва касбий маҳоратини кўрсатиш каби ҳар хил воситалардан фойдаланишлари лозим.

Буларнинг ҳаммаси биринчи курс талабаларида махсус, умумтехник, умутаълим дарсларида билим эгаллашда имконият яратади ва ички ҳиссиётларини руҳий ва жисмоний такомиллаштиришга ёрдам бериб, онгли равишда касб (ҳунар) га ва ижтимоий-сиёсий воқеаларга бўлган қизиқишини уйғотади.

Гуруҳ раҳбари ва таълим устаси она тили ўқитувчиси ва кутубхоначи билан ҳамкорликда талабаларга умуминсоний алоқа қоидаларини эгаллашда асл маънавий ғоларни ахатаришда, ижодий фаолиятда «ўз ўрнини топиш», нуқт маданиятини ривожлантиришда, жамоада ўзаро муносабатда бўла олишга, халқнинг руҳий, маънавий мероси билан қуроллантиришда ёрдам беришлари ва ҳамкорлик қилишлари керак. Амалда (сиёсат, махсус дарсларда ўқув филмларни кўрсатиш, мураббий дарси) бўлажак ишчи-ходимларга меҳнатни режалаштириш, вақтни қадрлаш, ишни ва иш жойини ташкил этишлари кўрсатиб бериш ҳам жуда муҳимдир.

Онгли равишда ҳунармандчилик соҳасилда ўз ўрни белгилаш талабани интилишини талаб этади. Бу бадиий, ижодий суҳбатлар, маънавий тарбияловчи шароитлар, «касбни ҳимоя қилиш» танловлари, якка тартибда ўтказиладиган суҳбатлар орқали амалга оширилади.

Талабаларнинг шахсий маданиятини таркиб топтириш мақсадида дастлабки тайёрлов даврида олимпиада, техник викторина, касб устаси танлови, («Билим байрами», «Билим юртининг ташкил этилган куни»), меҳнат фахрийлари ва илғорлари билим юртини битириб кетган талабалар билан учрашув, оталиқ ташкилот билан таништирш саёҳатлари уюштириш каби тадбирларни ўтказиш тавсия этилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бу ерда биринчи курс талабалари қатнашувчи ҳолда, иккинчи курс ташкилотчи, учинчи курс ва тўртинчи курслар эса бўлажак ишчи ва мутахассислардан шахсий маданият, касбга йўналтириш ва ўз ўрнини белгилашда қаратилган янги тадбирлар ташаббускорлари тимсолида намоён бўладилар.

Талабаларда маданиятли шахс хусусиятларини ривожлантириш учун, ҳамда бўлажак мутахассисларни ташкилотчилик маданиятини шакллантириш учун ҳунар таълим дарсларига муҳим аҳамият берилиши керак. Бу даврда ижтимоий дарсларда талабаларнинг таълим олишга, руҳий такомиллашишига, ҳаётда маънавий ғояларга интилиши бўйича йўналишлар шакллантирилади.

Талабаларни аҳлоқ маданияти ва шахслараро муносабатларини ривожлантириш жараёнида барча муомала турларини қўллаган ҳолда ўйин, муаммоли дарслар, меҳнатни бригада усуллари каби шакллари қўлланилади.

Кўрсатилган ва бошқа мавжуд шакл ва усуллар талабаларда кенг миқёсда муомала (ўзаро муносабат) га, ижтимоий ўзаро фаолият, ўзи ва ўртоқларига оқилона баҳо беришга интилишини ривожлантириш имкониятини яратиш.

Талабаларда маданиятли шахс хусусиятларини ривожлантириш учун ҳамда бўлажак мутахассисларни ташкилотчилик маданиятини шакллантириш учун ҳунар таълими дасрларига муҳим аҳамият берилиши керак.

Шундай қилиб, бўлажак ишчининг шахсий маданиятини ривожлантириш режасининг мавжудлиги тарбия ишларни ташкил этилишида, умумий

ривожланишда, меҳнат интизомида, ҳаётий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, дифференциал (якка тартибда) ёндошишда ҳунар билим юртининг ижтимоий вазифаларни тажрибали ишчи-мутахассис тайёрлаш вазифасини бажара олишга имконият яратиб беради.

Муаммоли саволлар

1. Касб маданияти белгилари нимадан иборат?
2. Касб маданиятини шакллантиришнинг қандай омиллари мавжуд?
3. Кишининг касбий фаолиятидаги камолоти нима билан ўлчанади?
4. Касб маданиятини шакллантиришнинг объектив омили бу … (тўғри жавобни танланг)?

10-Маъруза

Мавзу: Нутқ маданияти фанининг ўрганиш объекти ва вазифалари

Ўқув модуллари:

1. Нутқ маданияти асослари.

2. Нутқ маданияти фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.

3. Тил ва нутқ.

Маъруза бўйича аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу маърузани пухта ўзлаштирганидан сўнг:

-Дарсда нутқ маданиятини асосийлигига эътибор бериши;
-Нутқ маданияти назариясида тил нормаларини билиши;
-Нутқ маданиятини ўзлаштирга холда бошқа фанлар билан чамбарчас боғлиқлиги;
-Нутқ маданиятида тил ва нутқ бир бирига боғлиқлиги;
-Талаба тил маданияти ва нутқ маданиятини лисоний имкониятларини иккита босқичда эгаллаши;
-Тил ва нутқ орқали педагогик образлар билан мулоқотни ўрганади.

1. Нутқ маданияти асослари

Нутқ маданияти асослари фани ўзбек тилшунослигининг ўзига хос амалий соҳасидир. У тилшуносликнинг назарий курсларидан олинган били мларга суянган ҳолда тўғри ва чиройли нутқ тузиш йўлларини ўргатади.

Нутқ маданияти-амалий жиҳатдан нутқнинг хилма-хил муаммоларини тадқиқ қилувчи фан. Педагогикада тилшуносликнинг мустақил соҳаси сифатида чиройли нутқ тизимининг қобилиятлари, сирлари, тил, тил нормалари, нутқ нутқнинг сифатлари, нутқий услублар, нутқда учраши мумкин бўлган камчилик ва хатолар, нутқий асарларнинг кўринишлари, нутқнинг талаффузига доир муаммолар юзасидан баҳс юритади.

Нутқ маданияти асослари ҳам фан сифатида ўз текшириш объекти ва вазифаларига эга. Унинг текшириш предмети нутқнинг тил қурилиши, адабий тил нормалари ва нутқнинг коммуникатив (алоқа учун керакли) фазилатларидари. Бу фазилатлар ҳар қандай нутқда бир хил даражада бўлмайди. Шунинг учун турли кишининг нутқи тингловчи томонидан турлича қабул қилинади. Ҳатто, бир кишининг турли мавзуда нутқи ҳам ҳар хил бўлиши мумкин.

Нутқ маданияти назариясида тил нормаси марказий тушунчадир. Тил маданиятининг асосий текшириш объекти адабий тил нормалари, асосий вазифаси

эса ушбу нормадаги иккиланишларни бартарф этиш бўлмаги керак. Тил нормаси тушунчаси мураккаб муаммолардан бўлиб, кўп ўлчовли, кўп режали, яъни объектив-тарихий, маданий-сотсиологик ва соф лингвистикҳодисадир. Тил нормаларнинг муҳимлиги ҳақида рус тилшуноси Л.И.Сквортсов образли қилиб шундай деган эди: «Ижтимоий-маданий ҳаётда тил нормалари бир машъаладирки, нутқ фаолиятининг қирғоқсиз океанида тил коллективи унга қараб интилади, таянади».

Шундай қилиб, нутқ маданияти асослари фани адабий тил нормаларини, унинг тарихийлигини, тараққий этиб бориши, ундаги баъзи унсурларнинг эскириши, улар ўрнида жамиятнинг янгича талабларига жавоб берадиган янги норматив унсурларнинг пайдо бўлишини кузатиб, қайд этиб боради.

Ҳар бир давр адабий тилининг ўз нормалари бўлади.

Баъзи бир ҳодисалар узоқ даврлар норма сифатида қўлланилиб келиши мумкин. А.Навоий ижод қилган ХЙ аср ўзбек адабий тилининг ўз нормалари мавжуд эди, уларга кўра тилнинг фонетикаси, грамматикаси ва статистикасидан фойдаланишнинг ўз меъёри бор эди. У давр адабий тилининг ўз талаффуз нормалари ҳам бўлган. Бу адабий нормалар жиддий ўзгаришларга учрамасдан бадиий адабиёт тилида ХИХ аср охиригача амал қилиб келди.

Бизнинг давримизда ўзбек адабий тили нормалари жиддий янгиланади: сўз қўллаш, грамматика, талаффуз нормалари халқ жонли тили хусусиятлари асосда ўзгарди. Шунга қарамасдан, тарихий шаклланган анъанавий нормалардан баъзилари ҳозир ҳам амал қилиб келмоқда.

Нутқ маданияти фани тилнинг ҳамма соҳалари бўйича адабий тил нормаларини тадқиқ қилиб боради. Энг мақбул ҳодисаларнинг адабий норма сифатида мустаҳкамланиши учун тавсиялар беради. Балки ўзбек миллий адабий тили фаолиятини, унинг ривожланишини кузатиб боради, объектив қонунларини кашф этади, шулар асосида тавсиялар беради, холос.

2. Нутқ маданияти фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.

Ҳар бир нутқда тилнинг ҳамма қисм (ярус) лари озми-кўпми ўз ифодасини топади. Тилнинг бирор соҳаси қатнашмай қолган нутқнинг бўлиши мумкин эмас. Демак, ҳар қандай нутқда тилнинг фанетика ҳам, лексикаси ҳам, сўз ясалиши, морфология ҳам, синтаксис, стимистикаси ҳам иштирок этган бўлади. шундай экан, обеъкти нутқ бўлган нутқ маданияти фани ҳам тилшуносликнинг ҳамма тармоқ фанлари билан бевосита боғлангандир.

Нутқ маданияти бу фанларга хос ходисаларни тўғридан-тўғри ўрганмайди. Уларни нутқнинг алоқавий сифатларига ижобий ёки салбий таъсирига кўра текширади. Масалан, нутқ маданияти нутқ товушларининг унли ва ундошлардан иборатлиги, уларнинг таснифи ва ҳоказоларга «қўл урмасдан», фақат у ёки бу нутқ товушини нутқнинг тингловчи (адресат) га етиб боришида ёки сўзловчининг нутқ жараёнидаги оҳангини етказишда кўрсатилган яхши ёки ёмон таъсири

Нутқ маданияти фани ўз хусусиятларига кўра услубшунослик (стилистика)га яқиндир. Услубшунослик тил услубларини ўрганади. Нутқ маданияти асослари фани бўлса тилшуносликнинг тил нормаларига алоқадор ҳамма соҳалари билан боғлангандир.

Нутқ маданияти асослари фанининг асосий таянчи ҳозирги ўзбек адабий тилининг грамматикасидир, чунки нутқнинг тўғрилиги унинг асосий фазилати бўлиб, у грамматик нормаларига асосланади.

Нутқ маданияти асослари фани норматив грамматика орқали олинган билимларга суянса ҳам тил материалларига, муносабатига кўра ундан фарқ қилади. Нутқ маданияти асослари фанини тил далилларининг нормага бўйсиниши, мос келиши, тебраниб туриши, нормани бузиш ҳоллари қизиқтиради. Нутқ маданияти асослари соф амалий мақсадни кўзловчи фан сифатида, тил ҳақидаги билимларнинг амалий сохаси сифатида тил тузилишининг норматив мустаҳкам ёки номустаҳкам соҳаларини белгилаш ва кучсиз томонларини мустахкамлайдиган тавсиялар бериш билан шуғулланади. Нутқ маданияти грамматик нормалар системасини, бу системани кучайтирувчи ёки сусайтирувчи шарт-шароитларни ўрганади. Аммо у нормага бўйсинувчи грамматик категориялар, шакллар, маъноларни ўрганмайди.

Нутқ маданияти асослари фани лексикология ва семасиологияга қаттиқ боғлангандир. Чунки нутқнинг алоқавий фазилати хисоблангшна аниқлик, тўғриликни сўзнинг луғавий маъноларининг аниқ тавсифсиз тушуниб бўлмайди. Нутқнинг мантиқлиги сўз маъноларининг маъно ва мазмуний боғланишларига асосланади. Нутқнинг софлик, ифодавийлик, ўринлилик каби алоқавий фазилатлари ҳам нутқ маданияти фанини лексиколгия ва семасиология билан боғлайди. Нутқ маданияти асослари фани ҳамма вақт мантиқ ва руҳшуносликка суянади. Логикага мурожат қилмасдан туриб аниқлик ва мантиқийликни тайинлаш ҳам, баҳолаш ҳам мумкин эмас.

Мантиқий сўзлар ва бутун бир галдан чиқадиган тушунчаларни белгалайди. Сўзларнинг маъноси ва ифодаланаётган тушунча ўртасидаги муносабатни мантиқ текширади. Мантиқ сўзлар, бирикмалар ва гаплар орасидаги маъно алоқаларини тайинлайди. Синтактик тузилмалар орасида мазмуний алоқаларнинг жиддийлиги ҳақида шубҳа пайдо бўлганда ҳамма вақт мантиққа мурожаат қилиш зарурияти туғилади. Бундай пайтларда асосий тушунчалани ҳам, мантиқий категорияларни ҳам, унинг силлогизмини (2 хил фикрни таққослашни) фаразлар ва теоремаларни ҳам ишга солишга тўғри келади. Мантиқийликка мурожаат қилиш, хусусан, гапни тавсифлаш, унинг мантиқан манфий ва мусбат томонларини аниқ белгилаш пайтида янада зарур бўлади.

Нутқ кўриниши ўринли ва ўринсиз бўлиб кўринган ҳаётий ҳолатларда руҳшуносликка мурожаат қилишга тўғри келади. Руҳшунослик ўринсизайтилган гаплар инсоннинг руҳий ҳолатига қандай таъсир этишини аниқ айтиб бериши керак.

Булардан ташқари нутқ маданити асослари фани нафосат ҳақидаги фан эстетика билан, бадиий адабиёт назарияси, адабиётшунослик ва адабий танқид билан ҳам алоқадордир.

3. Тил ва нутқ

Тил ва нутқ бир-бирига боғлиқ ҳодисалардир. Уларни бир-биридан ажратиб қараш асоссиздир. Тил нутқ учун моддий материалдир. Сҳу материал асосида нутқ ташкил топади. Тилдан ҳамма нарса тил жамоаси учун умумий бўлади. Тилда руҳий ва моддий материал мавжуд. Сўз, морфема, фонемаларнинг киши хотирасидаги образлари руҳий материал ҳисобланади. Нутқ яратиш жараёнида маълум товуш тўплами (комплекси) да намоён бўладиган сўз шакллари, морфемалар, товушлар

моддий материалдир. Бундан тил бир томондан моддий ҳодиса бўлса, иккинчи томондан руҳий ҳодисадир деган хулоса келиб чиқади. Унинг моддийлигини эса, нутқ жараёнида юзага келувчи мавжуд (реал) товушлар белгилайди.

Биз хотирамизда сақланган қоидалардан тезкорлик билан (автоматик ҳолда) фойдаланиб, бирор фикрни юзага чиқариш учун сўзлар ва грамматик маъно ташувчи морфемалардан сўз шаклларини ва гапларни ҳосилқиламиз. Масалан: миямизда у китобни қаердан олганини билиш фикри туғилди дейлик, уни савол тариқасида шундай юзага чиқарамиз:

Сен китобни қаердан олдинг?

Бунда биз сен, китоб, қаер, ол лексемаларидан; -ни, -дан, -да, -нг морфемаларидан ва сўроқ гап моделидан ҳамда қоидасидан фойдаландик. Бу гапни айтиш жараёнида онгимиздаги лексемалар алоҳида морфермалари қабул қилиб сўз шаклларига айланади ва юқоридагича тартибни эгаллайди. Тил руҳий ҳодисадан моддий ҳодисага айланади. Бу жараён тугаши билан тилга тегишли нарсалар яна алоҳидалик ҳолатига қайтади ва онгимизда аввалгидек сақлана боради. Демак, маълум тил сифатида сақланадиган ва ҳамма вақт ҳақиқатга айланишга тайёр турган сўз, фонема, турли лисоний қоидалар, гапларнинг моделлари тилга тегишлиди. Тилга оид нарсалар чегараланган миқдордадир.

Нутқ тилдаги мавжуд ифода воситаларидан фойдаланган ҳолда мавжудликка (ҳақиқатга) айланган фикрдир. Нутқ нутқ аъзоларининг ҳаракати жараёнида пайдо бўлади. Руҳий ҳодиса бўлган тилнинг ифода воситалари нутқ ихтиёрига ўтгач, ҳақиқатга айланади. Демак, нутқ нутқ фаолиятининг махсулотидан, маълум шаклга киришидан иборат.

Нутқ икки хил бўлади: ички нутқ ва ташқи нутқ. Нутқ киши онгида ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Бунда у ҳали реаллашмаган тил унсурларидан ташкил топади. Бу-ички нутқдир. Кишиларнинг оғиз очмасдан фикрлаши, мунозара юритиши, ўйлаши ички нутққа мисол бўлади.

Ўпкадан келган ҳавонинг нутқ органларига таъсири, шу таъсир натижасида уларнинг ҳаракати билан аниқ товушлар сифатида юзага келадиган нутқ-ташқи нутқдир. Нутқ ҳаракатидаги тилдир. Нутқ тилга тегишли нарсаларни маълум вақт бўлагида бир-бирига қўшади,ҳаракатга келтиради. Нутқ сўз шакллари, эркин бирикмалар, сўз таркиби ва гаплардан ташкил топади. Нутқ жараёни тугаб, фикр тингловчига етиб боргач,нутқ ҳам тугайди. Демак, сўз шакллари, эркин бирикмалари, сўз таркиби, гапнинг турли кўринишлари нутқникидир. Тилдаги ифода воситалари чегараланган бўлишига карамасдан, нутқ чексиздир. Тил воситалари нутқ ихтиёрига ўткач, улардан чексиз миқдорда гаплар тузиш мумкин. Нутқ жамоадаги ёлғиз шахс томонидан яратилади. Нутқ жамоадаги алоҳида киши ёки кишиларга қаратилган бўлади. Демак, нутқ ижтимоий ҳодисадир. Жамиятдаги кишиларни бирлаштириш, маълум мақсад сари айлантириш имкониятига эга. Жамият тараққиётида нутқ белгиловчи рол ўйнайди. Нутқсиз киши жамиятда бўлиши мумкин эмас. Ҳамма синфлар тил воситаларидан тенг фойдаланаверадилар. Аммо нутқ ундай эмас. Маълум бир синфнинг манфаатини кўзлабтузилади. Демак, нутқ синфий ходисадир.

4. Тил маданияти ва нутқ маданияти.

Тилнинг маданияти нималардан иборат?

Тилнинг маданияти дейилганда, унинг сўз бойлиги, синтаксизнинг тараққиёти ва бойиш даражаси, сўз маъноларининг ўткирлиги, нутқий оҳангнинг ранг-баранглиги тушунилади. Нутқнинг маданияти унинг алоқавий фазилатлари йиғиндиси ва тизими бўлиб, улар тил маданияти тил фаолиятида қийналмаслик, матннинг мазмуний вазифаси ва имконияти каби ҳар хил шароитларга боғлиқ.

Тилнинг лисоний имкониятларини эгаллаш икки босқичда амалга ошади. 1-босқич тил воситаларини билишдан иборат. Бу нутқни тинглаганда унда ишлайдиган тил воситаларининг маъноси ва вазифасини англашда кўринади. Яъни, тингловчи тинглаш ва ўқиган нарсаларини тушунади. Бундай шахс ўзгалар нутқини яхши тушунади. Аммо ўзининг нутқи тилнинг ранг-баранг имкониятларидан маҳрум, қошшоқ бўлади.

2-босқич тил системаси тақдим этган имкониятларнинг катта қисмини чуқур ўзлаштиради, уларни нутқ тезкорлигига айлантириб олишдан иборатдир. Бунга эришган шахснинг нутқи равон, бой, образли, ўринли бўлади. 1-босқичда англаб олинган нутқ воситалари устида доимий машқ қилиш, уларни хотирада сақлашга доимо эътибор бериш, бу имкониятларни нутқий тезкорликка айлантиради.

Инсонинг нуткий фаолияти уч кўринишга амал қилади. Булар: сўзлаш, мутоолаа ва эшитиш. Сўзлаш дейилганда сўзловчининг маълумот, маслаҳат бериши, буюриши, ўзига номаълум нарсалар ҳақида сўраши англатилади. Сўзлаганда сўзловчининг билими, маданияти, аҳлоқ-одоби юзага чиқади.

Мутолаа талабанинг ёзма нутқ орқали асар муаллифи, образлари билан мулоқотидир. Мутолаа туфайли талаба ёзма нутқидан акс этган воқеа-ходисалардан хабардор бўлади, улар таъсирида хулқида қандайдир ўзгариш пайдо бўлади. мутолаа маълумот олишнинг энг муҳим йўлидир. Киши ўқиш орқали маънавий етукликка эриша боради.

11-Маъруза

Мавзу: Нутқнинг оғзаки ва ёзма шакллари.

Ўқув модуллари:

1. Оғзаки нутқ хусусиятлари.

2. Нутқ фаолиятида монолог.

3. Диалог. Пилолог.

Маъруза бўйича аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу маърузани пухта ўзлаштирганидан сўнг:

-Дарс ўтиш жараёнида оғзаки нутқнинг ахамияти амалга оширади;

-Кишиларнинг нутқий фаолияти;

-Маналог нутқ тингловчиларни сухбатга жалб қилиши;

-Диалог нутқ шаклларини сухбатдошга қаратилганлиги;

-Пилолог нутқ, сўзловчи ўтрага ташлаган муаммони ечишда ўз фикрини билдириши.

1. Оғзаки нутқ хусусиятлари

Маълумки нутқ оғзаки ва ёзма кўринишларга эга. Оғзаки нутқ сўзловчи гапириб турган вақт бирлигидагина мавжуд бўлиб, бу жараён тугаши билан нутқ ҳам тугайди. Аммо нутқ таъсирида уйғонган хаёлан берилган ахборотни маълум вақтга тингловчи онгида сақланиши, унинг ҳулқига тасир этиш мумкин.

Оғзаки нутқ ҳусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатса бўлади:

Оғзаки нутқ тезкорлик билан (автоматик тарзда) амалга ошади. Тушунчалар билан унинг либоси булган сўз биргаликда ъъяшин тезликдаъ тилга кела бошлайди. Баъан тушунчани ифодаловчи сўзни ўша тезликда сўзловчи топа олмай қолади. Унга яқин ёки ўйланган тушунчани ифодалай олмайдиган сўзларни ишлатиб юборади. Натижада, айтилган нутқ (гап, гаплар) кўзланган мақсадни (фикрни) тўлиқ рўёбга чиқармайди. Бундан тингловчи ҳам сўзловчи ҳам зарар кўради.

Оғзаки нутқда сўз бирликлари ва гапларни модуллари айтилмоқчи бўлган фикрга монанд ҳолда тезкорлик билан танланади. Гап қурилишини, моделларини, ақл назорат қилиб боради. Фикрни айтилганларни хотирада ушлаб турган ҳолда ривожлантиришга тўғри келади. Агар хотира озгина ъъдангасаликъъ қилса, гап тузилиши, сўз бирикмалари ўзаро мантиқан ва грамматик боғланмай қолади. Чунки янги қисм аввалги қисмни унутилгани учун у билан мослаша олмайди. Масалан: «Устоз, сизни … ҳалқ олдида қилган улкан хизматларингиздан биз миннатдормиз». Мисолда сўзловчи нутқнинг «Устоз, сизни… » қисмини айтгандан сўнг уни қандай ривожлантириш устида қилган мулоҳазаси жараёнида аввалги қисмни, ўйланган моделни унутиб қўйган. Шу сабабли тушум келишигида келган сўз кейинги қисмлар билан грамматик ва мантиқан боғланмай қолган.

Оғзаки нутқ таҳрир имкониятидан маҳрум. У қандай шаклда борлиққа келган бўлса, шундайлигича тингловчига ҳавола этилади.

Оғзаки нутқда, одатда, мулоқот учун энг зарур нарсаларагина зуҳур этилади. Бу бир томондан вақт иқтисоди билан, иккинчидан, нутқ кучини тежаш билан боғлиқ. Шунга кўра унда узундан-узоқ кириш кенг изоҳлар кам учрайди. Айниқса, ҳодисаларнинг, нарсаларнинг ўзаро боғлиқлик даражалари, уларнинг тингловчи ва сўзловчиларга равшанлиги даражаси ҳисобга олинади. Фақат зарурат ҳис этилгандагина, аввалдан маълум нарсаларга изоҳ берилади.

Оғзаки нутқ сўз бойлиги жиҳатдан ёзма нутққа нисбатан онги камбағал бўлади. Унда бир хил сўзлар, бир хил шакллар бир қадар кўпроқ такрорланади. Бу ҳол тил воситаларни танлаш қийинчиликлари билан боғлиқдир.

Оғзаки нутқда сўзловчининг фаол тутқий ҳаракати тўхтам (пауза), оҳанг, урғу, турли хил имо-ишоралар фикрни тингловчига етиб боришида аҳамият касб этади.`

Ёзма нутқ оғзаки нутқдан қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради: нутқ ёзаётганда муаллиф вақт жиҳатидан бемалол фикрлаш имкониятига эга бўлади. У ўз нутқининг қисмларини ва бутун нутқни қайта-қайта таҳрир қилиши, фикр учун энг мос имкониятларни танлаши, гап тузилишини қулайлаштириши мумкин. Шунинг учун ҳам ёзма нутқ оғзаки нутқдан равондир.

2. Нутқ фаолиятида монолог, диалог, полилог.

Кишиларнинг нутқий фаолияти монолог, диалог, полилог кўринишрда амалга ошади.

Монолог. Монолог сўзловчини ўзига ёки тингловчиларга қаритилган нутқидир. Монолог нутқида сўзловчи ўзига маълум бўлган воқеа-ҳодисалар, ўз ички кечинмалари хақида маълумот беради. Монолог нутқ тингловчилари суҳбатга фаол аралашувига ундамайди; улардан айтилганларга жавоб талаб қилмайди. Синтетик жиҳатда монологик нутқ мураккаб тузилган бўлиб, кенг қамровлидир.

Монолог нутқ ўз хусусиятларига қараб, бир неча кўринишда бўлиши мумкин: ички монолог ва ташқи монолог. Ташқи монологнинг драматик монолог, лирик монолог, хабар монологи каби турлари бор.

Ички монолог бадиий адабиётда қўлланувчи услубий усуллардан биридир. Бу усул юз берган аниқ воқеаларни уларнинг таъсирида қаҳрамон ички кечинмаларида пайдо бўлган фикрлар сифатида баён этиш имконини беради. Ички монолог сўзловчининг нутқидир.

Мисол сифатида (А.Орипов. «Жаннатга йўл») асарини олиш мумкин.

Ташқи монолог; сўзловчининг ташқи нутқидир. Унда тил имкониятлари хақиқатга айланади.

Сўзловчининг нутқ мазмунини етказишга кўмаклашувчи турли хил ҳаракатлари ёрдамида баён этиладиган монологи драматик монолог дейилади. Драматик монолог-сўзлаётган шахснинг қўли, гавдаси, қоши, боши каби аъзолари зарурат туғилганда харакат қилади. Турли тарздаги маъноли ҳаракатлар фикрнинг тингловчи томонидан яхши тушуниб олинишига кўмаклашади.

Сўзловчининг ички ҳис-туйғуларини, руҳий кечинмаларини ифодаловчи ташқи монологик нутқ лирик монолог дейилади. Лирик монологда шахснинг орзу-умидлари, ташқи дунёдан олган таассуротлари, келажак режаларини акс эттиради.

Мисол сифатида (/./улом «Чўтир хотининг толеи»). Сўзловчининг юз берган воқеа-ҳодисалар хақида ҳикоя қилиб бериши хабар монологи ҳисобланади. Хабар монологида воқеилик равий тилидан баён этилади. Хабар монологи ҳикоячилик, қиссачиликда кўпроқ қўлланилади. Масалан, П.Қодировнинг «Қадрим» қиссасидаги воқеаларнинг асарнинг қахрамони Искандар сўзлаб беради:

Диалог. Диалог нутқ шаклларидан бири бўлиб, унда ҳар бир фикр тўғридан-тўғри суҳбатдошга қаратилган бўлади. Диалогик нутқнинг синтактик қурилиши монологик нутққа қараганда содда тузилади. Диалогик фикрларнинг қисқалилиги билан бошқа фикрлардан ажралиб туради. Унда суҳбатни давом эттириш учун энг зарур нарсаларгина ифодаланади, воқеалар кенг изоҳланмайди. Шу жиҳатдан ҳам диалог монологга ўхшамайди. Диалог сўроқ, буйруқ ва дарак гаплардан ташкил топади.

Полилог. Иккидан ортиқ иштирокчиларнинг нутқидан тузилган суҳбат полилогдир. Полилог ҳамма тил хусусиятлари жиҳатидан диалогнинг ўзидир. Фақат унда суҳбатдошларнинг сони кўпроқ бўлади. Сўзловчи ўртага ташлаган муаммога бирдан ортиқ иштирокчи ўз фикрларини билдириши мумкин.

Ўқитувчи синфда оғзаки нутқнинг турли шаклларидан фойдаланади. Қуйи синфларда кўпроқ нутқнинг диалог ва полилог шакли ўринлидир, чунки суҳбат усули шунга асосланади. Монологик нутқдан ўқитувчи ҳикоя, тасвир, таъриф, тавсиф, характеридагит мавзуларни баён этишда фойдаланади. Монологик нутқ тарих, адабиёт дарслари учун хос бўлганидек, диалог нутқ она тили, математика дарсларида қўл келади. Ўқитувчи ҳар бир дарсда оғзаки нутқнинг ҳамма шаклларидан фойдаланиши лозим.

Ўқитувчи ўрганилаётган мавзу ва материал талабаларга тўла етиб бориши, уларнинг хулқига таъсир этишини кўзда тутган ҳолда айтилаётганларга мос ҳаракатлар ҳам қилади: кўз, қош, қўл, юз, бош, кифт ҳаракатларини ишга солади. Бундай ҳаракатлар тасдиқни, инкорни ёки мазмунликни ва ҳоказоларни ифодалаши

мумкин. Ҳаракат ўз ўрнида бўлса, ёқимли кечса фойда келтиради. Аммо ҳадеб ўринли-ўринсиз ҳаракатлар қила бериш талабани зериктириб юборади.

12-маъруза

Мавзу: Ўқитувчи нутқининг аниқлиги ва мантиқийлиги

Ўқув модуллари:

1. Атама ҳақида маълумот.

2. Аниқ нутқ яратиш.

3. Ўқитувчи нутқининг мантиқийлиги.

1. Атама ҳақида маълумот.

Маъруза бўйича аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу маърузани пухта ўзлаштирганидан сўнг:

-Талаба атама хақида маълумот олади;

-Аниқ нутқ яратишда 6 та қоидага амал қилади;

-Талаба бу мавзудан педагогик маҳоратга эришади.

Ўқитувчи нутқида атамалар ва мутахассисликка оид лексика асосий ўринни эгаллайди. Улар талаба билимининг, дунёқарашининг омили ҳисобланади. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир янги атамани тўғри ва ёрқин изоҳлаб, талаба онггига синдириб бериши лозим.

Фан ва техникада айрим тушунча махсус нарсаларни аниқ ифодалаш учун қўйилган сўз ёки сўз бирикмаси атама деб аталади. Атамалар асосан бир маъноли бўлади. Кўп маъноли сўзлар атамага айлангач, ўзи ишлатиладиган фан, техника соҳаси учун бир маъноли бўлиб қолади. Атамалар фан-техниканинг тараққиётига боғлиқ ҳолда ривожланиб боради. Атама ҳар бир тилнинг ўз ички имкониятлар асосида яратилади ёки бошқа тиллардан ўзлаштириб олинади.

Фан сифатида ўзбек тилшунослиги ҳам бой атамаларга эга. Уларнинг бир қисми тилшунос олимларимиз томонидан ижод қилинган бўлса, бир қисми бошқа тиллардан тўғри ёки калкалаш (нусха олиш) орқали қабул қилингандир.

Атама ҳақида маълумот берилганда икки хусусиятга эътибор берилади: биринчидан, атаманинг дастлабки маъноси, этимологияси (келиб чиқиши), қайси тилдан олинганлиги, иккинчидан, атама сифатида қандай тушунчали, воқеа-ҳодисани, нарсани ифодалаётгани изоҳланади. Бунда ўша атамаларга эътибор билан қараш, уларни талабалар томонидан яхши ўзлаштириб олинишига шароит яратадиган баёндан фойдаланишни тақозо этади.

Маълумки, XX-асрда халқаро илмий алоқалар ниҳоятда равнақ топди. Бу атама ижодкорлигида ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Айни бир тил ходисаси бир нечта атамалар билан изоҳланадиган ҳолатлар ниҳоятда кўп. Ана шундай бир шароитда ўқитувчи атамалардан фойдаланиш одобига алоҳида эътибор бериши, ўз нутқини турли-туман атамалар билан тўлдириб юбормаслиги лозим. Ҳодисаларнинг маъносини тўғри ифодалайдиган, шу тил учун энг қулай атамалардангина фойдаланиш яхши натижа беради. Масалан, тилшуносликда бир қатор ундошларни гуттурал ундошлар деб юритилади. Ундошларни бундай номлаш ўзбек тилшунослигида сингиб кетмаган. Шунинг учун бу атамаларни ишлатиш унчалик маъқул эмас. Унинг ўрнида одатдагидек, «портловчилар», «тил орқа ундошлари» каби атама ишлатиш одобига мос тушади. Аммо бундан керакли атамаларни ҳам ишлатмаслик керак, деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим. Керакли атамалардан ўз

ўрнида фойдалана билмаслик ўқитувчи нутқ маданиятининг пастлигини кўрсатганидек, кераксиз ҳолда хилма-хил атамалар билан нутқни тўлдириб юборишни ҳам маъқуллаб бўлмайди.

2. Аниқ нутқ яратиш.

Аниқлик нутқининг муҳим фазилатларидан бириси фатида қадимдан маълум. /арб мутаффакирлари ҳам, Сҳарқ олимлари ҳам аниқликни нутқ сифатларининг биринчи шарти ҳисоблаганлар. Аристотел: «Агар нутқ ноаниқ бўлса, у мақсадга эришмайди»,- деган бўлса, Кайковус: «Ей фарзанд, сўзнинг юз ва орқа томонини билгил, уларга риоя қилгил, сўзлаганда маъноли гапир, бу нотиқликнинг аломатидир. Агар гапирган вақтингда сўзнинг қандай маънога эга эканлигини билмасанг қушга ўхшагансан…»-дейди.

Аниқ нутқ яратиш сўзловчидан қуйидагиларни ўрганиш ва уларга амал қилишни талаб этади:

а) тилнинг синомимик имкониятларини билиш ва синонимик қаторлардан керакли вариантларни ажратиб нутқда қўллаш;

б) нутқда ишлатиладиган сўзнинг англатган маъноларини ҳар томонлама билиш; ножиддий, таҳминий қўллашлардан қочиш, чунки бетайин сўз қўллаш нутқни бебурд қилади;

в) сўзни кўп маънолилигига жиддий эътибор бериш, кўп маъноли сўз нутқда қўлланганда унинг қайси маъно қирраси кўзда тутилаётганлигини аниқ тасаввур қилиш; фикрнинг юзага чиқишида бу сўзнинг бошқа маъно қирралари монелик қилиш-қилмаслигини кўз олдига келтириш;

г) омонимларнинг хусусиятларини билиш, чунки, уларни билмаслик аниқликнинг бузилишига олиб келади;

д) паронимларни билиш, улардаги товуш яқинликларига эътибор бериш;

е) тор муҳитда ишлатиладиган, четдан кирган, касб-ҳунарга оида архаик, эскирган, диалектизм сўзларнинг маъноларини яхши англаган ҳолда нутққа киритиш.

3.Ўқитувчи нутқининг мантиқийлиги.

Нутқда баён этилган фикрнинг қисмлари ва алоҳида фикрларнинг ўзаро мутаносиблиги мантиқийлик деб юритилади. Мантиқли нутқда гаплардаги фикрлар бутун нутқдан келиб чиқадиган фикрнинг қисмлари ҳисобланади, улар орасида зиддият бўлмайди. Мантиқийлик аниқликка суянади. Бунда предмет аниқлиги, тушунчалик аниқлик ҳам муҳимдир. Ноаниқ нутқ мантиқий бўла олмайди. Нутқда мантиқийликка эришиш учун унда қўлланган сўзлар билан уларнинг предметлик маънолари мос бўлиши лозим. Бошқача айтганда, ҳар бир сўз нутқда қўлланганда ўзига бириктирилган маънонигина ифодалаши лозим.

Мантиқийликни таъминлаш икки шартга асосланади: биринчиси, экстралингвистик шартдир. Бу шарт тўғри мулоҳаза қилишнинг нормалари ва принципларини эгаллашни тақозо қилади. Тўғри нутқ учун курашувчи киши энг аввало, мантиқий фикрлашни ўрганиши лозим. Ҳар қандай тафаккур кўриниши мантиқ қонунларига мос бўлиши керак. Сўзлаганда фикрнинг тартибига қаттиқ

аҳамият бериш, фикрлашда мантиқий хатоларга йўл қўймаслик мантиқийликни гаровидир.

Иккинчи шарт соф лингвистик бўлиб, нутқий тузилиш белгининг бир-бирига зид бўлмаслигини, мазмуний боғлиқлигини уюштирувчи тил воситаларини билишни тақозо қилади. Иккинчи шарт, нутқий алоқа сатҳида амал қилиб, баён этиш мантиқини эгаллашни буюради. Биринчи шарт билиш мантиқи бўлса, иккинчи шарт баён этиш мантиқидир. Баён этиш мантиқини бузганлик тингловчини нутқни тушунишга таъсир этади. Нутқни тушуниш бош масала экан, баён этиш мантиқи ўрганишга арзийдиган масала бўлиб қолаверади.

Гап ичида мантиқийликни бузулувига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

1. Маълумки, сўзлар ўз маъно доираларига мос келувчи сўз билангина бирика олади. Исталган сўзни исталган сўз билан бириктириш мумкин эмас. Бир-бирига мос келмайдиган тушунчваларни ифодоловчи сўзлар гап ичида бирикиб қолсалар, фикрда мантиқсизлик юз беради. «Сонаторни-ўрмон мактаби врачига қизғин миннатдорчилигимни изҳор этаман. Бу одамнинг чеҳраси кулиб турганидек, у катта тажрибага ҳам эга». Бу гапда бир-бирига мос келмайдиган тушунчалар (ташқи кўриниш ва мутахассислик тажрибаси) бир қаторга қўйилган.

2. Сўз тартибига эътибор бермаслик.

Гап ичида сўзларнинг ўзаро тўғри тартиби мантиқийликнинг юзага чиқишида муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек тилида сўз таркиби гапнинг синтактик тузилишига амал қилади. Синтактик тузилиш сўз тартиби, сўз бирикмалари, эга, кесим ва бошқа гап бўлакларини жойлашувини белгилайди. Эга ва кесим гуруҳларининг ўзаро жойлашувини гапнинг муҳим бўлиниши белгилайди. Муҳим бўлинишга кўра, гапдаги сўзлар иккига-мавзу ва режага ажратилади. Мавзу тингловчига маълум нарсаларни, режа тингловчига айтиладиган янгиликни англатади. Гапдаги сўзларнинг жойлашуви уларни гапнинг актуал булинишига кўра қайси компонентга-мавзу ёки режага киришига боғлиқдир. Услубий нейтрал гапларни мантиқан тўғри қуриш ўзбек тилида мавзунинг режадан олдин келишини талаб этади. Муҳим ахборот гапнинг охирида бўлади. Бу қоиданинг бузилиши баёнда мантиқий изчилликнинг бузилишига, ундаги маънавий урғунинг ноаниқлигига олиб келади.

«Ҳар бир тийинлик иш ҳақи фонди, моддий ресурсларнинг ҳисоби олиняпти» (газетадан). Мантимқий алоқалар ва муносабатларнинг ифодалашнинг муҳим воситаларидан бири-кириш сўз, кириш бирикмалар, ёрдамчи сўзлар, боғловчилар ва юкламалар ҳисобланади. Гап бўлаклари, шунингдек, гаплар орасидаги мантиқий муносабатларни ифодалаш учун кириш сўз ва кириш бирикмалархизмат қилади. Улардан тўғри фойдаланиш яхши нутқ яратишнинг гарови ҳисобланади. Мана бу мисолда тасдиқни ифодоловчи «тўғри» модал сўзи эҳтиёжсиз қўлланганлиги сабабли икки гапни мантиқан боғлашга хизмат қилмайди. Шу ўринда у ортиқча: «Ҳамза номли колхоз Қамаши раёнидаги кўп тармоқли хўжалик ҳисобланади. Тўғри, кейинги йилларда колхоз ишлаб чиқаришида ўсиш бор» (газетадан). «Тўғри» сўзининг нутқ матнига киритилиша биринчи гапдан «Кўп тармоқли хўжаликда ўсиш бўлмайди»-деган мантиқий хулоса чиқаришга сабаб бўлаётир, ҳолбуки ундай эмас. Хуллас, икки гап «Тўғри» модал сўзи туфайли мантиқий боғланмасдан қолган.

Гаплар орасида мантиқийликнинг бузилишига қуйидагиларни кўрсатса бўлади: 1. Гапларни бир-бирига боғлашда юз берадиган хатолар. 2. Бир фикрдан бошқасига ўтишда юз берадиган хатолар. 3. матнни абзатсларга бўлишда хатоларга йўл қўйиш.

4. Матнни мантиқий шакллантириш, синтактик қурилмаларни танлашда юз берадиган хатолар.

Ҳар бир гапда нисбатан тугалланган қандайдир фикр ифодаланган бўлади. аввалги гапларда ифодаланган фикрни кейинги гапда ифодаланган фикр, одатда, ё ривожлантиради, ёки улардан келиб чиқадиган фикрларни хулосалайди. Шундай экан, кейинги гапни олдинги гап билан тўғри боғлаш муҳимдир. Гаплар бир-бирлари билан хилма-хил синтактик воситалар орқали боғланади. Баъзан улардан тўғри фойдалана олмаслик кўзга ташланади.

13-маъруза

Мавзу: Нутқ одоби. Овоздан фойдаланиш ва нутқ техникаси.

Ўқув модуллари:

1. Нутқ одоб.

2. Овоздан фойдаланиш.

3. Нутқ техникаси.

Маъруза бўйича аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу маърузани пухта ўзлаштирганидан сўнг:

-Педагогда нутқ одоби ахлоқий даражасини юқорилиги;

-Педагог овозидан фойдаланишида узлуксиз машқ қилиши;

-Оғзаки нутқ техникасида товушларни талаффуз этишни яхшилаш;

-Ёзма нутқ техникасида иш қоғозларига хос бўлган техник хусусиятлардан фойдаланиш;

1. Нутқ одоби

Нутқ одоби инсоннинг умумий ахлоқини белгиловчи асосий мезондир. Ўрта Осиёда ахлоқий тарбия ўз анъаналарига эгадир. Ахлоқ ҳақидаги ибратли фикрлар қадимий туркий ёдномаларида, буюк алломаларимизнинг асарларида ва бошқа ёзма ёдгорликларда бизгача етиб келган.

Аҳлоқ фан сифатида ўрта асрларда юзага келди. Бу фаннинг ўз олимлари пайдо бўлди, назарияси яратилди. Ибн Муснавейх, Форобий, Ибн Сино, Насриддин Тусий, Жалолиддин Давоний, Сабзаворий, /иёсиддин Мансур кабилар аҳлоқ фанининг мавзуи, вазифалари, мақсадини назарий ва амалий асослаб бердилар. Афсуски, кўп йиллар давомида бе меросни ўрганиш, оммалаштиришга имкон бўлмади. Жуда кўп йирик олимларимиз ҳамон халқ учун номаълум бўлиб келмоқда. Аслида эса деярли ҳамма даврларда бу фан тарққий этиб борди, янги-янги асарлар пайдо бўлди; аҳлоқ ва таълим-тарбия соҳасида илмий тадқиқот олиб борган жуда кўп олимлар етишиб чиқди. Қатор мутахассисларнинг асарлари асоссиз равишда ўрганилмай келинди.

Кишининг одоби энг аввало, унинг нутқида кўринади. Нутқ одоби нима? Нутқ одоби деганда айтилиши зарур бўлган хабарларни, тингловчини хурмат қилган ҳолда, унинг кўнглига мос, адабий нормадаги ифодалар билан етказиш тушунилади. Ҳар қандай хунук хабарни ҳам тингловчига беозор етказиш мумкин. Бунинг учун сўзловчи тилни, адабий тил нормаларини мукаммал билиши лозим. Мулойим, ёқимли, ободли сўзлаш ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унга ёшликдан онгли машқлар қилиш, тилнинг луғат бойлигини эгаллаш, бу борада нутқи ибратли кишиларга тақлид қилиш, улардан ўрганиш орқали эришилади. Талаба учун энг яхши намуна бу ўқитувчи нутқидир. Буни ўқитувчи ҳар доим ўзида ҳис этиб

туриши, ўз нутқида ҳеч вақт одоб-аҳлоқ, нутқ маданияти нормаларидан чиқмаслиги лозим.

Нутқий муомала саломлашишдан бошланади. Саломлашишдаги хушмуомалалик ундан кейинги яхши суҳбатга дебоча бўлади. Тингловчида яхши кайфият пайдо қилади. Агар саломлашиш қуруқ, илтифотсиз бўлса, кейинги суҳбатга салбий таъсир этиши мумкин. Кўп асрлик одатий анъаналаримизга кўра, «Ассалому алайкум» нинг жавоби «Ваалайкум ассалом» дан иборат. Кейинги даврларда ёшлар орасида салом ҳам, алик ҳам тўмтоқлашиб кетди, яъни салом бериш учун ҳам, алик олиш учун ҳам «салом» сўзи ишлатиладиган бўлди. Бу тарихий анъаналаримиздан четлашишдир.

Маданиятли киши ўз айбини бўйнига ола билиши, айби учун кечирим сўрашни ҳам билиши зарур. Ўз айби учун кечирим сўраш, ўз ғурурини ерга уриш эмас, балки одоблилик, хушмуомалалик аломатидир. «Кечирасиз, мендан ўтибди» ёки «Авф этинг, бундан сўнг такрорланмайди» дейиш билан киши ўзининг одоблилигини намойиш этади, холос.

Етук кишига хос фазилатлардан яна бири хайрлашув одобидир. Тилимизда хайрлашишда ишлатиладиган «Хайр, соғ бўлинг», «Хайр, кўришгунча», «Хайр, омонликда кўришайлик» каби таъсирчан иборалар мавжуд. Ўқитувчи синфдан чиқаётганда «Хайр, соғ бўлинглар», «Хайр, яхши қолинглар» иборасини ишлатса, ўринли бўлади.

Болага яхшилик қилган, айтилган юмушни, илтимосни бажарган кишиларга миннатдорчилик билидириш одобини ҳам ўргатиб бориш лозим. Тилимизда рағбатлантиришни, миннатдорчиликни ифодалайдиган чиройли ифодалар бор. Уларни кундалик муомалага киритиш, ўз ўрнида ишлатиш киши хулқини нақадар безайди. Ўқитувчи топшириқни яхши ўтгана талабаларни «»офарин», «баракалла», «раҳмат», «отангизга раҳмат», «миннатдорман» каби сўзлар билан рағбатлантириш мумкин.

2. Овоздан фойдаланиш ва нутқ техникаси

Ўқитувчилик касби бевосита ўқитувчининг овоз хусусиятлари билиан боғлиқ. Ёқимли ва жарангдор овозга эга бўлган ўқитувчи ўз талабаларини овозининг ширадорлиги билан асир этади. Бундай муваффақиятга эришиш учун ўқитувчи ўз овозини кучини, ширадорлигини, ёқимлилигини билиши зарур. Лозим бўлганда ундан фойдалани билиш малакасига эга бўлиши керак. Ўз овозида камчилик сезган ўқитувчи уни йўқотишга ҳаракат қилади. Бунинг учун овоздан фойдаланиш ва уни яхшилаш техникаси устида ҳамма вақт узлуксиз машқ қилиб бориши лозим бўлади. Чунки бир-икки машқ билан овозни яхшилаб бўлмайди.

Ўқитувчининг овозида қуйидаги хусусиятлар бўлмоғи лозим:

жарангдорлик (товушнинг тозалиги ва тембрнинг ёрқинлиги);

кенг диапазонлик (овознинг энг пастликдан энг юқоригача бўлган даражаси);

ҳаводорлик (еркин сўзлаганда яхши эшитувчанликка эга бўлиши);

ихчамлик, ҳаракатчанлик;

чидамлилик (узоқ ишлаш қобилиятига эга бўлиши);

мослашувчанлик (динамика, тембр, мелодиканинг эштилиш шароитига мослаша олиши);

қарши шовқинларга нисбатан барқарорлик (ҳалақит берувчи шовқинга тембр ва тесситуранинг ўзгариб туриши);

суггестивлик (овознинг ҳаяжон ифодалаш ва бу орқали, қандай сўз айтилаётганидан қатъий назар, тингловчининг хулқига таъсир қилиш хусусияти).

Нутқ техникаси дейилганда, нутқнинг тингловчи ёки талабага етказишда қўлланиладиган воситалар тушунилади. Нутқ икки хил кўринишда бўлганидан, унинг техникасини ҳам икки хил кўрсатиш мумкин: 1. оғзаки нутқ техникаси; 2. ёзма нутқ техникаси.

Оғзаки нутқ техникаси товуш, бўғин,сўзларни, унинг шаклларини талаффуз этишни яхшилаш борасида нутқ органларини фаоллаштирувчи машқларни англатади. Бунга нафасдан фойдаланиш, товуш тембрларини яхшилаш, фиктсияга эътибор бериш, товушларнинг паст-баланд товланиб туриши, унли ва ундошларни талаффуз этиш, оҳанг кабилар киради.

Ўзбек адабий тили оғзаки нутқ техникасининг ривожига ўзбек маданиятининг атоқли намоёндалари, шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар, актёрлар катта ҳисса қўшдилар. Бу борада Ҳ.Олимжон, /./улом, Ҳ./улом, актёрлардан: А.Ҳидоятов, Сҳ.Бурҳонов, О.Хўжаев, С.Ешонтўраева, Р.Ҳамроев, Ҳ.Умаров, суҳандонлардан: У.Бурҳон, Т.Юнусхўжаева, Қ.Махсумов, Н.Қамбарова, Ў.Жобиров сўз устаси: М.Ҳамидовларнинг хизматларини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Улар ўзларининг ширали овозлари билан тингловчиларни мафтун қилиб келганлар.

Ҳозирги шеър ўқиш техникасида икки хил йўналиш мавжуд. Бу шеърхонликда яққол сезилиб туради. Бири анъанавий ҳеър ўқиш бўлиб, унда асосан шеър турокларга, шеър бирикмаларига бўлиб ўқилади. Бу усул кеска шоирларнинг шеър ўқиганида эшитамиз.

Иккинчи хил шеър ўқишни эса, шоир А.Орипов ва Ҳ.Худайбердиевалар бошлаб берди. Бу усулда, асосан мисрадаги ҳар бир сўзга алоҳида урғу берилади, сўзлар бир-биридан кичик пауза билан ажратиб ўқилади.

Ёшлар орасида кейинги йўналишга, усулга эргашиш кучлидир. Бундай янгича шеър ўқиш усулларига мутахассислар томонидан ҳали баҳо ва ном берилган эмас.

Ёзма нутқ техникаси ўз моҳиятига кўра икки турга бўлинади.

Ҳар қандай ёзма нутқ учун зарур бўлган техник хусусиятдир.

Иш қоғозларига хос бўлган техник хусусиятдир.

Ёзма нутқ ҳам худди оғзаки нутқ каби тингловчи (талаба) учун яратилади. Унинг қулайлигидан, талабага тез ва бутун моҳиятибилан етиб боришидан ёзувчи ҳам, талаба ҳам манфаатдор. Шуни назарда тутганда ёзма нутқ техникаси қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

а) ҳар қандай ёзма нутқ хат бошидан, бош ҳарф билан бошланиши керак, ҳар бир гап мазмунан нисбатан тугалланган бўлиши, ёрқин фикр англатилиши керак. Гап тугагандан кейин мазмунга кўра тегишли тиниш белгилари қўйилган бўлиши керак;

б) маълум бир фикр баён этилгандан сўнг, нутқнинг таркибий қисми бўлган бошқа фикр ҳам бошидан бошланиши зарур. Хат бошилар (абзацлар) бир-бири билан мантиқий боғланган бўлиши лозим;

в) диалоглардан ташкил топган ёзма нутқда ҳар бир шахснинг гапи тире орқали ёзилади;

г) кўчирма гаплар, кўчирмалар, ўз маъносида ишлатилмаган сўзлар, бирикмалар қўштирноқ ичига олинади;

д) нутқ учун иккинчи даражали ҳисобланган, ундаги гапларнинг таркибий қисми ҳисобланмайдиган нарсалар тире ёки қавс билан ажратилади;

е) от, кесим (боғламасиз бўлганда), изоҳловчи, ундалма, ажратилган бўлаклар тегишли тиниш белгилар билан ажратилади;

ж) нутқнинг хат бошидан йирик қисмлари бобларга бўлиб кўрсатилади.

Иш қоғозлари ҳам ёзма нутқ ҳисобланади. Уларнинг ёзилиши ҳам нутққа хос умумий талаблардан четга чиқмайди. Иш қоғозлари ҳам талабага мўлжаллаб ёзилади. Иш қоғозлари мазмун ва шакл жиҳатидан турли-тумандир. Масалан, ариза, маълумотнома, тилхат, қарор, буйруқ (фармон), аннотатсия, тақриз, ишонч қоғози, тавсифнома, тавсиянома, ҳисобот, раҳматнома, муносабатнома, телеграмма, ахт, саломхат ва ҳ.к.

Иш қоғозларининг катта қисми ўзининг қатъий техник шаклига эга. Бундай қатъий шакл уларни тайёрлашни енгиллаштиришдан ташқари талаба учун ўзида баён этилган фикрни тезроқ ва ёрқинроқ англашга ҳам ёрдам беради. Ҳамма техник қоидаларга амал қилиб ёзилган иш қоғозларга ўз ташқи кўриниши билан чиройли, мазмунан равшан бўлади ва талабада қандайдир даражада завқ уйғотади.

Ҳар бир иш қоғози луғавий таркиби билан бошқасидан ва ўзга нутқ кўринишларидан ажралиб туради. Масалан, маълумотнома учун хос бўлган сўзлар, тавсифномага ёки қарорга мувофиқ бўлмайди. Иш қоғозларида гаплар кам сўзли, ҳар бир сўз эса, аниқ мақсадни кўзлаган бўлади. Иш қоғозларида бадиий адабиётга хос қочиримлар, ўхшатишлар, сўз ўйинлари деярли ишлатилмайди.

Ҳар бир иш қоғозининг бошқасидан ажратиб турадиган ўз шакли (ташқи кўриниши) бўлади. Масалан, маълумотномага чап томондан штампга жой қолдирилади, сарлавҳа сифатида биринчи бўлиб, маълумотнома сўзи ёзилади. Аризада эса, аввал ариза бериладиган ташкилот, раҳбарнинг номи, сўнгра сатрнинг ярмидан аризачининг манзилгоҳи, ташкилоти, фамилияси ёзилиб, «Ариза» сўзи ўртадан бош харф билан бошланади ва ҳ.к.

14-15-маъруза
Мавзу: Тарбиявий ишда театр педагогикаси таркибий қисмларидан фойдаланиш

Ўқув модуллари:

1. Педагогик фаолият драмматургияси ва режиссураси.

2. Бўлажак педагогни актёрлик психо-техникасининг амалий усулларини эгаллашнинг зарурлиги.

3. Хотира, диққат ва хаёлни машқ қилдириш актёрлик психотехникасининг уч асосий қисми.

Маъруза бўйича аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу маърузани пухта ўзлаштирганидан сўнг:

-Педагог театр фаолиятини ўрганади;

-Театр фаолияти педагог фаолиятига ўзаро яқинлиги;

-Талаба дарс ўтишда актёрлик санъатини қўллай олади;

-Тарбиявий жараёнда педагог дарсни режалаштиради;

-Бўлажак педагогнинг актёрлик психотехникасини амалий усулларини ўрганади;

-Талаба хотира, диққат ва хаёлни машқ қилишни ўрганади;
-Педагогикада театр махоратини ўзлаштиради.

1. Педагогик фаолият драмматургияси ва режиссураси

Тарбиявий жараён ижодкорликдан иборатдир, лекин у педагогик вазиятни таҳлил қилиш маҳоратида ҳам, болалар билан бевосита ўзаро ҳамкорлик қилишда ҳам намоён бўлади. Тарбиячи ижодкорлигининг ўзига хослиги шундан иборатки, у ижодий фикрини ўз шахси орқали амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда, педагогикада ижодкорнинг шахси билан ижодкорлик қуроли (воситаси) бир-бирига мос келади бунда тарбиячининг ўз-ўзини намоён қилиши жуда катта рол ўйнайди. Бу жиҳатдан ўқитувчининг фаолияти бир қатор хусусиятлари бўйича актёр, режиссёрнинг бадиий-ижодий фаолиятига яқиндир.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, театр ижод- корлигида ва педагогик таъсир кўрсатишда, яъни педагог билан болаларнинг бевосита ўзаро ҳаракати билан боғлиқ бўлган ҳисси-ўзаро фикр алмашиш соҳасида кўпгина умумий томонлар бор. Тарбиячи пировард натижада педагогик таъсир кўрсатиш драмматургиясини ишлаб чиқади, уни ривожлантириш соҳаларни белгилайди, тарбиявий таъсирлар режасини тузиб чиқади, бу режа у ёки бу тарбиявий сюжетни режиссёрона кўришни назарда тутади, ниҳоят, педагогнинг ўзи тарбиявий ғоялар ва йўл-йўриқларнинг фаол "узатувчиси" бўлиб майдонга чиқади. Бу иккала ижодий жараённи муомала ва ўзаро фақат бир-бирига яқинлаштиради. Улар ҳам театр ижодкорлиги ҳам, педагогик ижодкорликнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Шу билан бирга киши шуни аниқ билиши керакки, бу фаолият турларидаги ўхшаш қисмлар чуқур ўзига хос қисмлар сифатида намоён бўлади, бунга сабаб аввало шуки, бу ижодий жараёнларнинг ўзи, тузилиши ва вазифаларига кўра айнан ўхшашдир. Гап театр ижодкорлиги назариясидан, хусусан К.С.Станиславский системасидан педагогик таъсир кўрсатиш маҳоратини оширишда фойдаланиш имкониятлари ҳақида бормоқда. Масалан, жараённинг ҳиссий соҳасини таҳлил қилиш борасида театр педагогикаси томонидан тўпланган бир мунча тажриба асосида ўзаро фикр алмашиш амалга оширилади ва бу тажриба педагогнинг ижодий меҳнатига ўхшаш жараёнларни тушуниш фойдалидир, бу эса тарбиявий маҳоратни самарали эгаллашга ёрдам беради.

Театр фаолияти ва педагогик фаолияти мақсаднинг ўхшашлиги ҳам яқинлаштиради. Ҳар иккала ҳолатда ҳам мақсад кишига таъсир кўрсатиши ва кишида муайян кечинмалар вужудга келтириш сифатида белгиланиши мумкин. Театр ва педагогик фаолият бир хилда эканлигининг учинчи кўрсатгичи-таъсир кўрсатиш қуролининг умумийлигидир. Ҳар иккала ҳолда ҳам педагог билан актёрнинг ўз психофизик табиати ана шундай қурол вазифасини бажаради.

Педагогик фаолиятда педагогик йўналиш ҳосил қиладиган ва бир-бирига таъсир кўрсатадиган қобилиятларнинг алоҳида бир таркиби вужудга келади. Бу жиҳатдан А.С. Макаренконинг гавдаси шахси диққатга сазовордир. Бу шахс ўзида педагогик, адабий, актёрлик, мусиқий ва тасвирий қобилиятларнинг ўзаро таъсирини гавдалантиради. Мазкур қобилиятлар умуман Макаренко шахснинг педагогик йўналиши оқимида амалга оширилади. Антон Семеновичнинг беқиёс қобилиятга эгалигини кўп кишилар кўрсатиб ўтадилар, хусусан, уни овозни,

ифодали, имо-ишорани эгаллаш маҳоратини, ўзини идора қилиш маҳоратини таъкидлайдилар.

Театр фаолияти билан педагогик фаолиятнинг ўзаро алоқаларига доир масалалар А.С.Макаренконинг ўзини ҳамиша қизиқтириб келган. Булар ҳақида педагогнинг машҳур фикр-мулоҳазалари бўйича ҳам, камроқ машҳур бўлган мемоар материаллар бўйича ҳам хулоса чиқариш мумкин. Масалан, ўз вақтида Харков рус драма театрнинг бош режиссеёри бўлган ва А.С.Макаренконинг дўсти Н.В.Петров унинг ҳақидаги кўпгина эсдаликларида, бизнинг суҳбатларимизда театр ва педагогик муаммолар доимо бирлашиб кетарди, деб таъкидлайди.

А.С.Макаренконинг бадиий-театр зиёлилари билан яқиндан танишуви унинг педагогик фаолиятнинг ҳиссий-ижодий табиати моҳиятини тушуниб этишга ҳам тегишли таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмасдир. Шуниси диққатга сазоворки, Макаренко бошловчи педагоглар билан этюд ишлари олиб бориш зарурлиги ҳақида гапирган ва бундай ишни ўз коммунасида ўтказган эди. Макаренконинг этюд ўтказиш амалиётларини таҳлил қилиб, К.С.Станиславскийнинг театр мактаби таъсирини беихтиёр ҳис қиласиз. Икки буюк педагог ижодкорнинг ижодий табиатини ривожлантиришни ўз мақсадлари деб билдилар, шунинг учун ҳам режиссёр Н.В.Петров ўз вақтида К.С.Станиславский билан А.С.Макаренконинг педагогик контсептсияларини таққослаб кўрсатган эди.

Айни вақтда шуни таъкидлаш зарурки, А.С.Макаренко актёрлик ва педагогик қобилиятларининг ўзаро сингувчанлигини бир неча бор кўрсатиб ўтар экан, табиийки, бу икки мустақил ижобий жараёни айни бир хил нарса демаган, Лекин ижодкорликнинг мазкур турларида ижодкор шахсига оид талабларда мавжуд бўлган умумийликни пайқаган эди. У тарбиячининг педагогик маҳоратини шакллантириш ҳақида гапириб ва жараённинг ҳиссий-ижодий жиҳатлари аҳамиятини таъкидлаб: "Бунда ўқув нимадан иборат эди? Аввало педагогнинг феъл-атворини ташкил этишдан, унинг ҳулқ- атворини тарбиялашдан, кейин эса унинг махсус билимлари ва маҳоратини ташкил этишдан иборат эдики, буларсиз бирортаси тарбиячи яхши тарбиячи бўла олмайди, ишлай олмайди. Чунки унинг овози яхши йўлга қўйилган эмас ...Юз ҳаракатларини яхши эгалламаган, ўз юзига зарур маъноларни бера олмайдиган ёки ўз кайфиятини ушлаб туролмайдиган киши яши тарбиячи бўлиши мумкин эмас... Мен шунга аминманки, келгусида педагогика олий ўқув юртларида овознинг қуйилиши ҳам, гавданинг тутиши ҳам, ўз аъзоларини бошқариш ҳам ўз юзини эгаллаш ҳам ўқитилади-буларсиз мен тарбиячининг ишини тасавур қила олмайман"-деган эди.

Сҳу билан А.С.Макаренко: мен актёрлик ва педагогик фаолиятни асло айни бир хил нарсанинг шунчаки ҳар хил кўринишлари деб тушунмайман, деб таъкидлайди. У актёр меҳнатининг ўзига хослигини, эстетик йўналишини чуқур англаб қуйидагича ёзади: "Агар биз театрга бориб яхши ўйнайдиган актёрлардан завқлансак, у ҳолда бу опера бизнинг эстетик завқимизга айланади, бу ерда эса тарбияланувчи ўз олдида худди шундай тирик жонни, ўйнамайдиган, балки тарбиялайдиган инсонни кўриб туради."

Шундай қилиб театр ва педагогик фаолият мазмун (ўзаро фикр алмашиш) ва восита белгилари жиҳатдан (ижодкорни шахси ва унинг психофизик табиати

таъсир кўрсатиш воситаси сифатида) бир бирига яқин бўлиб, бир қатор умумий жараён хусусиятларига эгадир, бу хусусиятларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- театр ва педагогик ижодкорлик жараёни у бевосита иштирокида оммавий сўзга чиқиш вазиятида амалга оширилади;

- театр ва педагогик фаолият ўзига хос хусусиятларига кўра ўзи таъсир кўрсатадиган объектни айни вақтда ижод субъектига, шерик ижодкорга айлантиради, унинг фаол иштирокисиз ижодкорлик ишининг ўзи бўлмайди;

- кўпгина фаолият турларидан фарқи ўлароқ, актёрлик ва педагогик ижодкорлик асосида бунинг учун ажратилган муайян вақт давомидаги ижодкорлик етади, у ижодкордан (ўқитувчи, тарбиячидан) ўз руҳий ҳолатини бошқаришда тезкорликни ва ижодий кайфиятни айни дакиқада қўзғатишни талаб қилади;

- театр ва педагогик ижодкорлик натижалари жўшқин бўлиб, ривожланиб, ўзгариб боради, бошқача қилиб айтганда, ҳамиша жараёндан иборат бўлади;

- театр ва педагогик ижодкорлик жамоа тусда бўлади. Тарбиявий жараён пировард натижада иккита йирик босқичдан: тарбиявий мақсад ва уни амалга ошириш жараёнидан ташкил топади. Шунинг учун биринчи босқичда ҳам, иккинчи бочкичда ҳам айнан ўқитувчининг театр-таъсирчанлик қобилиятлари муҳим рол уйнайди. Хўш, бу нарса нималарда намоён бўлади?

Тарбиявий жараён фаолиятдир, мана шунинг учун ҳам буни режалаштиришда кишининг ўзаро ҳамкорлиги қонунлари ҳисобга олиниши лозим. Фаолиятга талабаларни қўшиш йўлини тутиш керак. Шундай қилиб тарбиявий таъсир кўрсатишни режалаштириш босқичидаёқ, педагогик драматургия амалга оширилиши мумкин. У педагогик ҳаракатнинг ўзига диалектиклик, жиддийлик бағишлашга ёрдам беради. Педагог дарс ва ҳар қандай тадбир системасида тарбиявий таъсир кўрсатишни режалаштирар экан, уни аниқ одамларга йўналтиради. Демак, умуман жамоага, хусусан ҳар бир жамоага нисбатан бўлажак педагогик фаолят учун зарур тарбиявий-сюжетли вазият яратади. Маълум маънода дарс-бу ўзига хос педагогик пъеса бўлиб, унда ўқитувчи стсенарий муаллифи сифатида, муносабатлар драматургиясини барпо этадиган ва уни бошқарадиган киши сифатида намоён бўлади. Тарбиявий жараён ҳар бир катнашчисининг фаолятдаги ўрнини белгилаб беради, аниқ илмий-педагогик мақсад асосида вужудга келган пъеса қийин кечиши лозим бўлган янгидан-янги педагогик вазиятларни вужудга келтириб туради.

Шундай қилиб педагогик фаолят-бу тарбиячининг педагогик жиҳатдан тан олинган, режалаштирилган ёки тайёргарлик кўрилган ҳатти-ҳаракати бўлиб, у вазиятни ёки бола шахсини ўзгартиришга олиб келади. Педагогик фаолят аниқ мақсадга қаратилганлиги ва айни вақтда полионизм (кўп овозлиги), вазият ва тарбияланувчи шахсининг ўхшашлиги билан фарқ қилиши, жўшқин, самарали, ўзгаришлар киришга лаёқатли бўлиши, шахслараро муносабатлар системасига мувофиқ келиши керак.

2. Бўлажак педагогнинг актёрлик психотехникасининг амалий усулларини ўрганиш. Ўқитувчи фаолиятининг тузулиши бўлажак педагогнинг ташкилотчилик-бошқарув кўникмалари ва малакаларига маълум талаблар қўяди, шу муносабат билан уни актёрлик ва режиссёрлик маҳорати таркибий қисмлирига ўргатиб бориш зарурати ортади.

Ҳаракат, диққат, органика, мушаклар эркинлиги, хаёл, муомала, қилиш, тўппа-тўғри ҳаракат булар буюк театр педагоги К.С.Станиславский системасининг асосий тушунчалари бўлиб уларни бўлажак ўқитувчи ҳам ўзлаштириб олиши фойдалидир.

К.С.Станиславский режессурасининг насиҳатларидан бири "ишлаб чиқаришга доир ҳаракат ҳар қандай мажбурийликни ташабуссга айлантиришдир". Бу усул ўқитувчининг ўзининг жиддий ҳиссий фаолиятига ва талабаларга нисбатан жаҳлдорликдан, асабийликдан, салбий ҳиссиетлардан қутқаради. Бироқ ижодий руҳланишни жазавадан иборат қўпол ҳазил билан чегараланувчи ортиқча ҳиссиётга берилишдан фарқ қилиши керак, ўқитувчининг бундай "ёниши" бекорга кетади у талабаларни ёндирмайди, чунки "томошабиннинг идрок этиши" оширилган танусга ва ҳиссиётларнинг "қизишига" нисбатан тескари мутаносиблик қонунига эгадир. "Ибтидоий-бебош нарсаларни эмас, балки доимо босиқ, дипломатик темпераментига яқин бўлган нарсаларни афзал кўрамиз",- деб ёзган эди театр педагоги ва режиссёри Ю.Мочалов.

Е.Вахтанговнинг маслаҳат беришига кўра, масалан, актёр билан режиссёр, ўқитувчи билан талаба ўртасида "ишқий муносабатлар бошланиши учун ўқитувчи дарсни энг қизғин саҳналалардан бошлаш кераклигини" билгани фойдалидир. Фазовий ҳис билан бир қаторда вақтни ҳис қилиш-режиссёрнинг асосий касб-кор фазилати бўлиб, у педагог учун ҳам муҳимдир-Гордон Крег айтган театр режиссураси шиори ўқитувчининг синфдаги тежамли ва бетараддуд ҳулқ-атворини ҳаммадан яхшироқ тушунтириш учун калит бўлиб ҳисобланади.

Саҳнадаги асосий ҳодисалардан бири келиш ва кетишдир. Машҳур актер С.М.Михаелс бундай ёзган эди: "Ҳар бир келиш ва кетишда актёрни "орқадан" итарувчи сабаб, ёҳуд жозибали, олға чорловчи мақсад бор. Буни ҳис қилиш шунинг учун зарурки, актёрнинг келиши ва кетиши мантиқий, уйғунлашган бўлсин ва драматурглар ўз матнида ҳисобга олмаган янги ҳодисаларни белгилаб берсин".

Педагогнинг синфда туриш ҳолати ўзининг аломатларига эга. Масалан, чап қисим энг оддий мизасахнасининг тили "олдин бўлишлик"ни билдиради, бунда кўз қараши гўё ҳаракатни ўнг қисмдаги бўш маконга "ҳайдайди", чунки кўз шартли-рефлекторли физиологик механизмлар туфайли фазона чапдан ўнг томонга қараб "ўқийди". Ундаги композиция тугалликка интилади, чунки чап қисмдаги фазо ўнг томонда жойлашган композицияни сиқиб қўйгандай бўлади ва бу билан уни аҳамиятлироқ, салобатлироқ қилади.

Яқиндаги қисм ҳаракатни йириклаштиради, лекин хаддан зиед тез-тез йириклаштириш томошабиннинг кўз олдида бўлиб, идрокни чарчатиб қўяди. Ўқитувчи ўзининг "дарвоза майдончаси"да худди саҳнада тургандай бўлади. Яқин ёки йироқ қисмдан қандайдир муҳим воқеаларни маълум қилиш учун фойдаланишади, у ахборот узатишга эътиборни қаратади. Иккинчи қисм интим қисм бўлиб, у жамоа ёки оилавий қисм деб аталади ва психологик фарқларни узоқлаштиради. Ҳар ҳолда қолган қисмлар иккинчи, учинчи, тўртинчи қисмлар-ҳали анча юзакидир, чунки улар педагогнинг назаридан, бинобарин, ундан ўтадиган кечинмалардан узоқлашган. Ўқитувчи ўзида саҳна мувозанати, мувофиқлиги, бунда ўзини тингловчилар қандай идрок этаётганлигини ҳисобга олиш мумкин.

Педагогнинг талабаларга юзи билан қараб туриши ёки бурилиб туриши ҳам ўзига хос семантикага эга. Аудиторияга идрокнинг психофизиология қонунлари бўйича тўғри чизиқ бўйлаб чиқиб кетиш (рупара туриш) талабаларни сергаклантиради, чунки композиция жиҳатдан талабанинг қиёфасини, унга каттийлик, маънодорлик бахш этади. Ярим фас труакарнинг қимматли мезасаҳна имкониятлардан бири бўлиб, бевосита ва билвосита муомала учун гавданинг тўртдан уч қисми миқдорида якқол ва қулай ракус беради ("Труакар"номи ҳам шундай олинган). Гавданинг қандай тутишига (оёқларнинг эркин туриши, гавданинг оғирлиги туфайли оёқлардан бирига кўпроқ юк тушиши, мураккаб таг маъноларни узатувчи бошнинг турлича ҳолатда бўлиши мумкинлиги), "диагоналларнинг самарадорлиги" - синфнинг иш майдонидаги энг узун масофага (у дарҳол икки ўлчовда композитсион ўзгаришни таъминлайди) мувофиқ труакар "кўп даражада эркинликка" эга бўлади.

Соф ён томонни тадбиқ этиш имконияти чекланган, чунки у аудиторияни кўздан кечириш нуқтаи назардан жуда ҳам яроқсиздир, лекин муозанат вазифаларини ҳал қилиш учун яроқли (худди шунингдек бурилишида ярим эгилиб тўхташ каби), масалан, қотиб тургандай кўриниш, шунингдек, субъект ниятларининг яширинлиги сезгисини билдириш учун яроқлидир.

Жисмоний ҳаракатлар усули К.С.Станислвский системасининг асосий қисми ҳисобланади. У опера-драма студиясидаги ўз шогирдларига қуйидагиларни айтганлиги (1935 йил ноябрдаги суҳбатнинг стенограммаси) бежиз эмас: "Кимда-ким кичик жисмоний ҳаракатларни бажарса, у системанинг ярмини билган бўлади".

Жисмоний ҳаракатларни бажаришни "ҳаракатга созлаш"дан ва "мускул сиқилишларига барҳам бериш" усулидан бошлаш зарур.

"Созлаш" га қуйидагилар киради: талабанинг ички ихчамлиги, уюшқоқлиги, шеригини тирсагини ҳис қилиб туриши, ўқув ва ижодий иш жараёнига фаол киришишга ҳозирланади.

"Ҳаракатга созлаш" учун материалга бўлиб, ўқув жараёнининг ўзи хизмат қилади: педагогик пайдо бўлганда у билан тик туриб саломлашиш керак, лекин шовқин солмай, уюшқоқлик билан жўшқин тез айни вақтда осон ва ёқимли саломлашиш керак. Сўнгра талабаларга бир жойдан иккинчи жойга шовқинсиз ўтиш, мебелни қайта қуйиш, ярим доира бўлиб икки қаторга ўтириш, ўз стуллари билан бирга жойларини алмаштириш ва ниҳоят, буларнинг ҳаммасини кўзни юмиб амалга ошириш таклиф қилинади.

Бу хилдаги машқлар талабаларни интизомли қилади, шовқин солмаслик ва жисмоний ҳаракатларни кўзни юмиб бажариш, дарснинг расмий-ички вазиятини эмас, балки бир қадар сирли ғайритабиийликни вужудга келтиради. Сўнгра "созлаш" мураккаблашади: ҳаммани ҳам бир вақтда ўрнидан туриб, тўғри доира ҳосил қилиши, бир вақтда ўтириши, барча ишни жимгина бажариши, кейин ҳамма нарсани мусиқа овозлари жўрлигида турли суръатда ва ҳаракатлар хусусиятини ўзгартириш билан амалга ошириш керак.

Сўнгра талаба гуруҳининг ҳар бир аъзосига "жисмоний ҳаракатларни бажаришга созлаш" сифатида ўз ҳоҳиши бўйича қўшиқ айтиш таклиф этилади. Бу ҳол талабаларни "еркин қилади". Топшириқлар мураккаблаштирилади, бундан мақсад топшириқларни бажаришга доир турли анализаторларни (кўриш, эшитиш

анализаторлари, уларнинг қўшилишлари ва"жилолари"ни) машқ қилдириш ва созлашдир. Масалан, битта сигнал бўйича овоз чиқариб қўшиқ айтиш иккинчи сигнал бўйича қўшиқни ичда куйлашни давом эттириш, сўнгра хор бўлиб куйлаш, битта сигнал бўйича фикран, иккинчи сигнал бўйича айрим товушларни алоҳида ажратиб қўйлаш керак. Ўзаро ҳаракат қилишга ва диққатни ушлаб тура олишга қаратилган созлаш машқ қилинади.

Баъзан ана шу мақсадларда талабаларга у ёки бу рақамлар қўйилади ва педагогни қарсак чалиши билан "босма машинка" ишлай бошлайди ёки дам олади.

Асаб жараёнларнинг тезлиги учун мусобақа тариқасида талабалар сигнал бўйича муайян ҳаракатлар мажмуини бажариб кўришлари керак.

Сўнгра мускулларни бўш қўйиш машқларда "нол ҳолат", яъни зўриқишни бўшаштиришдан ажратиб турадиган ҳолат изланади. "Нол ҳолат" ни топиш учун талабалар мускул зўриқиши юқоридан пастга, мускулдан мускулга қараб "кузатиш" машқини бажариб кўрадилар. Уларнинг ҳолатига баҳо бериб, бетараф (холис) сезгиларни излайдилар. Даставвал "нол ҳолат" юздан қидирилади: юз мускулларини "ҳаракатга келтириш", уларни буриштириш, зўриқишига ва бўшашига баҳо берадиган ва нол кайфият изланади.

Кўпгина талабаларда қадам ташлаш (юриш) ва пантамимика бурчаксимон бўлиб, мускулларнинг сиқилиши уларни эркин нафас олишларига ҳалақит беради, улар, айтиш мумкин, худди "хода ютгандек" кеккайиб юришади. Бу ҳолатларга барҳам бериш учун гавда мускулларга ишлов берадиган, нафис қадам ташлаш тавсия этилади.

Қўл мускулларни бўшатиш учун иродани зўриқтириш машқни ҳам бошлаш, кейин бармоқ мускулларни бўшатиш керак бўлади. Бунинг учун олдинига бармоқ зўриқтириш (таранг қилиш), уни мушт қилиб қисиш, кейин елка олди ва елка мускуллари билан ишлаш, сўнгра қўлда оғирликни ва бўшашни ҳис қилишга эришиш зўр, шунда қўл новдадай осилиб туради. Агар қўл мускулларида зўриқиш бўлмаса, у ҳақиқатдан ҳам бўшашган бўлса машқ бажарилган ҳисобланади. Иккинчи қўл билан ҳам, кейин ҳар иккала қўл билан ҳам биргаликда шундай қилиб кўрилади.

Навбатдаги машқ зўриқишни ва бўшашишни алоҳида-алоҳида сезиш машқидир. Масалан, ўнг қўл билан чап оёқ мускулларини бўшатиб, чап қўлни ва ўнг оёқни зўриқтириш мумкин. Талаблар ҳаракатни буриш ва қайтаришни машқ қиладилар, худди мускул қувватини қўл бўйлаб елкадан бармоқ учларига етказгандай бўладилар, сўнгра "у ёққа қара", "йўқол бу ердан" ифодали ҳаракатларни қиладилар. Машқлар онгли ҳаракатларни психологик жиҳатдан "оқлаш" билан етказилади: қўл панзасининг пастдан юқорига кенг ташланиши саломлашиш имо-ишораси, юқоридан пастга ташланиши-бармоққа ёпишган хамирни силкитиш, бармоқларни букиш ва очиш билан бирга қўл панжасини юқорига ва пастга ҳаракат қилдириш-хамирни аралаштириш, бармоқларни шиддат билан олдинга ташлаш-гианастик қўл ҳаракатлари ва шу кабилардир. Мускулларни бўшаши "оқлаш" дан ташқари фикрий тасаввур қилиш ва онгли равишда ўз-ўзига таъсир қилиш билан бирга бориши мумкин.

3. Хотира, диққат ва хаёлни машқ қилдириш актёрлик психотехникасининг уч асосий қисми. Хотирани машқ қилдириш актёрлик психотехникасининг машқ қилдиришнинг машҳур қоидалари ва усуллари асосида амалга оширилади.

Маълумки, диққат-психик фаолиятни шундай ташкил этишдан иборатки, унда муайян идроклар, тасаввурлар, фикр ёки ҳис-туйғулар иккинчи планга ўтиб кетган ёки бутунлай англаб бўлмайдиган бошқа идроклар, тасаввурлар, фикрлар ёки ҳис-туйғуларга қараганда аниқроқ идрок этилади. К.С.Станиславский умумий психология тушунчаларига тўла қўшилган ҳолда диққат онгнинг муайян объектидаги йўналиши ва жамланиши билан намоён бўлади, деб ҳисоблаган эди. Актёрлик психотехникасини машқ қилдириш таркибий қисмларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Атоқли актёр Михаил Чехов "Актёрнинг техникаси тўғрисида" номли китобида диққатни машқ қилдиришга доир қуйидаги машқларни маслаҳат берган эди: "... 1-машқ: Оддий буюмни танглаб олинг. Уни кўздан кечириб чиқинг. Буюмга "қараш" дан қочингда, ўзингиз учун уни ташқи кўринишини тасвирланг. Диққат жараёнини ташкил этувчи ҳамма ҳаракатни ичдан (руҳий)-қилиб кўринг: буюмни қўлга олиб, уни ўзингизга тортинг, унга интилинг, у билан бирга қўшилиб кетишга ҳаракат қилгандай ичига киринг. Бу ҳаракатларни ҳар бирини дастлаб алоҳида-алоҳида, кейин биргаликда қилинг, иккитадан, учтадан ва ҳоказо қилиб бирлаштиринг. Машқни давом этиринг, шуни кузатиб борингки, сизнинг сезиш аъзоларингиз ҳам, гавда мускулларнигиз ҳам ортиққча зўриқмасин. Диққатингиз объектини қуйидаги тартибда алмаштиринг: 1-оддий кўринадиган буюм, 2-товуш, 3-одам нутқи, 4-эсга тушган оддий буюм, 5-эсга тушган товуш, 6-эсга тушган одам нутқи (сўз ёки битта ибора), 7-сиз яхши билган, эсга тушган киши образи, 6-пьеса ёки адабиётдан олинган образ, 9-хаёлий мавжудот, манзара, меъморий шакл ва шу кабиларнинг сиз ўзингиз яратган образи. Диққат ва унинг тўртта ҳаракати сиз учун бажариладиган, ягона, маънавий ишга айлангунча машқни давом эттиринг..." Айниқса, бошланишида ўзингизни чарчайдиган даражага олиб борманг. Машқларнинг онда-сонда бажаришдан кўра, уларнинг мунтазамлиги (бир кунда икки уч марта) муҳимроқдир. Вақти-вақти билан дастлабки анча оддий машқларга қайта мурожаат қилиб кўринг".

Ишни диққатга доир вазифалардан бошлаш тавсия этилади. Ўқув хонасида бор бўлган ҳар қандай объектга (қалам, сиёҳдон, кўзгу) эътиборни қаратиш мумкин, зарурий шарт "саҳна" га (ёзув тахтаси ёнидаги шартли жойга) чиқишдир.

"Саҳна"га чиқиш ўз-ўзидан бутунлай соғлом талабаларда "саҳна саросимаси" ёки ҳаяжонланишнинг бошқа шакллари билан бирга бўлади, талабалар ўзларини йўқотиб қуйиб, объектда диққатларини бир жойга жамлаб ола олмайдилар. Ишчанлик қобилиятлари пастроқ бўлган талабалар билан ишлаш яна ҳам мураккабдир.

Шундай қилиб талаба бир-икки дақиқа ичида бутун гуруҳ олдида "саҳна"да турган буюмга (масалан, стулга) кўз югуртириб чиқади ва педагогнинг "бўлди" деган командаси билан ўзи кузатиб бўлган нарсаларни, буюмни ўзи сезган фазилатларини гапириб беради. Ўқитувчи ҳар гал "саҳна" га чиққанида аста-секин, лекин ҳар ҳолда режали, осойишта ва диққат билан ишлай бошлайди: у энди буюмнинг тафсилотларини пайқаб олади ва ҳатто уларни туркумларга ажратади-буюмнинг рангини, шаклини ва у қандай материалдан ясалганлигини, унинг таркибий қисмларини, қаерда туриши ва шу кабиларни айтади. У талабанинг кўриш диққатидан ташқари, эшитиш диққатини ҳам машқ қилдиради: нимани эшитяпсиз, қандай товушлар келяпти, улар қаердан эшитиляпти, уларнинг таркибий қисмлари, турган жойи қандай?

Ташқи буюмларни кўришдан ташқари ички диққатни-уни бирор фикрга ёки муаммога қаратишни машқ қилдириш тавсия этилади, бундан мақсад-уни ҳар томонлама қараб чиқишдир.

Машқларнинг навбатдаги гуруҳи диққатнинг ҳаракатчанлиги ва кўчувчанлигини машқ қилишга қаратилган. Талабалар аудиториясига бирорта объектга (масалан, ўқув аудиториясидаги эшик, деразага) диққатини қаратиш таклиф этилади, сўнгра бошқа объект (масалан, билакузук, талабанинг соатидаги сиферблат) тилга олинади ва диққат қаратилгач, ўқитувчи навбат билан команда беради: "дераза", "соат", "дераза", "соат" ва ҳоказо.

Талабалар олдига қўйиладиган асосий вазифа-жисмоний ҳаракатлар орқали, "мускул қувончи" орқали ички маънавий шодлик ҳолатини топишдан иборат бўлиб, у юксак ишчанлик кобилиятига, тўла куч билан ишлаш истагини пайдо бўлишига ёрдам беради. Бундан ташқари, жуда юксак мақсад "ўта вазифа" ўзни худи тажрибали педагог сифатида тутиш вазифаси қўйилади. Бу тасаввур ҳулқ-атвордаги жисмоний машқ орқали ўзини бахтиёр ва меҳнатсевар ҳис қилишда ёрдам беради.

Шундай қилиб жисмоний ҳаракатларнинг ташқи томони орқали психологик томонни машқ қилдириш содир бўлади, у сенсомотор кўникмалар, хаёл, ҳиссий реактсияларни чуқурлаштиришга қаратилгандир. Жисмоний ҳаракатлар усули айрим ўзаро фикр алмашиш кўникмаларини машқ қилдириш учун ҳам қўлланилади. Баҳамжиҳат бўлиб ишлаш-ўзаро боғланган жамоа фаолият-гуруҳ аъзоларини жипслаштиришга, уларнинг биринчи навбатда психофизиологик жиҳатдан мувофиқ келишига ёрдам беради.

МВ

Ўқитувчи ўз маҳоратини кўрсатиш учун актёрлик фаолиятига қўша оладими. Қўшса қайси жиҳатлари билан асосланади?

16-маъруза

Мавзу: Дарсда мустақил ишни ташкил этиш

Ўқув модуллари:

1. Дарснинг психологик жиҳатлари

2. Ўқитувчининг талабаларга қўядиган талабларининг характери

3. Дарснинг мароми

Маъруза бўйича аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу маърузани пухта ўзлаштирганидан сўнг:

-Моҳир педагогларни тажрибасини ўрганади;
-Мустақил ишни ташкил этиш маҳоратини эгаллайди;
-Дарсда қайтувчан алоқани ўрганишга аҳамият беради;
-Педагог фаолиятида маданиятга эътибор бериши;
-Дарсда психологик тартибга амал қилиш;
-Педагогни талабаларга қўядиган талабларини моҳиятини ва тавсилотни ўрганиш;
-Дарсда хиссий-интелектуал охангни яратиш;
-Дарсда хазил мутойиба сезгисини яратиш;
-Дарснинг мароми педагог томонидан иш жараёнини танлаш;
-Дарсда ўз-ўзини назорат қилиш.

Моҳир ўқитувчи тажрибасиз ўқитувчига нисбатан оз меҳнат ва вақт сарф қилиб кўзланган мақсадга эришади, чунки талабаларни доимо мустақил билим олишга ўргатиб борадилар. Улар "агар мавзуни ўзлаштиришга талабаларнинг кучи етмаса мустақил ўзлаштира олмаса, акс ҳолда материални ўқитувчининг ўзи тушунтириб бериш керак", деган қоидага амал қиладилар.

Ўқитувчилар дарсда талабаларнинг мустақил билим олишларини таъминловчи жуда кўп усуллардан фойдаланадилар. Улардан дастлабкиси такрорлаш характерига эга бўлган ишлардир. Бунга олдин ўзлаштирилган билимларни амалда қўллашга оид машқ ва масалалар ўқитувчи топшириғига биноан дарсликдан ўқиш, олдин ўзлаштирилган маълумот ва далилларни ўргатувчи график ишлар (схема ва жадваллар)ни бажариш ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Амалий машғулотларда ҳам мустақил ишдан талабаларни янги билимлар билан қуроллантириш мақсадида самарали фойдаланиш мумкин. Назарий ёки амалий дарс бўлишидан қатъий назар талабаларнинг мустақил ишлари ўқитувчи томонидан бошқарилиши лозим.

Тажрибали ўқитувчилар талабаларни китоб билан ишлашга, конспект тузишга, ижодий ишларни ташқил этишга ва бажаришга ўргатишга алоҳида эътибор берадилар. Масалан, В. Ф. Шаталов талабаларни бевосита яратувчи фикрлашларини ривожлантиришга оид усуллар системасини қўллайди, кенг кўламдаги топшириқларни, турли хил ўзига хос мустақил ишларни бажартиради. Топшириқларни аксарият қисмини талабаларнинг ўзлари мустақил бажарадилар. Бунга эришиш учун у дарсда эталон масала ечимини талабаларга кўрсатади ва қайси масалалар шу турдаги масалалар эканлигини талабалардан сўрайди. Бу масалаларни (уларни ечиш ва мураккаблиги чекланмаган ҳолда) талабалар ўзлари мустақил ишлайдилар. Масалаларни тўғри ечилганлигини талабалар ўзаро ёки ўқитувчи томонидан текширилади. Ҳар бир талаба ўз кучига мос масалани танлаб ечади, билими кучли талабаларга эса мураккаброк масалалар тавсия қилинади.

Айниқса, далилларни мустақил таҳлил қилиб, умумлаштириб ва хулоса ясаб, янги билимларни ўзлаштиришда талабалар мустақил иши ниҳоятда фойдали бўлади. Дарсда талабаларни китоб билан мустақил ишларини ташкил қилишда ўқитувчи тезкор талабани тўхтатмайди, аста-сёкин ўзлаштираётган талабани шошилтирмайди саволга тўғри жавоб берган талабага дарҳол навбатдаги саволни беради, хатоликка йўл қўйган талабага эса қўшимча топшириқ беради. Ёш ўқитувчилар талабалар мустақил ишларини ташкил этишга етарли даражада масъулият билан эътибор бермайдилар. Талабалар ҳам уларга мослашиб, ўқитувчи ҳаммасини тушунтириб қўйишини, ўқув материалидаги муҳим жойларни нимага кўпроқ эътибор бериш кераклигини ҳам ўқитувчи айтиб беришини кўтадилар. Натижада талабалар аксарият ҳолларда мустақил ишлашга ўрганмай қоладилар. Талабаларнинг индивидуал қобилиятларини доимо кўзатиб, ўрганиб ва эътиборга олиб борувчи ўқитувчилар эса мустақил ишлашни ташкил этиш маҳоратини эгаллайдилар.

МВ	Талаба китоб билан мустақил ишлашга электрон китобдан фойдалана оладими?

Дарсда қайтувчан алоқани ўрнатиш

Талабаларнинг билимларини ўзлаштириш жараёнини тўғри ташкил этиш учун дарсда қайтувчан алоқани моҳирона ўрнатиш катта аҳамиятга эга.

Кузатувчанлик қобилияти ва тафаккўри яхши ривожланган ҳар бир қадамини мулоҳаза билан ташлайдиган ўқитувчилар бундай малакаларни тезроқ эгаллайди.

Психолог олимлар (А. А. Бодалев ва В. С. Кондратевлар) аниқлаганларидек, моҳир ўқитувчиларнинг "аъло", "яхши", "қониқарли" баҳоларга ўқийдиган ва ўзлаштирмайдиган талабалар ҳақидаги тасавурлари ўз ишига лоқайдлик билан қарайдиган ўқитувчиларга нисбатан анчагина кенг бўлар экан. Тажрибали ўқитувчилар дарсни ўзлаштирмайдиган талабаларни ўзлаштирмаслик сабаблари бўйича турларга ажратганлар. Улар: билиш доирасини кам ривожланганлиги (еътиборсиз, хотираси ёмон фикрлаш оператсияларнинг шаклланмаганлиги ва ҳоказо); ҳиссий иродавий доирасида камчиликларни мавжудлиги (секин қўзғалувчанлик, ортиқча жаҳлдорлик, муҳимликнинг йўқлиги ва ҳоказо); шахснинг интеграл сифатларини етарли даражада ифодаланмаганлиги (билишга оид қизиқишлари).

Педагогик фаолият маданияти

Биз педагогик маҳоратни эгаллаш учун ўқитувчи ўз фанини чуқур билишидан ташқари талабалари кишиларни сиёсат, фан, маданият, техника ва синфи соҳалари бўйича нималар қизиқтираётганлиги билан ҳам хабардор бўлиб туриши лозимлиги ҳақида тўхталдик. Дарс тўла ўқув жараёни каби ижтимоий йўналишга эга бўлиши лозим. Дарс бу ҳам кафедра, ҳам минбар, умуман олганда ўқитувчи дунёқараши (позиция)ни ифодалайди, ўқитувчи ўзининг ва талабаларнинг ҳаётга бошқа мафкурага нисбатан муносабатини шакллантиради. Педагогик маҳоратни эгаллаш калити ҳам дарснинг ўзидадир.

Дарснинг психологик жиҳатлари

Ўқитувчи ўз фаолиятида талабаларнинг ривожланиш даражаси, хотираси, диққати, иродаси, фикрининг ихчамлиги ва муҳим ишлаш қобилиятларини ҳар доим синаб боради. Бунда нималарга амал қилиш керак? Энг аввало у ўз талабаси-инсон ҳақида ёмон фикр айтишга шошилмаслиги зарур. Талабаларда содир бўлаётган ўзгаришларни синчковлик билан ўрганиш ва уларни тушуниши, мулоҳазали иш тутиши, талаба қалбига, унинг руҳиятига тўғри йўл топиш бунёдкор ўқитувчиларга хос бўлган ҳислатлардир.

Дарсда қандай қилиб энг мақбул психологик тартибга амал қилиш керак? Энг аввало гуруҳ хонасидан талаба диққатини чалғитадиган, унга ҳалақит берадиган нарсаларни чиқариб ташлаш керак.

Ёш ўқитувчи дарсда кимнинг йўқлиги ва талабалар нима билан шуғулланаётганликларига бефарқ қарамасликлари лозим. Бундай ҳолат ҳар бир фан ўқитувчисига хосдир, чунки ўқитувчида талабаларга таъсир этиш маҳорати етишмайди. Талабалар эса ниҳоятда серташвиш бўладилар. Математикадан тайёрланмаган уй вазифаси, қизиқарли бадиий асардан ҳозиргина ўқилган образ, у ёқтирадиган футбол ёки ҳоккей командасининг омадсизлиги, дўстлар билан айтишиб қолиши-буларни ҳаммаси талаба хотиржамлигини бузадиган омиллардир. Шунинг учун ҳам ўқитувчи талабаларни юз ифодасидан тушуниш, уларнинг диққатини бошқара олиши-уни қўзғатиш каби психологик билимларга ва амалий малакаларга эга бўлиши лозим. Шундагина энг қайсар талаба ҳам дарсга қайтиши, тинглаб ўтириши мумкин.

Талабалар қизиқишларини, қобилиятларини, фикрлаш суръатини, синфдаги ҳар бир талабанинг ҳарактери ва ҳислатларини билиши дарсга ижобий ёндошишининг психологик омилларидир. Уларнинг эътиборга олиш-педагогик фаолиятнинг биринчи кунидан то сўнгги дақиқаларигача қизиқарли бўлишини таъминлайди.

Ўқитувчининг талабаларга қўядиган талабларининг характери

Турли дарсларда ўтказилган оддий ҳисоб-китоб 45 минутли бир дарсда ўқитувчи талабаларга ўртача 100 та талаб қўяр экан. Бу озми ёки кўпми? Бу саволга жавоб бериш учун А. С. Макаренконинг "Агар мендан бирор киши сиз ўз педагогик тажрибангизни қисқа шаклда қандай қилиб таърифлай оласиз, деб сўраса, мен инсонга иложи борича кўпроқ талаб қўйиш ва уни иложи борича кўпроқ хурмат қилиш керак, деб жавоб берган бўлар эдим. " -деган фикрини эслаш кифоя. Албатта бу ерда гап талабага қанча талаб қўйиш ҳақида эмас, балки қандай талаб қўйиш зарурлиги ҳақида бораётир.

Талаб қилишга қандай ўрганиш керак? Балки дарсга кириб ўқитувчи қандай талаб қилаётганлигини, талабалар эса уларни қай тарзда бажараётганлигини кўзатиш керак. Албатта бусиз иш битмайди. Лекин бундай иш бошлаш тўғри ҳам бўлмайди. Бу ҳақда биз жуда кўп турли-туман, мураккаб ва кўп қиррали далилларни аниқлаймиз. Энг аввало биз талаб қўйишнинг моҳиятини, уларни тафсилотини ўрганишимиз керак. Бунинг учун албатта педагогика, психология ва ўқитиш методикасига оид чуқур билимларга эга бўлиш керак.

Бундай билим ва методларни яхши ўзлаштирган ўқитувчилар дарс давомида талабаларнинг айрим ҳатти-ҳаракатларини ҳисобга олиб борадилар ва дарс якунида уларни рағбатлантириш, танбеҳ бериш, жазолаш методларини қўллайдилар. Улар қайси талабага қандай талаб қўйиш лозимлигини биладилар. Бу талабларни бажариш жараёнида эса талабалар аниқ бир хулқ-атвор услубига кўникиб борадилар.

Талаб қўйишнинг аниқ бир шаклини танлашда педагогик вазиятни, яъни бу талабларни бажарилиш шароитларини эътиборга олиш асосий омиллардан биридир. Энг муҳими, педагог талаби ижрочига мос ва уни бажарилишини охиригача етказилишидир.

Дарсининг ҳиссий-интеллектуал оҳангини яратиш

Дарсда талабалар фақат предмет ва ҳодисаларни фаоллик билан ўрганибгина қолмай, балки уларга нисбатан ўз муносабатларини ҳам шакллантирадилар. Баъзи ходисалар уларни ҳаяжонлантиради, баъзиларига эса лоқайд қарайдилар, баъзи ўқитувчиларни эса жуда яхши кўрадилар, баъзиларини хуш кўрмайдилар. Психологлар ижобий ҳиссиётлар инсон фаолиятининг кучли кўзғатувчиси ва илҳомлантирувчиси эканлигини таъкидлайдилар Ҳиссиётсиз инсон ҳеч качон ҳақиқат сари интилмайди.

Дарснинг ҳиссий-интелектуал оҳанги турли усуллари билан сақлаб турилади. Биринчидан, ўтилаётган мавзу ва қўшимча материалда талабалар учун ниҳоятда қизиқ бўлган маълумотнинг бўлиши билан. Масалан, тарих дарсида ўқитувчи: "Планетамиз тарихида 14513 та катта ва кичик урушлар бўлиб, уларда 3 млн. 640 минг киши ҳалок бўлган. Агар бу урушларда кўрилган талофатни олтинга

айлантирсак, қалинлиги 8 метр ва кенглиги 10 км. бўлган олтин камар Ерни экватор бўйлаб ўраб чиқишга етган бўлар эди", деган маълумотни айтади.

Иккинчидан, дарс мазмуни бирор кашфиёт ҳақида кўпроқ буюк олимлар ҳаёти ва фаолияти, инсон ақл-заковати ҳақидаги мисоллар ва ҳикоялар билан бойитиб, талабаларни ижодий изланиш томон илҳомлантириш лозим.

Дарснинг ҳиссий-интелектуал оҳангини сақлаб туришнинг учинчи йўналиши - талабаларни қизиқарли ва ижодий ишга жалб қилишдир. Бунинг мавжуд усуллари жуда кўп. Уларни танлаш муаммоли вазиятларнинг турини танлаш билан боғлиқ. Муаммоли вазият талабаларни ҳар доим билиш ва билмаслик чегарасида, ҳаяжонланиш ҳолатида бўлишларини таъминлайди. Ана шу ҳаяжонланиш талабаларда навбатдаги муаммони тушунтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ва ниҳоят, ўқитишни талабаларнинг ижобий ҳиссиётларига асосланиб олиб боришнинг тўртинчи йўналиши ўқитувчини ўқув материалига бўлган ҳиссий муносабати билан боғлиқдир. Ўқитувчи дарсга жуда пухта тайёргарлик кўриши, Лекин уни муваффақиятли ўтказа олмаслиги мумкин. Ёш ўқитувчилар шуни ёдда тутишлари керакки, ўқув материалини жуда чиройли, қиёфали, ҳиссиётларга бой ҳолда моҳирона баён қилиб, талабаларни ўзига ром этиши мумкин. Бу ҳақда Флобер шундай деган эди: "Ишонч билан гапирганда сўз ҳам, тингловчиларни маҳлиё қилиш ҳам ўз-ўзидан келаверади".

Дарсда ҳазил-мутойиба сезгиси

Олимлар изланишларининг кўрсатишига қараганда, тажрибали ўқитувчининг шахсий сифатлари орасида "қувноқ характер" доимо ажралиб туради. Чунки, у талабаларни ниҳоятда чарчаган, диққатлари ўта тарқалувчан бўлган ҳолда ҳам ўқитувчига дарсда ишчи вазиятни яратиш имконини беради. Бундай ҳолда у талабаларга бир оз дам беради, биргаликда севимли қўшиқни куйлашни таклиф этади, баъзан эса бирор қизиқарли ҳикоя ёки воқеани айтиб талабалардаги чарчоқни бартараф қилади. Тажрибасиз ўқитувчилар эса аксинча, ҳажвий ҳикояларни тушунтираётганида ҳам, талабаларни қўлишига йўл қўймайди, уларни жеркиб, тартибни бўзмасликка чорлаб турадилар. Ҳазил-мутойиба сезгиси бўлмаган ўқитувчи ҳатто талабаларнинг енгил ҳазилини ҳам кечира олмайдилар, уларга қўпол муомалада бўладилар. Бу каби мисоллар ўқитувчи-талаба муомиласига салбий таъсир кўрсатади.

"Мактабдаги хушчақчақ ҳаётга худди душманга, қўпол хатога бўлгандек муносабатда бўлиш биз кўпчилик ҳолларда йўл қўядиган жиддий камчилигимиздир" - дейди Л. Н. Толстой.

Дарснинг мароми

Дарс мароми ўқитувчи меҳнатининг маданиятигина бўлиб қолмай, балки унинг интизоми, дарснинг сифати ҳамдир. Дарс мароми юқори, Лекин талабаларга мос бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам моҳир ўқитувчилар дарсни юқори маромда ўтиб талабаларда амалий кўникмалар (масалан ҳисоблаш)ни таркиб топтиришга муяссар бўлмоқдалар. Тажрибасиз ўқитувчилар эса улгурмай қолиш дан қўрқиб дарсни талабалар имкониятларини, ўзлаштириш жараёнини ҳисобга олмай, жуда юқори маромда олиб борадилар. Меъёрдаги маромни ҳар қандай бузилиши

талабаларнинг росмана ишчи кайфиятига салбий таъсир кўрсатади. Уларни тезда чарчашларига сабаб бўлади.

Дарсда энг мақбул маромга эришиш учун қуйидагилар тавсия этилади: дарсда кўпчиликни қаноатлантирувчи "ўртача" маромни танлаш, талабаларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш, дарсда якка тартибда ва ҳамкорликда бажариладиган ишларни оқилона уйғунлаштириш, талабалар фаолиятларини турли-туман шаклларини қўллаш, вақтдан иложи борича самаралироқ фойдаланиш. Дарс маромини аста-сёкин ошириб бориш лозим. Дарс мароми ўқитувчи томонидан фақат иш жараёнидагина танланади.

Дарсда ўз-ўзини назорат қилиш

Ўз-ўзини назорат қилиш ёш ўқитувчи педагогик қобилиятининг тезроқ ривожланишига, тажрибали педагоглар маҳорати "сирлари"ни тезроқ эгаллашга имкон беради. Ўқитувчи ўз фаолиятини ўзи таҳлил қилар экан, у ўзини бошқариш ва такомиллаштиришнинг энг кучли қуролига эга бўлади, муваффақиятли ишлаш усулларини эгаллайди (диагноз-прогноз). Булар эса ўқитувчида ўз меҳнатидан қониқиш ҳосил қилиш ҳисларини уйғотади, унга маънавий қувват, ижодий иштиёқ (ентузиазм) бағишлайди.

Ўқитувчи ўзини-ўзи аҳлоқий баркамолликка эриштиришга интилиши касб фаолиятини муваффақиятли олиб боришининг муҳим шартидир. Бундай турткининг бўлмаслиги ижодкорликни пасайишига, ўз касбидан, ҳатто ўзидан ҳам норозиликни пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Ўқитувчи ўзининг дарсини ўзи таҳлил қилаётганда, қуйидагиларга эътибор бериши тавсия этилади:

- кўзланган мақсад ва дарс натижасини таққослаш;
- талабалар билими, кўникмаси ва камол топишидаги силжишларни кўзланган натижага мувофиқлигини аниқлаш;
- талабалар дарсда иштиёқ билан ишлаганликларига алоҳида эътибор бериш.

17-Маъруза.

Мавзу: Ўқитувчи нутқининг ифодалилиги ва бойлиги

Ўқув модуллари:

1. Нутқ ифодалилиги.

2. Ўқитувчи нутқининг бойлиги.

3. Ўқитувчи нутқининг ўринлилиги.

Маъруза бўйича аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу маърузани пухта ўзлаштирганидан сўнг:

-Педагог нутқининг мухим фазилатларини ўрганади;

-Педагогнинг дарсдаги нутқи ифодалилиги маъруза нутқ ифодалилигини фарқини ўрганади;

-Нутқ ифодалигида айрим камчиликларни ўрганади;

-Педагог нутқининг бойлиги (ранг-баранглиги)ни ўрганиш;

-Нутқни ўринлилигида фазилатларга эътибор бериш;

-Мулоқотда талабаларни рухий холатларини ўрганиш;

-Нутқнинг ўринлилигида ижтимоий жихтлрни муҳимлиги.

1. Нутқ ифодалилиги.

Ўқитувчи нутқининг муҳим фазилатларидан бири ифодалиликдир. Ифодалиликкина нутқнинг тингловчи томонидан қабул қилинишини таъминлайди. Ифодалар содда, аммо катта мазмунга эга бўлган нутқ тингловчида қизиқиш уйғотади ва унинг онггига тез етиб боради. Ифодалилик нуқтаи назаридан қаралганда кишиларнинг нутқлари хилма-хилдир. Ҳатто бир мавзуга бағишланган турли кишиларнинг нутқи турлича ифодаланиши мумкин. Бундай нутқларнинг бирига тингловчи қизиқиб қараса, бошқасига нисбатан лоқайд муносабатда бўлади. Нутқни равон қилишда мавзу ва хабарнинг мантиқи, далилларнинг янгилиги, муаллифнинг таъсир ўтказиш воситалари, нутқнинг структура хусусиятлари муҳимдир. Биз А.Қодирий, Ойбек, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор, А.Орипов ва Э.Воҳидовларнинг кўпгина асарларини ҳаяжон билан ўқиймиз. Бунга сабаб нима? Масалан, Ўзбекистон мавзусида жуда кўп шеърлар ёзилган. Лекин Ойбек, Ҳ.Олимжон, А.Ориповларнинг шеърларини бошқалардан афзал кўрмаиз. Ўз-ўзидан равшан бўладики, нутқнинг тузилиши, хусусияти, фазилати ҳамда хоссалари бизнинг фикр ва туйғуларимизни. диққатимизни ёрқинлаштиради, айтилганларда қизиқиш уйғотади. Ўз тузилиши, хусусуияти, фазилати ва хоссалари билан тингловчининг фикр ва туйғуларини, диққатини ёрқинлаштирган, айтилганларга қизиқиш уйғотган нутқ ифодалидир.

Ифодали, шеърий нутққа мисол қилиб Ҳ.Олимжоннинг «Ўлка» шеърини кўрсатиш мумкин.

Ифодалилик биринчидан нутқ вазияти билан боғлиқ бўлса, иккинчидан эса, тилнинг тузилиши билан боғлиқдир. Ўқитувчининг дарсдаги нутқи ифодалилиги билан, тарғиботчининг маъруза ифодалилиги билан, ЭҲМ юзасидан қилинган маъруза билан, халқаро кенгашда қилинган маъруза ифодалилигини бир қаторга қўйиб бўлмайди. Улар ташбиҳлар ва луғавий қатламларнинг, оҳангнинг кўринишлари билан бир-биридан ажралиб туради. Аммо ҳар қандай фикр алишувида ҳам ифодалилик зарурдир.

Нутқнинг ифодалилиги, талаффуз, урғу, лексика, сўз ясалиши, морфология, синтаксис услуб билан алоқадордир. Демак, ифодалилик тил имкониятларининг ҳар хил соҳалари иштирокида юзага чиқади. Нутқда ифодалиликка қандай эриши мумкин? Тилшунос Б.Н.Головин бунинг еттита шартини кўрсатади.

Биринчидан, нутқ муаллифи тафаккурининг эркин, мустақил бўлиши, сийқаси чиққан гапларга боғланиб қолган кишининг нутқи юксак ифодалиликка эриша олмайди, чунки бундай нотиқ эркин тафаккур қилмайди, нутқига шароитга муносиб ифодавий воситаларни кирита олмайди, улар устида ўйламайди, ўйлай олмайди.

Иккинчидан, нутқ муаллифи нима ҳақида сўзлаётганини, кимларга сўзлаётганлигини билиши, шунга қизиқиши, бепарво бўлмаслиги лозим.

Учинчидан, тилни, унинг ифода воситаларини, имкониятларини яхши билиш (бунга тил фанини билиш орқали эришилади).

Тўртинчидан, тил услублари (бадиий, илмий, публитсистик, сўзлашув каби) хусусиятлари, хоссаларини билиш.

Бешинчидан нутқий малака устида мунтазам ва енгил машқ қилиш. Бунда олинган билимни малакага айлантириш муҳимдир. Сўзлаётганда киши узоқ ўйлаб нутқни ифодали қилувчи воситаларни топиб бериши, кераксиз воситаларни

узоқлаштириши лозим. Аммо бунга қандай эришиш мумкин? Ўқиган бадиий, илмий ва бошқа асарларнинг тилига онгли муносабатда бўлиш, тил воситаларини таҳлил этиш, ёдлаш, улардан фойдаланиб, нутқ сўзлаш машқлари ўтказиш ифодали сўзлаш юзасидан малака ҳосил қилишнинг бирдан-бир тўғри йўлидир. Инсон доимо ўз нутқий малакасини бойитиш, ошириб бориши зарур.

Олтинчидан, сўзловчининг ифодали сўзлашга бўлган онгли ишончи, руҳан тайёргарлиги. Киши ўзига-ўзи менинг нутқим ифодасиз, сўзлашиш учун китоблар ўқишим, улардан тилнинг ифода воситаларини, мақол, хикматли сўзларни, ибораларни ўрганишим зарур дея олиши керак.

Еттинчидан, тилда нутқнинг ифодалилигини таъминловчи воситаларнинг бўлиши. Улар тилда борлиги учун ҳам биз ўз нутқимизда ифодалиликка эришамиз.

Тилнинг ифода воситалари дейилганда, одатда, троплар ва тасвирий шакллар тушунилади. Ҳақиқатда эса ифодалилик воситаларининг бошқа кўринишлари ҳам бор. Бу тушунча оддий товушлардан то услубгача бўлган ҳамма имкониятларни ўзида қамрайди. Ҳаммага маълумки, сўзловчи бирор товушни нотўғри айтса, ёки аниқ айта олмаса, нутқни қабул қилиш анча қийинлашади.

Ифодали сўзлашни таъминловчи асосий манбаа сўзлар (лектсия) дир. Тилдаги сўзлар луғавий-маъновий воситалар тилнинг тасвирий воситалари деб юритилади. Ўхшатиш (епитет) ҳам, метафора ҳам, метонимия ҳам луғавий маънога асосланади. Баъзи бир шеърлар ифодали воситаларсиз яратилади. Эркин Вохидовнинг «Кўча ўртасида» шеъри иккита тўртликдан иборат.

Кундалик шеърий нутқ ҳар хаил тузилади. Шунинг учун бир сўзнинг ўзи кундалик нутқда ва шеърий нутқда ифодасиз ҳам, ифодали ҳам бўлиши мумкин.

Маълумки, ифодалиликни таъминлашда ўхташиш, метафора, метонимия, синекдоха, муболаға кабилар катта аҳамиятга эгадир. Нутқда бу воситалардан ўринли фойдаланиш унинг маданиятини оширади.

Ўхшатиш каби, сингари, -дай, -дек, каби воситалар билан ҳосил қилинади. Ўхшатиш нутқнинг ҳамма турлари учун ҳам муҳимдир. Аммо у бадиий нутқда кўпроқ учрайди.

-Окоплардан ёв чиқади,
Очбўридан улишиб.
Орқасидан ажал қувган,
Тентаклардай кулишиб.
Даҳшат билан бир ўтаман,
Тепасидан бургутдай.
Ёмғир каби ўт ёғдирсам,
Тўкилади у тутдай.

(Ҳ.Олимжон).

Парчадаги «бўридай», «тентаклардай», «ёмғир каби», «бургутдай», «тутдай» каби ўхшатиш воситаларини қабул қилган сўзлар шоир фикрларини янада ёрқинлаштирган, уларнинг талабага ҳар томонлама етиб боришини таъминлаган.

Метафора нарсалар, ҳодисалар орасидаги ўхшашликка асосланиб, бирига хос бўлган белги-хусусиятларни бошқасига кўчиришдир. Нарсалар ўзининг ранги, шакли, ҳаракат хусусияти ва бошқа белгиларига кўра, бошқа шундай белгиларга эга бўлган нарса номини олади. Бунда шу нарсалар учун умумий бўлган белги тушунчада сақланади.

Метафора ёпиқ қиёслаш маъносига эга бўлган сўз бирикмаларидир. Метафора маъносида уч қисм бўлади: 1. қиёслаш ҳақидаги хабар; 2. нима билан қиёсланаётгани ҳақидаги хабар; 3. қиёсланаётган нарсалар белгиси ҳақидаги хабар.

Усмон Носирнинг «Нақшон» достонидан олинган мана бу шеърларни таҳлил этайлик:

Шоти бўлиб,
Кўкка чирмашган нола.
Шундай поядорки,
Кўринмас тош…
Тоғ бошида куннинг,
Қопли этаги.
Йиғлар ўнгирларда,
Мунгли шалола.

(Усмон Носир).

Сидекдоха ҳам нутқнинг ифодалилигини таъминлайди:

Биз ҳам йўлда Қуёш тупроқ васлидан,
Қизийди орқада, олдимизда йўл.
Гўзал бўлиб кетмиш тупроқ аслидан,
Уруғ сочиб ўтганч меҳнат номли қўл.

(Зулфия)

Парчанинг кейинги икки мисрасида инсон меҳнати улуғланган. Ерни аслидан гўзал қилиб юборган қўл орқали меҳнаткаш инсон англашилади, яъни қисм орқали бутунни ифодалаш билан гўзал ифодалилик яратилган.

Метонимия нарсаларнинг замон ва маконда ўзаро боғланишларига асосланади.

Фақат чуст дўпписи остидан тошган,
Кумуш ҳалқалардан оқиб тушар тер.

(Зулфия)

«Кумуш ҳалқалар» нинг чуст дўпписи остидан тошиб туриши, уларнинг қўнғироқ соч ўрнида ишлатилганлигини англашга имкон беради. «Кумуш ҳалқалар» устида фикр юритган талабанинг хаёлига бирдан оқарган жингалак соч, улардан оқиб тушаётган қайноқ тер келади. Мисраларда шоир кўзда тутган фикрни осонликча англаб олади. Бошқа ифодалилик воситалари шу юқоридагиларга ўхшайди.

Ўқитувчи нутқининг бойлиги.

Ўқитувчи нутқининг бойлиги (ранг-баранглиги) дейилганда, унда ишлатилган тил воситаларининг кўплиги, кам такрорланганлиги, тингловчига кўрсатган таъсири тушунилади. Нутқнинг бойлигини аниқлаш анча мушкул бўлиб, икки нутқни бир-бири билан солиштирганда, қиёслаганда улардаги тил воситаларининг сўзловчи тутган ахборотларни юзага чиқаришда бажарган вазифаси устида мулоҳаза қилганда намоён бўлади. Олайлик, ўрта маълумотли бригадирнинг нутқидан, олий маълумотли ўқитувчининг нутқи албатта бойдир. Бунга биз ўз таассуротларимиз асосида ишонч ҳосил қиламиз. Тил қурилиш хусусиятлари билан бизда таассурот уйғотган нутқ бой, шундай таассурот кам бўлган нутқ қашшоқдир.

Кўпгина кишиларнинг оғзаки нутқида (баъзан ёзма нутқида ҳам) сўзлар кўп марталаб такрорланади. Нутқда фикрни ёрқинлаштириш учун зарур бўлган тил воситалари ишлатилмайди. Бундай нутқни эшитиш кишига малол келади. Нутқ сўзловчи ўз олдига қўйган мақсадни тингловчига тўла етказа олмайди. Албатта, бундай нутқ сўзловчининг тилни яхши эгалламанганлигини, ўз нутқи учун қунт билан меҳнат қилмаганлигини кўрсатади.

Жаҳон адабиётига катта ҳисса қўшган кўпгина олимларнинг сўз бойлиги услубий жиҳатдан ўрганилиб чииқлган. Масалан, рус шоири А.Пушкин ўз асарларида 21197 сўздан, Шекспир 20000 сўздан, Сервантес 18000 сўздан, Абдулла Тўқай 14000 сўздан, Абай эса 6000 сўздан фойдаланган. Навоийшунос ёш олим Бафоевнинг маълумотига кўра, улуғ бобомиз Алишер Навоий сўз ишлатиш борасида ҳам тенги йўқ шахс бўлган. Унинг асарларида тахминан 1376667 сўз ишлатилган. Бу тадқиқотчининг хабар беришича, биргина «/аройибус-Сиғар» нинг ўзида 7669, «Фарҳод ва Сҳирин» да 5431сўз турли маъноларда қўлланилгандир. Ўзбек адабиётининг йирик намояндаси Ойбекнинг сўз хазинаси 25000 бирликдан иборат бўлган. А.Қаҳҳор 22000 сўздан фойдаланган. Афсуски, ўзбек адибларининг муаллифлик луғатлари бўлмаганлигидан, кўпгина йирик шоир ва носирларимизнинг сўз бойликлари тўғрисида маълумот бериш имкониятига эга эмасмиз.

Умуман олганда, ҳозирги замоннинг олий маълумотли етук кишиси ўз нутқий фаолиятида 10, 12000 тил бирлигидан фойдаланиши мумкин. Нутқнинг бойлигини белгилашда, фразеологик бирикмаларнинг алоҳида ўрни бор. Ўзбек тилшунослигида бу борада ҳам айтарли кўп иш қилинмаган. Биз профессор И.Қўчқортоевнинг А.Қаҳҳор фразеологизмларига бағишланган асарларинигина биламиз, холос. Ўзбек тили ибораларга энг бой тиллардан биридир. Уларнинг бир қисми олимларимиз томонидан тўпланган.

3. Ўқитувчи нутқининг ўринлилиги.

Ўринлилик нутқнинг фазилатлари ичида энг муҳимларидан биридир. Чунки нутқнинг бошқа фазилатлари парча учун, нутқ сўзланиб турган шароит учун ўринли бўлсагина, ўзини кўрсата олади. Акс ҳолда, тўғрилик ҳам, ифодалилик ҳам англашилмайди. Ўринлилик нутқнинг маълум бир воқеа-ҳодисага, алоқанинг мақсади ва шароитига мослаб тузилишидир. Ўринли нутқ берилаётган маълумотга, тингловчиларнинг нутқ сўзланилаётган пайтдаги руҳий ҳолатига мос бўлади. Масалан, никоҳ тўйи кечасида айтилган нутқ билан иш юзасидан ўтказилган мажлисда сўзланган нутқ ўз сўз таркиби, қурилиши, услуби, оҳанги билан бир-биридан кескин ажралиб туради. Ўринлиликка эришишнинг асосида тилнинг сўз бойлигини эгаллаш, ҳар бир сўзнинг маъно қирраларини чуқур англаш ётади. Сўзловчи айрим сўз, сўз бирикмалари ёки ибораларининг лексик маъноларини яхши англамасдан нуққа киритганда, мазкур тил воситалари муаллиф кўзлаган маънони англатмаганлиги учун мақсад тўлиқ юзага чиқмайди, мантиқсизлик пайдо бўлади: «Ўзбек адабий тили ўз ичига адабий тилдан ташқари, бир қанча шувалар ва диалектларни ҳам олади» (Н.Ахмедов). Бунда муаллиф «ўзбек адабий тили» ва «адабий тил» бирикмалардан бирини ўринсиз ишлатган, улар англатган маънога эга бермаган. Матнда «Ўзбек адабий тили» ифодасига юкланган вазифа унинг маъно режасида йўқ. У матнда «Ўзбек тили», «Ўзбек миллий тили» ифодалари ўрнида ишлатилган. Ўринсизлик юз берган.

Келар мангу нозланиб гўзал,
Бор дунёни эритиб баҳор…
Эримайди негадир баъзи,
Қабоқларда музлаб қолган қор.

(Баҳодир Исломов).

Баҳор келиб-кетиб туради. Аммо, мангуликка келмайди. Хатто, умр баҳори ҳам! Муаллиф мисраларда бўғинларни тенглаштириш-оҳангни таъминлаш мақсадида «мангу» эпитетини киритишга мажбур бўлган. Сҳеър лаби учган пиёладек қолган. Демак, «мангу» сўзи парча учун ўринсиз.

Мулоқот пайтида суҳбатдошларнинг шахсий руҳий ҳолатлари муҳим аҳамият касб этади. Чунки, сўзловчининг нутқи унинг нутқ сўзланиб турган пайтдаги руҳий ҳолатига кўра турлича лексик таркибда ва оҳангда бўлиши мумкин. Бундай нутқ тингловчига ҳам турлича таъсир кўрсатади. Энг ўринсиз нутқ-қўпол нутқдир. Қўпол нутқ тингловчи кайфиятини вайрон қилади ва руҳига салбий таъсир кўрсатади.

Ўқитувчининг талаба билан қўпол муомаласи ўқув материалининг ёмон ўзлатиришига сабаб бўлишидан ташқари, талабаларни ўзиданбездиради ҳм. Қўпол сўзли ўқитувчини талабалар юракдан севмайдилар, ўзларига яқин билмайдилар. Талабалар севмайдиган устознинг ишдаги ютуғи қандай бўлиши ҳаммага маълум. Шунинг учун биз нутқимиз тингловчига қандай таъсир этиши ҳақида, қўполлиги билан жароҳатламаяптими, қобилиятини ерга урмаяптими,- деб ўйлашимиз зарур.

Нутқнинг ўринлилиги ижтимоий жиҳатдан жуда муҳим. Чунки, у бизнинг нутқий хулқимизни бошқаради.

18-маъруза
Мавзу: Ўқитувчининг дарс бериш маҳорати

Ўқув модуллари:

1. Ақлий фаолиятни бошқариш.

2. Муаммоли ўқитиш.

Маъруза бўйича аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу маърузани пухта ўзлаштирганидан сўнг:

-Педагог талабаларднинг ўқишга бўлган қизиқишларни шакллантиришда (7 та) қоидага риоя қилиши;

-Педагог ўқитишда методлардан унумли фойдаланиши;

-Дарс фаолиятида ноанъанавий дарс турларини қўллаш;

-Дарсда муаммоли ўқитиш ва илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш;

-Дарс сифатини юқори даражага кўтаришга эришишда дидактик категориялар бўйича тахлил қилишни ўрганиш.

1. Дарс жараёнида талабалар билим фаолиятини бошқариш бир неча омилларга боғлиқ. Уларнинг энг асосийларидан бири талабаларни ўз фанига қизиқтира олишдир. Олимлар таъкидлаганидек, фақат қизиқишгина психик жараёнлар ва уларнинг идрок, диққат, хотира, тафаккур ва ирода каби функцияларига ижобий таъсир кўрсатади.

Таълим-тарбия жараёнида талабанинг билишга оид қизиқишлари кўп қиррали қиёфаларда намоён бўлади: талабани ҳаракатчан ва қизиқувчанлиги, талабанинг айрим ўқув фаолиятига шунингдек, умуман ўқишга бўлган мотивлари,

талаба шахсининг ўзига хос белгилари ва унинг йўналишини қарор топиши ана шулар жумласидандир.

Талаба ёш даврига хос табиий фаоллиги, бирор бир ақлий қизиқиш билан қамраб олинмаса, уни қайси томон бошлаб кетишини олдиндан айтиш қийин. Шунинг учун ҳам К. Д. Ушинский "зўрлаш ва мажбурлашга асосланган ўқитиш" талабанинг ақлий ривожланишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Шуни таъкидлаш лозимки, қизиқишлар ва мотивлар талабалар ўқув фаолиятларининг шаклланиш даражасига қараб шахснинг шакллантирувчи (талабанинг назарий фикри, ўқиш фаолиятини талаба шахси учун аҳамияти) дастлабки омиллар билан ўзаро мураккаб муносабатларда намоён бўлади.

Хўш, талабаларнинг ўқишга (билишга) бўлган қизиқишларини шакллантириш шартлари қандай? Моҳир ўқитувчи уларни дарсда талабаларда шакллантириш учун нима қилиши керак? Ўқув фаолиятини фаоллаштириш ва ўқишга бўлган қизиқишларни доимо ривожлантириб бориш учун нима қилиш керак?

Моҳир ўқитувчи талабаларда ўқишга бўлган қизиқишларни шакллантириш ва доимо ривожлантириб бориш учун қуйидагиларга амал қилиши муҳимдир:

1. Талабаларни билишга интилишини, фанга умуман олганда ақлий меҳнатга қизиқишларини ривожлантириш ўқув жараёнини шундай ташқил этилишини таъминлайдики, унда талаба фаол ҳаракат қилади, мустақил изланиш ва янги омилларни "кашф этиш"га, муаммоли вазиятларни ўзи ҳал этишга интилади.

2. Ўқув фаолияти бошқа фаолиятлар каби фақат турлича бўлгандагина, қизиқарли бўлади. Бир хил усулда ахборот бериш ва бир хил усулдаги ҳаракатлар тез орада зерикишни вужудга келтиради.

3. Фанга бўлган қизиқишни шакллантиришда бу фанни ва унинг айрим қисмларини ўрганишнинг зарурлиги, муҳимлиги ва мақсадга мувофиқлигини талабаларга англатиш жуда зарурдир.

4. Ўтилаётган материал олдинги материал билан қанчалик кўпроқ боғлаб тушунтирилса, у талабаларга шунчалик қизиқарлироқ туюлади. Ўқув материалини талабаларни қизиқтирадиган нарсалар билан боғлаб тушунтириш ҳам, уларни дарсга қизиқтиришда муҳим рол ўйнайди.

5. Ўртача қийинликдаги ўқув материали ҳам талабаларда қизиқиш уйғотмайди. Ўқув материали бир оз қийинроқ, лекин талабалар кучи етадиган бўлиши керак.

6. Талабалар бажарган ишларни тез-тез текшириш ҳам уларни фанга бўлган қизиқишини уйғотади.

7. Ўқув материалининг аниқлиги, ҳиссиётга бойлиги, ўқитувчининг завқланиб гапириши ҳам талабага, уни фанга бўлган қизиқишини ортишига жуда катта таъсир кўрсатади.

МС	Оқоридаги таърифларда ўқитувчининг қайси жиҳати яққол кўзга ташланади?

Илғор ўқитувчилар ўқитиш методларини танлашга алоҳида эътибор берадилар. Талабаларнинг фронтал, дифференсиялашган ва якка тартибдаги фаолиятлиларининг умумий жиҳатлари кўпроқ бўлсада, уларни ташқил этиш ўқитувчидан ўзига хос ижодий ёндошишни талаб қилади. Талабалик фаолиятининг

объектини таркиби ва ўзига хослиги унинг ҳар бир аниқ вазиятга ижодий ёндошишини тақозо қилади. Агар бутун синф, гуруҳ ва алоҳида шахсга нисбатан бир хил метод билан таъсир кўрсатилар экан, унда тарбияси ҳам, ижодий ёндошиш ҳам барбод бўлади.

Айрим ҳолларда ўқишга қизиқтирувчи методлардан, бошқа ҳолларда эса бурч ва жавобгарликни ҳис этишни рағбатлантирувчи методларга кўпроқ эътибор бериш тавсия этилади. Тажрибали ўқитувчилар ўтилаётган мавзуни халқ хўжалиги масалаларини ҳал этишдаги аҳамиятига оид қизиқарли мисоллар келтирадилар, дидактик ўйинлардан, талабалар фаоллигини рағбатлантирувчи турли усуллардан фойдаланадилар. Лекин талаба фаолиятида ҳамма нарсани равшан ва қизиқарли ҳолда тасаввур этиш қийин. Шунинг учун ҳам ўқитувчи талабаларда пайдо бўладиган қийинчиликларни енгиш учун ўзига ирода ва қатъийликни ҳам таркиб топшириши зарур.

Дарсдаги фаолиятнинг турли-туманлиги ҳақида

Моҳир педагоглар маъруза, семинар, мунозара, конференция, ўқув саёҳати, талаба-маслаҳатчилар ёрдамида мустақил дарс, кўрик-конкурс каби дарс турларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берадилар.

Ўқитувчининг моҳирлиги юқорида кайд қилинган ноанъанавий дарс турларини ўтиш техникасининг эгаллашида намоён бўлади.

Талабалар тафаккурини ривожлантиришда маъруза дарсларнинг аҳамияти каттадир. Тажрибанинг кўрсатишича, маърузани бошлашдан олдин бу материални ўрганишда кўзланган аниқ мақсадни таъкидлаш лозим. Сўнгра билимларни эгаллаш ғояни исботлаш, оқилона ҳаракат усулларини танлаш принципларни кўрсатиш зарур. Шундан сўнгина мавзуни моҳиятини очиб берилади.

Ўз ишига ижодий ёндошадиган ўқитувчилар маъруза давомида диалог, савол-жавоб, қайтариш, зиддиятли вазиятлар, ўхшатишлар ва бошқа фаолият турларидан унумли фойдаланадилар.

Талабаларга янги билимларни ва қонуниятларни кашф этиш билан боғлиқ бўлган ақлий фаолиятни ривожлантиришда семинар дарслар муҳим аҳамият касб этади. Илғор ўқитувчилар тажрибаларида таъкидланганидек, семинар дарсда энг қолоқ талаба ҳам бошқа турдаги дарсда уддалай олмайдиган миқдордаги ақлий иш бажарар экан. Машғулотлар одатдагидан ташқари ноанъанавий усулларда олиб борилади. Баъзан у мунозара ёки суҳбат шаклида бўлиши мумкин. Лекин ўқув материали аниқ ва ишонарли қилиб баён этилади.

Илғор ўқитувчилар иш тажрибасида мунозара дарслар ҳам муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Ўқитувчиларни таъкидлашларича, мунозара дарсларни ўтиш жуда катта моҳирликни талаб этади. Бунда энг аввало талабалар фикрларини таққослаш ва уларнинг фикрларидаги қарама-қаршиликларни аниқлаш муҳимдир. Лекин дарснинг бу турини ҳар доим қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки биринчидан, ҳамма мавзулар ҳам мунозарабоп эмас, иккинчидан мунозарага тайёргарлик кўриш ўқитувчидан жуда кўп вақт талаб қилади.

Табиат қўйнида ёки ишлаб чиқариш шароитида ўтиладиган дарслар ҳам талабаларни фанга бўлган қизиқишларини ортишида муҳим рол ўйнайди

Дарснинг ноанъанавий шаклларидан бири кўрик-конкурс дарсидир. Бунда синф (гуруҳ) талабалари 3-4 тадан гуруҳларга бўлиниб, мавзуни мустақил

ўзлаштириб дарсни ўзлари баён қиладилар. Дарснинг бу тури мусобақа шаклида ўтказилгани учун ҳар бир талаба унга сидқидилдан астойдил тайёргарлик кўришга интилади. Баҳолашда ҳам гуруҳдаги барча талабалар иштирок этадилар. Бунда дарснинг мазмуни, методик таъминоти, материални тушунтиришни ўзига хослигига алоҳида эътибор берилади. Талабаларни гуруҳчаларга бўлиниб ишлашлари эса уларни жамоада ҳамкорлик билан ишлашга, ўзаро ёрдам беришга ўргатади.

Муаммоли ўқитиш бунёдкор ва илғор ўқитувчиларнинг тажрибасиз ўқитувчидан тубдан фарқ қилувчи томонлари қуйидагилардан иборат: Тажрибаси бўлмаган ўқитувчилар дарсда талабаларга асосан билимларни тайёр ҳолда берадилар. Бундай ўқитувчилар дарсда кўпроқ ўқув материалини ўқитувчи тушунтиришидан ёки дарсликдан талабаларнинг ёд олишига ҳаракат қиладилар. Баъзи ўқитувчилар эса "ҳаммабоп" комбинациялашган дарсга ўта берилиб кетадилар ва бир хил андоза бўйича ишлайдилар. Албатта, бу ўқитишдаги муаммони излаб топиш ва муаммоли вазиятлар яратишдан осон. Баъзи ўқитувчилар эса ривожлантирувчи таълим моҳиятини тўла-тўкис тушуниб ета олмайдилар. Улар етарли даража дидактик ва умумпедагогик маълумотларга эга эмаслар. Натижада муаммоли ўқитишни жорий этишда муваффакиятсизликка учрайдилар.

М. И. Махмутов таъкидлаганидек, ҳозирги замон ўқитувчилари учун муаммоли методни жорий этиш қийинчилик туғдиради, чунки «ўқув дастурлари ва дарсликлар» анъанавий педагогик тафаккур асосида, эскириб қолган дидактика ва методикага асосланган. Ўқув материалини баён этиш мантиғи эса уни батафсил (ипидан-игнасигача) тушунтиришни талаб қилади ва талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятларига деярли эътибор берилмайди.

Моҳир талабалар, ўз ишининг усталари учун эса талабалар билан демократик услубда мулоқот қилиш ва талабаларнинг ижодий тафаккурларини ривожлантирувчи муаммоли методлар системасини қўллаш характерлидир. Улар билимларни ўзлаштиришни барча босқичларида муаммоли вазият яратишга эришадилар. Улар талабаларнинг формула ва қонунларни, сон-саноқсиз рақамлар ва исмларни, юзлаб қоида ва таърифларни сохта ёд олишларини, уларнинг хотираларини ҳаётда керак бўлмайдиган нарсалар билан тўлдириб банд қилишни қоралайдилар.

Моҳир ўқитувчи дарс ўтиш методикасини доимо такомиллаштириб боради. Муаммони қўяр экан талабани уни ҳал қилишидаги ички зиддиятларни, овоз чиқариб мулоҳаза юритади, ўз фикрларини баён қилади ва уларни муҳокамага қўяди. Содир бўладиган эътирозларни олдиндан бартараф қилади, ҳақиқатни тажрибада (уни намойиш қилиб ёки олимлар ўтказган тажрибалар асосида) исботлайди. Ўқитувчи талабалар олдида илмий тафаккўр юритиш йўлларини намойиш қилади. Талабаларни илмий изланиш ёрдамида ҳақиқат томон йўллайди, уларни бунда иштирокчи бўлишларини таъминлайди.

Бунёдкор ўқитувчилар муаммоли ўқитишга алоҳида эътибор берадилар. Масалан, В. Ф. Шаталов талабаларга жуда кўп масалалар ечтиради ва назарий билимларни амалда қўллаш малакаларини шакллантиради. Агар ўқитувчининг тушунтириши, қўлланиладиган таянч сигналлар, схемалар ва конспектлар уларни хотираларини ривожлантирса, масалалар ечиш эса уларнинг тафаккурини ўстиради, математик мантиқий фикрлаш эса мустақил фаолиятда таркиб топтирилади. Талабаларнинг ижодий тафаккурини ривожлантиришда таянч сигналлар тузиш,

"очиқ фикрлар дарслари", олимпиадада иштирок этишлари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бунёдкор ўқитувчилар фикрича муаммоли ўқитиш талабаларнинг дарсдаги фаоллигини, уларни эркин фикрлашларини таъминлайди. Илғор ўқитувчилар ўқув материалини блоклар бўйича бериш, умумийликдан хусусийликка, қонунлардан ходисаларга томон йўналишга асосланган принциплардан оқилона фойдаланадилар. Шундай қилиб, бунёдкор ўқитувчилар муаммоли вазият амалиётини янги бир поғонага кўтарадилар. Уларнинг тажрибалари замонавий дарсга ёндашиши, уни ташқил этишни янгича тушунишга асос яратди. Бу бевосита муаммоли ривожлантирувчи ўқитишга бевосита боғлиқдир.

МС

Бунёдкор ўқитувчининг дарс ўтиши ҳозирги янги педагогик технологиялар ўтиладиган муаммоларни ўзида мужассам қила оладими?

Ижодий характерга эга бўлган масалалар

Моҳир ўқитувчи дарси-бу педагогик ва талабанинг ҳамкорлигидаги меҳнати, маданий тафаккур лабораториясидир. Бундай дарс талабаларда қизиқиш, синчковлик, билимга оид эҳтиёжлари намоён бўлади. Талабалар савол берадилар ва улар ўзлари жавоб излайдилар, тафаккурларини ишлатадилар, ўқишдаги ўзларининг кучларига мос бўлган қийинчиликларни енгишга ўрганадилар.

Анъанавий дарсда одатдагидек, ўқитувчи савол беради, талабалар эса фақат дарсликларга асосланган ҳолда жавоб берадилар. Шунинг учун ҳам гўёки ҳақиқат ўқитувчилар ва дарслик муаллифлари томонидан кашф этиб қўйилгандек туюлади. Яна нимани излаш керак? Бу излаш нима учун керак? Ҳақиқат аниқланган, фақат уни идрок қилиш, ёдда сақлаш ва сўзлаб бериш зарур холоску. Бундай тушунча дарсларда зерикиш, дангасалик ва оқибатда маънавиятсизликка олиб келади.

Талабаларни фаоллигини ва изланувчанлигини муаммоли ўқитишни амалга оширишда моҳир ўқитувчилар талабаларга бериладиган савол ва топшириқлар системасини ўйлаб топадилар. Улар тўзган саволлар лўнда, қисқа ва аниқ бўлади. Улар талабаларни қизиқувчанлигини ва мустақил фикрлаш қобилиятларини режалаштириб қолмай, балки уларни ижодий қобилиятларини ҳам ривожлантирадилар. Уларни тартиб қоидага риоя қилишларига, ихчам бўлиш руҳида ҳам тарбиялайдилар. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, илмий изланишлар кўрсатганидек, ёш ўқитувчиларни талабаларга берган саволларининг 80 фоизи фикрлашни талаб этмайди. "Буни номи нима?", "Бу қайси йилда бўлган эди?", "Сифатни таърифини айт!" ва бошқалар ана шундай самарасиз саволларга мисол бўла олади. Албатта, механик хотирани ишлатиш, уни ривожлантириш зарур, лекин шу билан бирга талабаларнинг билишдаги фаоллигини, тафаккўри ва диққатини ҳамда ривожлантириш зарурлигини ҳам ёддан чиқармаслик керак. Талабаларга бериладиган саволлар қарама-қарши, исбот талаб қилувчи фикрларга бой, мавжуд билимлардан, фақат муайян ҳолатда зарурини танлаб ишлатиши, таъминлайдиган билимларни амалда қўлланилиши лозим.

Дарснинг сифати

Кўзланган вазифаларнинг бажарилишини баҳолаш натижасида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини эгаллаш даражаси аниқланади.

Агар эришилган натижа талабанинг энг юқори имкониятлари даражасида бўлса, кўзланган мақсадга эришилганлик самараси ва сифати энг мақбўл деб ҳисобланади.

Дарснинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш ўқитувчи учун моҳирлик устахонаси, машғулотни ташкил этишнинг энг самарали шакл ва методларидан онгли равишда фойдаланиш шарти бўлиб ҳисобланади. У дарсда нималарга эришди, нималарга эриша олмади, муваффақиятсизликни сабаби нима ва уни бартараф қилиш йўллари қандай, педагогик маҳоратни янада такомиллаштириш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклиги ҳақида яққол тасаввур ҳосил қилади.

Дарс сифатини анъанавий усулда: сўраш, тушунтириш-мустаҳкамлаш ва уй вазифаси схемасида аниқлаш ҳам мумкин. М. И. Махмутов бундан фарқли ҳолда замонавий дарс сифатини "кенг" ва "тор" мазмунда, дидактик категория ва таркибий тузилиши қисмлари бўйича таҳлил қилиниши лозимлигини таъкидлайди.

Дарсни дидактик категориялар бўйича таҳлил қилиш қуйидагиларга аниқлик киритишни англатади:

- Дарс дидактик принциплар ва ўқув тарбиявий жараённи ташқил этиш талабларига жавоб бердими?

- - Умуман олганда, дарс таркибий тузилиши ва шу жумладан, унинг ички ва ташқи таркибий тузилишлари қандай бўлди?

- Ўқитиш методларини кўргазмалилик ва УТБдан фойдаланиш билан биргаликда қўллаш дарснинг дидактик мақсадларига мувофиқ бўлдими, бу талабаларнинг мустақил ишлари, таълим ва тарбияни биргаликда юқори даражада амалга оширишни таъминлай олдими?

- Дарсда талабалар фаолиятини якка тартибда ва дифференсиаллашган ҳолда ташқил этиш, дарсни ҳаёт билан боғлаб олиб борилганлиги нима билан ҳарактерланади?

Дарсни таркибий тузилиши қисмлари бўйича таҳлил қилиш қуйидагиларни аниқлайди: янги тушунча ва ҳаракат усулларини шаклланиши, кўникма ва малакаларни шакллантириш, дарсни қайси қисми талабалар тарбиясига кўпроқ таъсир этди. Бўларнинг ҳаммаси дарснинг сифат кўрсатгичларини белгилайди.

Шундай қилиб, ўқитувчининг дарсга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишдаги маҳорати ўта мураккаб, Лекин ўз ишига ижодий ёндашган ҳар бир ўқитувчи уддалай оладиган вазифадир.

МВ

Юқоридаги дарс машғулотларининг қайси киҳати сизга методик ёрдам бўла олади?

Фойдаланилган адабиётлар

а) асосий адабиётлар

1. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: Шарқ 1997-64 б.
2. Н.П.Аникеева. Жамоадаги руҳий муҳит Т.: «Ўқитувчи» 1993. 256 б.
3. Основў педагогического мастерства Под редактсией.
4. А. Зязуна. М.: Просвеҳение. 1989. - 302 с.
5. В.А.Кан-Калик., Н.Д.Никандров. Педагогическое творчество М.: Педагогика. 1990. 144 с.
6. В.А.Кан-Калик. Учителского педагогическом обҳении М.: Просвешение. 1987. 190 с.
7. Кухарев Н. В. На пути к профессионалному совершенству. - М.: Просвеҳение. 1990-159 с.
8. А.С. Макаренко Творческое исползования педагогичес-кого наследия в воспитании будуҳих рабочих. М: 1991-415
9. Ўзбек педагогикаси антологияси. Т.: «Ўқитувчи» 1995.
10. Педагогика тарихи. Т.: «Сҳарқ». 2000.
11. Р.Мавланова., О.Тўраева., Қ.Холиқбердиев. Педагогика Т.: «Ўқитувчи» 2001.

б) қўшимча адабиётлар

1. Педагогика тарихидан хрестоматия. // Ўз-муаллиф Ҳасанбоева // Т.: «Ўқитувчи». 1992-208 б.
2. И.Батенова. Педагогик изланиш Т.: «Ўқитувчи» 1989. 608 б.Абдулаев Х. Ким қандай ўқитади. // Маърифат. 16. 07.
3. 1998. Н: 52 (7049).
4. Миновваров Сҳ. Театр педагогикаси элементларини эгаллайлик. // Халқ таълими 1999. Н:4, 125-126 бет.